

Т.Турсунмуратов

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ
МИНТАҚАВИЙ
ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА
ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК
САЛОҲИЯТ ОМИЛИ**


Монография

631.158
Ти-92

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

Т. Турсунмуратов

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК САЛОҲИЯТ
ОМИЛИ



"Tafakkur qanoti"
Тошкент – 2016

УЎК: 631.158

ББК 42.16

Т-92

Масъул муҳаррир:

В. Қўчкоров – сиёсий фанлар доктори, доцент

Такризчилар:

М. Холмухамедов – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

У. Азизов – PhD.

Т. Турсунмуратов

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда илмий-технологик салоҳият омили. Т. Турсунмуратов – Тошкент: «Tafakkur qanot», 2016. – 112 б.

Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ва геоиқтисодий мавқенини юқорилиги, минтақага ташки кучларнинг қизиқишини ортиради. Ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ташки факторларнинг минтақа давлатлари билан ҳамкорлиги ва минтақанинг хавфсизлик ҳамда барқарорлиги даражасига таъсирини тизимли таҳлил асосида ўрганиш ҳамда бу борадаги асосий тенденцияларга баҳо бериш ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Шу билан бирга, минтақавий илмий-техник ҳамкорликнинг самарали институционал механизmlарини яратиш асосида ядрорий хавфсизликни мустаҳкамлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлатлар ўртасида сув-энергетика ресурслари тақсимланишидаги муаммоларни бартараф этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида табиий ва техноген характерга эга бўлган таҳдидларнинг олдини олиш каби масалаларнинг ҳал этилиши бугунги куннинг долзарб вазифалари қаторига киради.

Монография Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви Академияси тингловчиларига, давлат ва жамият бошқаруви соҳалида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва бошқарув кадрлари, тадқиқотчилар, талабалар ҳамда кент жамоатчиликка мўлжалланган.

УЎК: 631.158

ББК 42.16

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришини мувофиқлаштириши кўмитасининг А-1-093 “Амалий хавфсизликда ўйинлар назарияси” номли амалий тадқиқот дастури асосида тайёрланган.

Монография Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси Илмий кенгашин томонидан 2016 йил 28 октябрдаги З-сонли баённомасига мувофиқ нашрга тавсия қилинган.

© Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2016 й.
© «Tafakkur qanot», 2016 й.

ISBN 978-9943-382-91-6

КИРИШ

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фан ва технологиялар соҳасида эришилган ютуклар давлатларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши учун кенг имкониятлар бериши билан бир қаторда, глобал характерга эга бўлган иқтисодий ва сиёсий жараёнларга ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсата бошлади. Замонавий технологиялар ривожланишининг натижалари асосида туғилган ва қисқа вақт ичida жадал тус олган глобаллашув жараёни давлатлар ўртасидаги муносабатларга кириб бориб, халқаро сиёсий тизим шаклланишининг асосий омиллари қаторидан жой олди. Давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни унинг технологик сектори ривожланганлик даражаси, глобал инновацион ва ишлаб чиқариш тизимларга кўшилиш имкониятлари билан баҳолана бошланди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, давлатнинг илмий-технологик салоҳиятига, фундаментал ва амалий фанлар ютуқларига асосланган инновацион ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий ва индустрiali ривожланган давлатлар қаторига қўшилишининг зарурий шартига айланди¹.

Илмий-технологик салоҳиятдан тинчлик йўлида фойдаланишнинг ижобий натижалари билан бир вақтда, унинг ҳарбий ва стратегик мақсадлар учун ишлатилиши оқибатлари инсоният учун жиддий муаммоларни юзага келтирди. Шу билан бирга, фан ва технологиялар ривожланиши глобал ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг самарали механизmlарини яратишда мўҳим аҳамият касб эта бошлади.

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ўрганиш жараёни шуни кўрсатадики, мавжуд бўлган таҳдидлар сони катта бўлибгина қолмай, улар бир-биридан ўз

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI Аср бўсағасида: Хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 125.

моҳияти билан ҳам тубдан фарқ қиласди. Бундай таҳдидлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барчасига тегишли бўлиб, уларнинг бартараф этилиши минтақа давлатларининг мустақил ва барқарор ривожланишида муҳим ўрин тутади.

Минтақавий илмий-техник ҳамкорликнинг самарали институционал механизмларини яратиш асосида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлатлар ўргасида сув-энергетика ресурслари тақсимланишидаги муаммоларни бартараф этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида табиий ва техноген характерга эга бўлган таҳдидларнинг олдини олиш каби масалаларнинг ҳал этилиши буғунги куннинг долзарб вазифалари қаторига киради.

Марказий Осиё мамлакатларининг миллий манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда илмий-технологик салоҳият юксалишининг устувор йўналишларини аниқлаш уларнинг мустақил ва барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратади.

Буғунги кунда илмий-технологик салоҳият ҳамда илмий-техник ҳамкорлик асосида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг олдини олишнинг самарали механизмларини яратиш Марказий Осиё давлатлари олдида турган устувор вазифалар қаторига киради ва бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг шаклланиши, Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий ва геиқтисодий ҳолат ҳамда минтақавий ва миллий хавфсизликни таъминлаш муаммолари ўзбекистонлик олимлар Ш.М.Абдуллаев, Д.С.Азимова, Р.М.Алимов, А.Т.Аҳмедова, Н.А.Қосимова, А.М.Қосимов, Р.С.Қосимов, Р.З.Жумаев, С.Жўраев, Р.Ф.Фармонов, Г.И.Каримова, М.М.Бахадиров, Т.Саттаров, С.Сафоев, Н.И.Иброҳимов, Н.У.Туляганова, М.Э.Аскаров, К.М.Аҳмедов, А.А.Ҳайдаров, У.А.Хасанов, В.Парамонов, Р.Махмудов ва бошқа қатор олим ва мутахассисларнинг илмий асрларида ҳар томонлама таҳлил этилган².

² Abdullaev Sh.M. Formation of a New International System and Central Asian Regional Security //International Relations. 2003. - №3. – P. 47-56; Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005. – 464 с.; Касымова Н.А. Глобализация в мировой политике. – Т., 2004. – 143 с.; Касымов А., Вась-

Уларнинг илмий ишларида глобаллашув шароитида юзага келаетган замонавий таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсатида глобал ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг устуворлиги ҳамда Марказий Осиё минтақасида кечаетган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар кенг ёритилган.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотларда илмий-технологик салоҳиятнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги роли алоҳида муаммо сифатида ўрганилмаган.

Илмий-технологик салоҳият омилиниң ҳалқаро муносабатларда муҳим ўрин тутиши Н.Неуритер, Н.Холткамп, Дж.Деутч, Дж.Аткинсон, Ф.Фукуяма, А.Валлерстейн, А.Тоффлер, Й.Фергусон, С.Доналд, С.Хантингтон, Г.Киссинджер, Х.Брандис, З.Бжезинский ва бошқа қатор хорижлик олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган³. Бу гурух олимлари ўзларининг илмий асрларида замона-

кин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистон, 1994. – 112 с.; Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях Центральной Азии. – Т.: УМЭД, 2004. – 212 с.; Хасанов У.А. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). – М., 2004. – 192 с.; Касымов Р.С. Проблемы формирования национальных моделей развития в условиях трансформации экономических систем. Автореф. Дис... д-ра эконом. наук. Т., 1998; Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. Т.: ФАН, 1996; Каримова Г.И. Политко-экономический аспект интеграции Узбекистана в мировое сообщество. Дис... канд. полит. наук. – Т., 1996; Бахадиров М.М. Международное сотрудничество Республики Узбекистан в решении проблем Аральского моря. Автореф. дис... канд. полит. наук. – Т.: УМЭД, 2002. – 25 с.; Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – 160 б.; Аҳмедова А.Т. Ўзбекистон саноати ривожланиши тарихидан //Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 2002. – №1. – Б.30-36.; Хайдаров А.А. Проблемы ближневосточного урегулирования. – Т., 2001г. – 255с.; Аскаров М.Э. Американо-иранские отношения и проблемы региональной безопасности Центральной Азии. Автореф. дис... канд. полит. наук. – Т.: УМЭД, 2005.

³ Neureiter N. Engineering and American Diplomacy //The Bridge. 2006. – №2. – P.29-39; Horwitz M., Neureiter N. Science and technology in the Department of State //Technology in Society. 2004. – №2/3. – P.47-55; Deutch J.A. Nuclear Posture for Today //Foreign Affairs. 2005. – January/February. – P.50-59; Fukuyama F. The End of the History and the Last Man. N. Y.: The Free Press, 1992; Fukuyama F. Second

вий технологияларни ривожлантириш борасида кенг фаолият олиб бораётган мамлакатлар билан бу соҳада ортда қолаётган давлатлар ўртасидаги технологик номутаносиблик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларига ҳам катта эътибор берадилар.⁴

АҚШ Давлат департаменти Котибининг Фан ва техника бўйича маслаҳатчиси Н.Неуритер халқаро муносабатларнинг мураккаб муаммоларини ҳал этиш учун замонавий технологиялар соҳасида катта тажрибага эга бўлган олим ва мутахассисларни кенгрок жалб этишни таклиф этади. Олимнинг баҳолашicha, узоқ йиллар давомида кўплаб давлатларнинг ташки сиёсатида фан ва технологиялар омили етарли даражада ҳисобга олинмай келинаётган бир пайтда, бу анъанавий ёндашувларни глобаллашув жараёни тарафдорларининг халқаро дипломатияда илмий-технологик салоҳиятнинг муҳим ўрин тутишини ҳимоя қилувчи янги ғоялари эгаллаётгани кузатилади.

Хавфсизлик тушунчаси турли назарияларда турлича изохлангани ҳолда, ҳозирги пайтгача умумий битта таърифга келинмаган. Хавфсизлик тушунчасининг қайта кўриб чиқилиши, лозимлиги американлик олим Р.Ульман ва инглиз олими Б.Бузан ишларида ўз аксини топган⁵.

Р.Ульман хавфсизлик тушунчасининг фақат ҳарбий таҳдидлар асосида, ноанъанавий таҳдидлар ҳисобга олинмаган ҳолда талқин этилиши миллий ва халқаро барқарорликка катта салбий таъсир

Thoughts. The Last Man in a Bottle //The National Interest. 1999. – Summer. – P.16-33; Wallerstein I. The Politics of the World-Economy: The States, the Movements and the Civilizations. - Cambridge: Cambridge University Press, 1984; Toffler A. The Third Wave. – New York: Morrow, 1980. Ferguson Y.H., Mansbach R.W. Technology and the Transformation of Global Politics //Paper prepared for the 2000 annual meeting of International Studies Association. – Los Angeles. 2000; Donald M., Brown E. International Relations: The Changing Contours of Power. - New York: Longman, 2000; Huntington S. The clash of Civilizations & The Remaking World Order. - New York: Basic Books, 2005; Kissenger H. Diplomacy. – New York: Simon & Schuster, 1994;

⁴ Ullman R. Redefining Security //J. International Security. 1983.-№1. – P.133-140; Buzan B. The security dynamics of a 1 + 4 world. In Paradigms in transition: globalization, security and the nation state. – New York: Suny Press, 2005. – P. 177-97.

кўрсатиши мумкинлигини таъкидлайди. У таҳдидларни иккита категорияга ажратади. Р.Ульман биринчи категорияга ташки ҳарбий тажовузлар, ички қўзғолонлар, табии оғатлар ва бошқа давлатлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган иқтисодий таъсирларни киритади. Иккинчи гуруҳ таҳдидларига эса моддий ресурсларнинг камайиб кетиши, агроф-муҳитдаги кескин ўзгаришлар, мамлакатга катта миқдорда қочоқларнинг кириб келиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни киритади. Р.Ульмандан фарқли равиша, Б.Бузан алоҳида шахснинг хавфсизлиги миллатнинг хавфсизлиги билан мос келмаслиги, ҳатто баъзи ҳолларда улар бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин, деб ҳисбладайди.

У мавжуд таҳдидларни таҳдил этган ҳолда, хавфсизлик ҳолатини “юмшоқ” ва “қаттиқ” кўринишларга бўлишни таклиф этади. “Юмшоқ” ҳолат мажмуига иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларда таъминланиши зарур бўлган хавфсизлик ҳолатини киритган ҳолда, “қаттиқ” ҳолатга эса ҳарбий нуқтаи назардан таъминланиши керак бўлган хавфсизлик ҳолатини қабул қилишни таклиф этади.

Замонавий технологиялар ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатлари билан бирга бу жараённинг глобал сиёсий тизимга таъсири ва оқибатлари А.И.Ракитов, А.Шаравин, Г.Кочетков, А.Ваганов, Д.Данкин, В.Иноземцев, М.Лебедева, В.Сергеев илмий асарларида ёритилган⁶.

⁵ Шаравин А.А. Высокие технологии и безопасность государства. // Космос. Информация. Новые технологии.–Москва, 2002. – №4. – С.22-27; Кочетков Г. Наука и техника как факторы глобализации. // Человек и труд. Москва, 2001. – №10. – С.15-19.; А.Ваганов. В поисках научно-технической политики // Отечественные записки. Москва, 2002, – №7. – С. 35-39; Д.Данкин. Безопасность - предпосылка и результат развития политического доверия // Безопасность Евразии. 2000. – №1. – С.342-345.; Иноземцев В.Л. Расколотая цивилизация. – М.: Academia – Наука, 1999. – 220 с.; Лебедева М.М., Мельвиль А.Ю. «Переходный возраст» современного мира // Международная жизнь. М.: 1999. – № 10. – С.76-84.; Сергеев В.М. Государственный суверенитет и эволюция системы международных отношений // Ж. Космополис. Альманах. 1999. – С.27-31. Авдулов А.Н., Кулькин А.М. Государственная научно-техническая политика Японии: основные этапы и направления. М.: ИНИОН, 2000. – С. 34.

Глобаллашув шароитида ахборот жамиятининг вужудга келиши ҳамда ахборот хавфсизликни таъминлаш муаммолари ўзбекистонлик олимлар Т.К.Иминов, Ф.Р.Хасанов, Р.М.Алимов, М.З.Мунавваров⁶, россиялик олимлар Т.Е.Ершова, В.П.Терин, Ю.И.Алексеева, И.И.Тюрюканова, В.Емелин, А.Е.Шадрин, А.Е.Чугун, М.С.Вершинин, В.И.Василенко илмий ишларида таҳдил этилган⁷.

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш жараёни мураккаб бўлиб, бу соҳада мавжуд таҳдид ва чақириқларнинг олдини олишда айни бир пайтнинг ўзида бир нечта йўналишларда фаолият олиб борилиши тақозо этилади. Минтақавий хавфсизликни таъминлашда сиёсатчилар, иқтисодчилар, экологлар, тиббиёт ходимлари, журналистлар, башоратчилар, мухандислар ва бошқа соҳа вакилларининг ҳамжиҳатликада иш олиб бориши натижасидагина самарали натижаларга эришиш мумкин.

Минтақавий хавфсизликка бағишланган катта сондаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, хавфсизлик тушунчаси турли назарияларда турлича изоҳланган ва ягона таърифга эришилмаган.

⁶ Иминов Т.К, Хасанов Ф.Р. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий асослари, // Информационная безопасность в сфере связи и информатизации: Материалы научно-практического семинара, – Ташкент, 2005. – С.17-22.; Алимов Р.М. Проблемы формирования новой архитектуры региональной безопасности в условиях глобализации: Автореф.дис....д-ра полит. наук. – Т.:УМЭД, 2006; Мунавваров М.З. Императивы внешней политики Республики Узбекистан в условиях глобализации и информатизации международных процессов. Дис....канд. полит. наук. - Т.: УМЭД, 2007. – С.25.

⁷ Ершова Т.В. Концептуальные основы перехода к информационному обществу XXI века // Развитие информационного общества в России. - Москва, 1998. – С.97-108; Терин В.П. Массовая коммуникация. Исследование опыта Запада. – М.:МГИМО МИД РФ, 2000. – 224 с. Соловьев А.И. Политические коммуникации. – М.:Наука, 2004; Алексеева И.Ю.; Возникновение идеологии информационного общества // Информационное общество. Москва, 1999. – №1. – С.30-35; Чернов А.А. Становление глобального информационного общества: проблемы и перспективы – М.: Дашков и К., 2003. – 232 с.

І-БОБ. ГЛОБАЛ ТЕХНОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ ИЛМИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТИ СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Глобал технологик ривожланиш шароитида минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асослари

Бугунги кунда глобаллашув шароитидан келиб чиқсан ҳолда, хавфсизлик тушунчасининг ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий муносабатлар доирасидан кенгрок маънода, иқтисодий, ижтимоий, экологик, технологик, ахборот, маданий ва бошқа соҳалардаги ривожланиш жараёнлари билан ҳамоҳангликда талқин этилиши тақозо этилмоқда.

Глобал, минтақавий ва миллий хавфсизликка бағишланган катта сондаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, хавфсизлик тушунчаси турли назарияларда турлича изоҳланган ва ягона таърифга эришилмаган.

Мавжуд ёндашувлар, қарашлар ва концепциялар хавфсизлик тушунчасининг жуда кенг маънода кўриб чиқиши учун асос бўлмоқда. Анъанавий тарзда кўпчилик расмий ҳужжатларда хавфсизлик шахс, жамият ва давлатнинг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида талқин этилади. Масалан, РФнинг Миллий хавфсизлик Концепциясида ифода этилган нуқтаи назарга риоя қилиб, унда хавфсизлик шахс, жамият ва давлатнинг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида белгиланади⁸.

Хавфсизлик – бу одамлар, жамият, давлат, дунё ҳамжамиятининг, уларни ҳалок қилишга, фундаментал моддий ва маънавий бойликлардан маҳрум этишга, мақбул бўлмаган (объектив ва субъектив тарзда йўл қўйиб бўлмайдиган) зарар етказиш, аниқлаш ва ривожланишга йўлни ёпиб қўйишга қодир бўлган, хавф ва таҳдидларни аниқлаш, олдини олиш, сусайтириш, бартараф этиш ва қайтариши борасидаги фаолияти⁹.

⁸ Концепция национальной безопасности Российской Федерации // Российская газета. 18 января 2000 г.

⁹ Д.Данько. Безопасность государства, общества и личности //Сборник на-

Бирок, ҳамма тадқиқотчилар ҳам хавфсизлик тушунчасининг бундай талқинини тўғри деб ҳисобламайдилар. Масалан, россиялик тадқиқотчи Д.Данкин хавфсизлик фақат ҳолатни эмас, балки социумнинг барча элементлари ривожланиш тенденцияси ва инновациялар объектив равишда келтириб чиқарадиган сифат жиҳатдан аникланганлигини ва фундаментал бойликлар ва асосий институтлар сақланиб қолган ҳолда, хусусий табиатига мос келувчи ва у томондан белгиланувчи эркин ишлаши таъминланадиган ҳаёт фаолияти шароитини таърифлайди, деб ҳисоблайди¹⁰.

Шу билан бирга, бошқа россиялик олим Г.В.Иващенко, хавфсизлик – субъект ёки шахс манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати эмас, балки у субъект томонидан ўзининг мавжуд бўлиш шартини назорат қилишдир, деб ҳисоблайди¹¹.

1983 йилда америкалик олим, Пренстон университети профессори Р.Ульман томонидан чоп этилган “Хавфсизлик тушунчасининг янги таърифи” деб номланган асари хавфсизлик тушунчаси тўғрисидаги янги тортишувларни келиб чиқишига асос солди. Р.Ульман хавфсизлик тушунчасининг ноҳарбий таҳдидларни ҳисобга олмаган ҳолда фақат ҳарбий таҳдидлар асосида тушунтирилиши миллий ва ҳалқаро барқарорликка катта салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлайди. Америкалик олим, хавфсизликни мамлакатда кисқа вақт ичida истиқомат қилувчи ҳалқнинг яшаш даражасининг кескин тушиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган таҳдидлар, мамлакат расмий ҳокимияти сиёсий доиралари имкониятлари чегараланишига мажбур этувчи таҳдидлар асосида таърифлашни таклиф этади. Биринчи категорияга Р.Ульман ташки ҳарбий тажовузлар, ички кўзғолонлар, бошқа давлатлар томонидан иқтисодий чегаралар ва табиий офтларни киритади. Иккинчи гурӯҳ таҳдидларига эса моддий ресурсларнинг камайиб кетиши, атроф-мухитдаги кескин ўзгаришлар, мамлакатга катта микдорда

учных трудов кафедры управления и информатики /Дипломатическая Академия МИД РФ. - Москва, 2002. - С. 80.

¹⁰ Д.Данкин. Безопасность-предпосылка и результат развития политического доверия // Безопасность Евразии. Москва, 2000. - №1. - С.342.

¹¹ Г.В.Иващенко. О понятии безопасность // Credo. - Оренбург, 2003. - №4. - С. 112-117.

қочокларнинг кириб келиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни киритади¹².

Хавфсизлик тушунчасининг қайта кўриб чиқилиши лозимлиги инглиз олим Б.Бузан ишларида ҳам ўз аксини топган. Олим “Халқ, давлат ва қўрқинч” деб номланган илмий асарида хавфсизлик концепциясининг қатор жиҳатларини ёритишга ҳаракат қиласди. Р.Ульмандан фарқли равища, Б.Бузан алоҳида шахснинг хавфсизлиги миллиатнинг хавфсизлиги билан мос келмаслиги, ҳатто баъзи ҳолларда улар бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин, деб ҳисоблайди. Мавжуд таҳдидларни таҳлил этган ҳолда Б.Бузан хавфсизликнинг “юмшок” ва “қаттиқ” жиҳатларга бўлишни таклиф этади. “Юмшок” жиҳатлар мажмуга иқтисодий, маънавий ва маданий соҳада мавжуд бўлган хавфсизликни киритган ҳолда, “қаттиқ” жиҳатларга ҳарбий кучлар ёрдамида таъминланиши мумкин бўлган хавфсизликни киритишини таклиф этади¹³.

“Совуқ уруш” даврида хавфсизликни таъминлаш факат давлат томонидан амалга оширилган бўлса, ҳозирги кунда бу соҳада инсон, жамият ва миллиатнинг роли сезиларли даражада ортди. Глобаллашув шароитида алоҳида давлатнинг хавфсизлиги минтақавий ва глобал хавфсизликнинг ажралмас қисмига айланди. Бу шароитда олдиндан мавжуд бўлган таҳдидларнинг қучайиши ва янгиларининг юзага келиши жаҳон ҳамжамияти аъзоларидан глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарали институционал механизмларини яратиш ва бу механизмларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришларини жиддий тақозо эта бошлади.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда минтақавий илмий-техникавий ҳамкорлик асосида мавжуд таҳдидларни олдини олиш буғунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ўрганиш жараёни шуни кўрсатади, мавжуд бўлган таҳдидлар спектри диапазони етарли даражада кенг бўлибгина қолмай, балки улар бир-биридан ўз моҳияти билан тубдан фарқ қиласди. Бундай таҳдидлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барчасига

¹² Ullman R. Redefining Security //J. International Security. 1983. - №1. - P.133-140;

¹³ Buzan B., Waever O., de Wilde J. Security: A New Framework for Analysis. Boulder: Lynne Rienner Publishers, 1998. - P. 88.

тегишли бўлиб, уларинг бартараф этилиши миңтақа давлатларининг мустақил ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда, қатор олимлар томонидан хавфсизликни ижтимоий модель обьекти сифатида олинган ҳолда тизимли таҳлил этилиши, хавфсизлик ҳолатининг ҳар томонлама баҳоланиши учун катта имкониятлар бермоқда. Хавфсизлик муаммосининг янги метод асосида ўрганишда, фалсафий категория сифатида ижтимоий тизим олинади. Ижтимоий тизимнинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган элементлар ушбу тизимнинг прогрессив ривожланиш жараёнидаги хавфсизлигини таъминлашнинг асосини ташкил этади.¹⁴

Миңтақавий хавфсизликни таъминлашда “ташкі” таҳдидларни бартараф этиш билан бир қаторда “ички” характерга эга бўлган муаммоларни барагараф этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Миңтақанинг ички ҳолатига бағишланган тадқиқотларнинг аксарият қисми унда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга кучли эътибор қаратилаган ҳолда амалга оширилган бўлиб, бу жарёнларнинг салбий оқибатлари маълум бир тизим асосида баҳоланиши кузатилади. Хусусан, Тожикистонлик эксперт М.Ражапов, амалда хавфсизлик соҳасида мавжуд бўлган салоҳият ёки реал ҳатарлар ва таҳдидларнинг, шунингдек эътиборни талаб этадиган муаммоларнинг чексиз рўйхатини тузиш мумкинлигини таъкидлайди.

Унинг фикрича, улар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий, экологик, аҳборот соҳаларида намоён бўлади ва миңтақавий хавфсизликнинг алоҳида жиҳатларини акс эттиради¹⁵. “Совук уруш” тугагач, Марказий Осиё миңтақасининг ташки кучларнинг фаоллиги сезиларли даражада кучайици натижасида янги геосиёсий майдонга айланиши миңтақа мамлакатлари ташки сиёсатида худуднинг ўзига хос бўлган сиёсий, иқтисодий ва жуғроғий хусусиятларни ҳисобга олиниши зарурлигини тақозо эта бошлади.

Марказий Осиё геосиёсий худуд сифатида қаралганда, миңтақа-

¹⁴ Ахтырская Н. Безопасность как объект социального моделирования. // Издание Центра исследования компьютерной преступности. <http://www.crime-research.ru/library/Akhtyrsk0603.html>

¹⁵ Раджабов М. Проблемы региональной безопасности в ЦА на пороге XXI века. // Навигатор. – Душанбе, 2000. №3. - С.11-19.

вий хавфсизликни таъминлашнинг ҳудудда жойлашган мамлакатлар тўла иштирокисиз амалга ошириб бўлмаслиги намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, миңтақа мамлакатларидан хавфсизликни таъминлашнинг янги институционал механизмларини яратиш ҳамда мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Коллектив Хавфсизлик Ташкилоти (КХШТ), Евросиё Иктисадий Ҳамжамияти (ЕИХ) ҳамда Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилотлари муҳим ўрин эгаллай бошлади. Шу билан бирга, Марказий Осиё миңтақаси доирасида мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий характерга эга бўлган таҳдидлар даражасининг юқорилиги, миңтақа давлатларининг хавфсизликни таъминлаш бўйича ушбу ташкилотлар доирасида ўта фаол иштирок этишлари зарурлигини кўрсатади.

Марказий Осиёда миңтақавий хавфсизликни таъминлашнинг геосиёсий нуқтai назардан баҳоланиши қатор хорижий олимлар ишларида ўз аксини топган.

2001 йилда англиялик олимлар Р.Аллисон ва Л.Йонсон томонидан чоп этилган “Марказий Осиё миңтақавий хавфсизлигининг янги ҳалқаро контексти” деб номланган асарда, миңтақавий хавфсизликни таъминлашнинг янги тизими вужудга келаётганини башорат этилиб, бу тизимнинг асосий жиҳатларини ёритиб беришга ҳаракат қилинади. Р.Аллисоннинг таъкидлашича, Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгандан кейинги қатор йиллар мобайнида миңтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширган ҳаракатлари координациясининг заифлиги кузатилади. Миңтақавий тузумлар ҳамкорлиги координацияси мавжуд бўлмагани ҳолда, баъзи ҳолларда уларнинг бир-бири билан очиқдан-очиқ рақобати мавжуд эди. Британиялик олим Марказий Осиё миңтақавий хавфсизлигини таъминлашнинг МДҲ доираси орқали таҳлил этиб, КХШТга алоҳида эътибор беради. Р.Аллисоннинг илмий хуносаларида, миңтақавий интеграцион жараёнларга, ташкилотларга, хусусан КХШТ Марказий Осиё миңтақавий хавфсизликни таъминлашда етарли даражада самара бермаслиги таъкидланади¹⁶.

¹⁶ Allison R., Jonson L. (eds.) Central Asian Security. The New International Context. – London, Washington: PIA/Brooking Institution Press., 2001. – P.261-265.

Аммо Марказий Осиё давлатларининг ШХТ ва МДХ ташкилотлари доирасида сўнгти йиллар мобайнида олиб борган ҳамкорлиги натижалари, хусусан терроризм ва экстремизм, гиёхванд моддалар тарқалишининг олдини олиш ҳамда курол-яроқларнинг ноконуний тарқалишига қарши кураш ва бошқа йўналишлар бўйича амалга оширган режалари Р.Аллисоннинг илмий холосалари амалда ўз исботини тоғмаганини кўрсатади.

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги муаммолари инглиз олими Р.МакДермотт асарларида ҳам кенг ёритилади.

Инглиз олимининг таъкидлашича, минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарали тизимини яратиш етарли даражада мураккаб муаммо бўлиб, бу тизимни вужудга келишида Россия Федерацияси алоҳида ўрин тутади. Инглиз олими, Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда АҚШ ва Россиянинг ролини таққослаган ҳолда, Москванинг Вашингтонга нисбатан бу борада манфаатлари сезиларли даражада кўпроқ эканлигини қайд этади¹⁷.

Шу билан бирга, 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан кейинги даврда АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларидаги ўзгаришларни хисобга олиб Р.МакДермотт Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлашда Вашингтоннинг аҳамиятига янгича баҳо беради. Р.МакДермотт Қозогистоннинг янги ҳарбий доктринаси доирасида амалга оширилган ишлар ва ушбу давлатнинг НАТО, ҳамда АҚШ билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлигини таҳлил этган ҳолда “Казбат” мисолида Марказий Осиё давлатларининг Farb билан ҳамкорлиги самарали бўлиши мумкинлигини кўрсатишга ҳаракат қиласди¹⁸.

Бундай қарашларда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги фақатгина ҳарбий-сиёсий омиллар, хусусан Қозогистоннинг Америка Кўшма Штатлари билан ҳарбий соҳадаги асосида баҳо берилиши минтақавий хавфсизлик соҳасидаги муаммоларга юзаки ёндашув билан қаралаётганинг кўрсатади.

¹⁷ McDermott R.N. Developing the Antiterrorist Capabilities of the Central Asian Militaries. Carlisle(PA): SSI, 2004. – P.67-85.

¹⁸ McDermott R.N. Enhancing Kazakhstan's Peacekeeping Capabilities: Interoperability and Regional cooperation// Central Asia and the Caucasus. – Lulea, 2004. No 2. – P. 70-82.

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик ҳолатининг ташки кучларга боғлиқлиги борасида эронлик олим М.Рахмони қатор ғояларни олдинга суради. Унинг фикрича, Эрон Марказий Осиё давлатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама олиб бораётган муносабатлари доирасида ирқий, маданий ва диний омиллардан самарали фойдалангани ҳолда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ўзининг салмоқли ҳиссаси бор деб хисоблайди¹⁹.

Бу борада таъкидлаш жоизки, Эроннинг Марказий Осиёга қаратилган ташки сиёсати шуни кўрсатадики, минтақада унинг қатор манфаатлари ётади. Вашингтон томонидан Эрон сиёсий ва иқтисодий яккаланишига ҳаракат қилаётган бир пайтда, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш Техронга бу ҳолатнинг оқибатларини камайтириши учун муқобил имкониятлар беради. Бундан ташқари, Эрон, минтақада катта манфаатлари ётган Хитой ва Россия давлатларига қарши ҳаракатларни амалга оширишни хоҳламайди.

Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш борасида яртилаётган янги назариялар мавжуд анъанавий қарашларни сиқиб чиқариши кузатилмоқда. Бугунги кунда тизимли таҳлил асосида хавфсизликни тўлиқ тушунтириб берадиган алоҳида фан мавжуд эмас. Хавфсизликни таъминлаш жараёни мураккаблиги бу соҳада айни бир пайтнинг ўзида қатор йўналишларда иш олиб боришини тақозо этади. Масалан, минтақавий хавфсизликни таъминлашда сиёсатчилар, иқтисодчилар, экологлар, тиббиёт ходимлари, журналистлар, башоратчилар ва бошқа соҳа вакилларининг ҳамжиҳатликда иш олиб бориши натижасидагина маълум ютуқларга эришиш мумкин. Умумий сўз билан айтганда, замонавий технологиялар ривожланган бугунги шароитда, минтақавий хавфсизликни таъминлаш фанлараро ва парадигмалараро ёндашувларнинг умумий концепцияси асосида амалга оширилиши лозим.

Замонавий фан ва технологияларнинг шиддат билан ривожланниши жаҳон ҳамжамияти учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда катта имкониятлар бериш билан бирга, унинг олдига

¹⁹ Rahmani M. Central Asian States Balancing Opportunities and Challenges // Central Asia and the Caucasus. – Lulea, Sweden. 2003. No 3. – P. 48-54.

халқаро ва миңтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича янги ва-
зифаларни қўйди. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб дунёнинг
турли мамлакатларида, хусусан АҚШ, Япония, Франция ва собек
Иттифоқ давлатларида олиб борилган илмий тадқиқотларга алоҳи-
да эътибор берилиши замонавий технологияларнинг юзага келиши
учун катта йўл очиб берди. Кўплаб ривожланган мамлакатларда,
хусусан АҚШ, Франция, Япония, бошқа қатор давлатларда фан ва
технологиялар мамлакат ривожланишида муҳим ўрин тутган асо-
сий омилларидан бири сифатида тан олинди. Илмий-технологик
салоҳият омили давлатларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожла-
нишига ижобий таъсири кўрсатибгина қолмай, балки давлатлараро
сиёсий муносабатларга ҳам кириб борди.

Ядро энергиясидан фойдаланиш борасида эришилган муваффа-
қиятлар, ракеталар ва сунъий йўлдошлар тизимларининг яра-
тилиши, компьютер технологиялари соҳасидаги ютуқлар халқаро
муносабатларда кескин бурилишлар ясади. Замонавий технологи-
яларни яратиш борасида актив фаолият олиб бораётган давлатлар,
бу соҳада ортда қолаётган давлатларга нисбатан анча катта им-
кониятларга эришдилар. Илмий тадқиқотлар давлатнинг моддий
истиқболини аниқлагани ҳолда, иқтисодий ва сиёсий институт-
лар тўқнашиши аниқ бўлган муаммоларнинг ечимини давлатнинг
технологик имкониятлари асосида ечишнинг имкониятларини
аниқлаб берди²⁰.

Замонавий технологияларнинг халқаро ва миңтақавий хавфсиз-
ликка таъсирининг етарли даражада тўла таҳлил этишда бу жара-
ённинг тарихий жиҳатларини ўрганиш бўйича олиб борилган тад-
қиқотлар натижаларига эътибор бериш катта аҳамият касб этади.

Маълумки, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг Вестфал
модели классик физика тушунчалари асосида тузилган эди. Замонавий
технологияларнинг ривожланиши дунёнинг “ядровий моде-
ли”ни бузуб ташлаб, халқаро муносабатларнинг фазовий “тўр моде-
лини” юзага келишига сабаб бўлди²¹.

²⁰ Atkinson G. Science and Technology: A bridge between cultures and nations. // eJournal USA. – Washington DC, 2006. <http://usinfo.state.gov/journals/itgc/1006/ijge/atkinson.htm>

²¹ Лебедева М.М. Современные технологии и политическое развитие мира: новые возможности и новые проблемы. // Международная жизнь. –

Халқаро муносабатлар Вестфаль моделининг инқирозга учра-
ши ва бу модельнинг бошқа кўринишга ўтиши тўғрисидаги илмий
хуносаларни қатор илмий асарларда учратиш мумкин. Дунёнинг
Вестфал модели 1648 йилда имзоланган пайтдан бошлаб, XX аср-
нинг охиригача, юқори технологияларнинг таъсирида ушбу мо-
дельнинг емирилиши ҳамда индустрисал даврнинг постиндустриал
даврга алмашиниши пайтигача яшади²².

Фан ва технологиялар, хусусан ахборот технологиялар соҳаси-
да эришилган катта ютуқлар фақатгина иқтисодий соҳада эмас,
балки сиёсий ва ижтимоий соҳаларда ҳам ўз аксини топди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши,
коинот технологиялари ютуқлари ва улар асосида Интернет тизи-
мининг юзага келиши, ўз навбатида, глобаллашув жараённинг
вужудга келиши учун катта замин яратди. Юқори технологиялар
 rivожланишининг натижалари асосида туғилган ва қисқа вакт
иҷида жадал тус олган глобаллашув жараёни давлатлар ўртасидаги
иқтисодий, сиёсий муносабатларга кириб бориб, халқаро му-
носабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсири
кўрсата бошлади.

Мутахассисларнинг баҳолашича, юқори технологиялар соҳа-
сида юз берган инқилобни глобаллашув жараённинг харакатлан-
тирувчи кучи ва асосий омили сифатида қараш мумкин. Фан ва
технологияларнинг ривожланиши жамиятнинг деярли ҳамма соҳа-
ларига кириб боргани ҳолда, ундаги тизимни кескин ўзгаришига
олиб келмоқда²³.

Ҳозирги глобаллашув шароитида ривожланаётган давлатнинг
рақобатбардошлилиги, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги тутган ўрни
шу мамлакатнинг фан ва технологик секторини ривожланганлик

Москва, 2001. № 2. С. 45-53.

²² Лебедева М.М. Новые технологии как политикаобразующий фактор в
меняющейся структуре современного мира // Мир и Россия на пороге ХХI
века: Вторые Горчаковские чтения / МГИМО(У) МИД РФ. – Москва, 2001.
– С. 94–106.

²³ Выступление зам. министра иностранных дел России А.В.Яковенко. //
Наука, технологии и международные отношения в эпоху глобализации: роль
образования и инноваций: Сборник материалов научно-практической конфе-
ренции. 24 апреля 2006. – Москва: МГИМО, 2006. С. 14.

даражаси, глобал технологик, инновацион ва ишлаб чиқариш тизимиға күшилиш даражаси билан аниқланади. Бу ўринда фан ва технологик инқилоб халқаро муносабатлар парадигмаси трансформациясининг асосий омилларидан бири сифатида шаклланаётганини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди²⁴.

1980 йилда бошланган глобаллашувнинг сўнги учинчи босқичи транспорт ва коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқлар ҳамда йирик ривожланаётган давлатларнинг фаолияти (мамлакат иқтисодиётини халқаро савдо учун очиш орқали чет эл инвестицияларини жалб этиш) натижасида вужудга келди.

Глобаллашувнинг *биринчи босқичи* 1870 йилдан бошлаб то Биринчи жаҳон урушигача давом этган. Транспорт соҳасида кўлга киритилган ютуқлар ва савдо-сотиқда тўсикларнинг камайиши натижасида жаҳон савдоси мисли кўринмаган суръатларда ўсишга эришди ва жаҳон даромадларида экспортнинг улиши 8%-ни ташкил қилди²⁵.

Бунинг натижасида дунёда оммавий миграция жараёнлари вужудга келди. Одамлар яхши турмуш ва даромад илинжида бошқа қитъя ва давлатларга кўча бошлади. Мисол учун, шу даврда ер аҳолисининг 10% бошқа мамлакатларга кўчуб ўтди. 60 миллионга яқин одам Европани тарқ этиб, Шимолий Америкада жойлашди. Шунга ўхшаш вазиат аҳолиси кўп бўлган Хитой ва Хиндистонда ҳам кузатилди. Ушбу икки юрт аҳолиси нисбатан кам аҳолига эга бўлган Шри-Ланка, Бирма, Таиланд, Филиппин ороллари ва Вьетнам каби давлатларга кўчуб ўтди²⁶.

Биринчи жаҳон уруши якунлангач *протекционизм* даври бошланиб, халқаро савдода тарифлар пайдо бўла бошлади. Бу ҳол

²⁴ Приветствие Министра иностранных дел РФ С.Лаврова участникам научно-практической конференции // Наука, технологии и международные отношения в эпоху глобализации: роль образования и инноваций: Сборник материалов научно-практической конференции. 24 апреля 2006. – Москва: МГИМО, 2006. С.19.

²⁵ Гринин Л. Е. Истоки глобализации: мир-системный анализ // <http://www.socionauki.ru/journal/articles/132579/>.

²⁶ Клейн Л. Глобализация: вызов национальным экономикам // <http://www.r-reforms.ru/indexpub204.htm>.

жаҳон иқтисодий ўсишини бирмунча тўхтатди ва экспортнинг улиши жаҳон даромадида 1870 йилги кўрсатгичга тенг бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг глобаллашувнинг *иккинчи босқичи* кузатилди. Мазкур босқич таҳминан 1950 йилдан бошлаб, то 1980 йилгача давом этди. Айнан шу даврда биз Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (1995 йилдан бошлаб Халқаро савдо ташкилотига айланган) каби халқаро институтларнинг аҳамияти ошишини кузатишмиз мумкин. Бундан ташқари, ушбу босқичда кўпқиррали савдони либераллаштириш орқали савдо-сотиқ алоқаларини тиклаб олган Европа, Шимолий Америка ва Осиё-Тинч океани давлатлари ўртасида интеграция жараёнларининг авж олиши кузатилади.

Ушбу даврда шиддат билан трансмиллий корпорациялар сони кескин ошди. ТМКлар билан биргаликда янги, аввал кузатилмаган ва миллий иқтисодиётга бўйсунмайдиган алоқа тизимлари вужудга келди. Мазкур ҳол халқаро иқтисодиётни бошқариш масаласини қайта кўриб чиқиши муаммоларини кун тартибига қўйди. Иқтисодий глобаллашув сиёсий глобаллашув жараёнига нисбатан бирмунча тезроқ кечиши, XX аср сўнгига ва XXI аср бошида глобал бошқарув ва хавфсизлик соҳасида кўплаб муаммоларини юзага чиқарди. Албатта, мазкур ҳодиса халқаро муносабатлар кўринишига жиддий таъсир кўрсатди. БМТ ва Европа Иттифоқи каби ташкилотлар бунга яққол мисол бўла олади. Ваҳоланки, бугун давлатлар билан бир қаторда 400дан ортиқ халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, глобал миқёсда ҳозирда кўп сонли халқаро ННТлар, ўнминглаб лобби гурухлари, ҳайрия жамғармалар, профессионал уюшмалар ўз фаолиятини олиб бормоқда²⁷.

“Глобаллашув” тушунчаси сиёсий фанлар ва ОАВларида 1980 йилларга келиб кенг кўллана бошланди. Шунга қарамай, ҳанузгача олимлар орасида мазкур тушунча борасида бир келишув мавжуд эмас. Бу жараёнга турли таърифлар берилган. Глобаллашув тушунчасининг стандарт тарифлари асосан бу жараённи ҳар хил ўзгаришлар билан боғлашга уринади. Биз глобаллашув жараёнининг

²⁷ Such P., Elias J. International Relations: The Basics. – NY: Routledge, 2007. – Рп. 15-19.

асосий уч ўлчамини ёритишга уриниб кўрамиз, булар – иқтисодий маданий ва сиёсий жабҳалардир²⁸.

Иқтисодий жабҳа. Бир гурӯҳ олимлар ўз тадқиқотларида глобаллашув жараёнини аввалам бор иқтисодий ҳодиса деб изоҳлашади. Бунинг далили сифатида ишлаб чиқаришнинг ўзгараётган характеристери келтирилади. Ҳозирги кун глобал иқтисодиётида товағ ишлаб чиқариш йигирманчи аср бошлари билан таққослагандаги тубдан фарқ қиласди. Ўтган асрда индустрисал ишлаб чиқариш асосан баъзи Европа, Шимолий Америка ва Осиё (Япония) давлатларига хос эди. Транспорт ва коммуникация тармоқлари ўзгариши натижасида кўплаб фирма ва корхоналар ўзининг баъзи ишлаб чиқариш элементларини иш кучи арzonроқ бўлган давлатларга кўчиришга эришди. Бундан ташқари, иқтисодий глобаллашув глобал молия бозорини (турли хил валюталар ва бошқа молия маҳсулотлари савдоси) вужудга келтирди. Йирик инвестицион банклари ўз қудратини ва таъсирини оширишга эришдилар. 2008 йилда бошланган халқаро молиявий-иқтисодий инқироз давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқлик даражасини яққол намойиш этди. Шу билан биргаликда, инқироз халқаро молия институтлари ва умуман халқаро иқтисодиёт ва молия тизимини яна бор қайта кўриб чиқиш ва керакли ислоҳотларни амалга ошириш зарурятини халқаро ҳамжамият ҳаёти кун тартибига қўиди.

Маданий жабҳа. Маданий глобаллашув натижасида дунё халқлари умумий маданий қадриятларга эгалик қилимокдалар. Бир қатор тадқиқотларда мазкур жараёнга “универсаллашув” (universalization) жараёни деб баҳо берилади. Бошқа бир тадқиқотларда эса бу жараён “вестернизация” (Westernization), яъни Фарбнинг маданий таъсири кучайиши (мисол учун, инглиз тилининг оммавийлашуви) деб изоҳ берилади. Бу жараёнга қандай ном ватус берилмасин, биз маданий глобаллашувнинг ижобий ва салбий таъсирини ўзимиз учун аниқ белгилаб олишимиз зарур. Замонавий алоқа воситалари ривожланиши натижасида халқлар ўргасида маданий, ўхшашлик (identities) ва ғоявий контактлар ошмоқда. Бу

турли жамиятларга бир бирига янада яқинроқ бўлиш ҳамда умумий қадриятлар ва манфаатларни шакллантириш имконини беради. Глобаллашувнинг иқтисодий жабҳасида коммуникациялар ўта муҳим роль ўйнайди. Интернет, мобил алоқа, радио ва йўлдошли телевидение инсон ҳаётига кириб келди ва мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу инсоният қўлга киритган ютуклар орасида, шубҳасиз, энг сезиларлилардан бири. Лекин ижобий характеристердан ташқари, бугун замонавий технологиялар ижтимоий ва маданий жабҳаларда ўзининг салбий жиҳатларини намоён этмоқда ва ҳозирда Интернетни, унинг контентини бошқариш муаммоси вужудга келди.

Сиёсий жабҳа. Глобаллашув жараёнини сиёсий жиҳатдан ўрганиш ва тушунишда бошқарув (яъни ҳокимият) масаласи ва давлатнинг халқаро сиёсатда тутган ўрни дикқат марказида бўлади. Глобал бошқарув – бу, аввалам бор, глобал муаммоларни хал этишда халқаро ташкилотлар ва давлатлар орасида ўрнатилган маълум бир қоидалар тизимиdir. Мисол учун, жаҳон ҳамжамияти халқаро савдо, атроф-муҳит деградацияси ва инсон ҳуқуқлари муаммоси каби масалалар бўйича консенсусга эришмоқда. Сиёсатшунослар бугун глобал бошқарув масаласидан ташқари, сиёсий ҳокимият реконфигурацияси мавзусига эътибор қаратмоқдалар. Бунда улар глобаллашув эрасида давлатнинг роли қандай бўлиши лозим деган саволга жавоб беришга уринадилар. Минтақавий давлатлараро ташкилотлар ва тузулмалар глобаллашувнинг муқаррар оқибати сифатида бугун намоён бўлмоқда. Давлат эса ўз ҳокимиятининг маълум бир қисмидан мазкур тузулмалар фойдасига воз кечишига мажбур.

Илмий-технологик салоҳиятнинг жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатларини таҳлил этиш мобайнida ушбу омилнинг қатор салбий таъсиrlари мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин.

Замонавий технологиялар рвиожланиши натижасида информацион жамиятнинг пайдо бўлиши индустрисал ривожланган давлатлар билан инсониятнинг қолган қисми ўргасида катта фаркни юзага келтирди. Бу эса ўз навбатида маълум бир давлатлар томонидан кенг миқёсда ўзларининг сиёсатларини тарғиб этишга, бунинг натижасида сиёсий турғунликнинг бузилиши ва дунё сиёсий тартибининг ўзгаришига олиб келишга замин яратади.

²⁸ Келле В. Ж. Процессы глобализации и динамика культуры // Знание. Понимание. Умение. – М.: Московский Гуманитарный Университет, 2005. – № 1. – С. 69-70.

1.2. Давлатнинг илмий-технологик тараққиёти: устувор йўналишлар ва сиёсий омиллар

Хозирги глобаллашув шароитида мамлакатнинг миллий манфаатларидан ва ички имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда илмий-технологик ривожланишининг устувор йўналишларини аниклаш барча давлатлар учун асосий вазифалардан бирига айланди. Индустрисал ривожланган давлатлар илмий-технологик салоҳияти нинг ўсиш динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишари ҳар бир мамлака учун ўзга хос равишда, унинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлар асосида аникланади.

XX асрнинг иккинчи ярмида катор давлатларда, жумладан АҚШда фан ва техника комплексини ривожлантириш давлат томонидан доимий равишда молиявий маблағлар ажратиб борилди. Совук уруш даврида бу маблағларнинг 80 фоизга яқин қисми давлат ҳисобига тўғри келгани ҳолда, бу маблағлар Мудофаа ва Энергетика вазирликлари орқали ўтар эди.

1990-йилларнинг бошига келиб дунёда геосиёсий ҳолат ўзгариши шароитида АҚШда фан ва технологияларни ривожлантириш учун ажратилган маблағнинг давлат ҳисобига тўғри келган қисми 40 фоизгача камайди. 2001 йилга келиб Б.Клинтон ҳукумати томонидан бюджет сарф-харажатларини кайта кўриб чиқилиши ва фан ва технологиялар ривожи учун муқобил манбалар томонидан маблағ ажратилиши йўлга қўйилиши натижасида давлатнинг ҳиссаси 27 фоизгача камайди²⁹.

2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда террорчи гурӯхлар томонидан амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлар Оқ Уйнинг Фан ва технологиялар соҳасидаги сиёсатига сезиларли даражада таъсири этди. Давлатнинг ички хавфсизлигини таъминлаш ва терроризмга қарши кураш илмий-технологик сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилайдиган жиддий омиллар каторидан жой олди. Вашингтоннинг геоиқтисодий сиёсатидан келиб чиқиб, мамлакатда ахборот технологиялар соҳасининг ривожланишига ҳам алоҳида эътибор берилди. Булар қаторида, АҚШ Фан ва технологиялар дав-

²⁹ Экономика СПА. Под ред. В.Б. Супяна. – М. 2003. - С. 60-75

лат дастурида устувор йўналишлар қаторига нанотехнологиялар, иклимини ўзгаришини ўрганиш технологиялари, таълим соҳасидаги тадқиқотлар киритилган бўлса-да, сўнгти иккитаси АҚШ Конгреси томонидан кўллаб-куватланмади³⁰.

Хозирги кунда Америка Кўшма Штатларининг Фан ва технологиялар соҳасидаги устувор йўналишлари қаторидан коинотни тадқиқ этиш, ракеталар ва ернинг сунъий йўлдошларини яратиш соҳасидаги технологиялар жой олган.

Европа Иттифоки, Россия, Хитой, Хиндистон, Япония ва қатор бошқа давлатларида ҳам Коинот технологиялари устувор йўналишлар қаторига киради. Коинот технологияларига бўлган бундай жиддий эътибор, бир томондан, сиёсий омилларга боғланган ҳолда тушунирилса, иккинчи томондан, бу технологияларнинг давлат миллий хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодий ривожланишидаги муҳим ўрни билан боғлиқлиги орқали изоҳланади.

Давлатнинг инновацион тараққиёти унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, миллий хавфсизлигини таъминлашдаги имкониятлари даражаси ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб қолмасдан, балки мінтақавий ва ҳалқаро хавфсизлик ҳолатига ҳам сезиларли даражада таъсири этади. Илмий-технологик тараққиётнинг глобал ва мінтақавий хавфсизлик ва барқарорлик ҳолатига таъсирини ижобий ва салбий жиҳатлари орқали тавсифлаш мумкин. Бу жиҳатлар ахборот технологиялари, ядрорий технологиялар ва ҳозирги пайтда алоҳида эътибор берилаётган нанотехнологиялар ривожланиши натижалари мисолида яққол намоён бўлади. Коинот технологиялари ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиши давлатлар учун маълумотлар алмасиши, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш ва хавфсизликни таъминлаш каби соҳаларда катта имкониятлар берди. Бу технологиялар ютуқларидан унумли фойдаланиш натижасида давлат бошқаруви, транспорт-коммуникацион тизимлар фаолияти ва қатор бошқа тизимлар фаолиятида сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар юз берди. Ахборот-коммуникацион тизимларнинг кенг масштаблар билан юзага кели-

³⁰ Turner P. Political and Policy Context for FY 2004 Budget. AAAS / Report XXVIII: Research and Development FY 2004. – Wash., 2003.

ши ва улардан амалда фойдаланиш давлат ва жамият ўртасидаги боғланишга, фуқароларнинг сиёсий онгини оширишга ва сиёсий гурухлар, партиялар фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Замонавий технологиялар ютуқларидан унумли фойдаланиш давлатнинг иқтисодий жиҳатдан юксалишига, унинг саноатни ривожлантириш асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқиши ва халқаро бозорда ўз ўринини мустаҳкамлашга кенг имкониятлар берди.

Шу билан бирга, ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида қатор салбий оқибатлар юзага келди. Ривожланган мамлакатлар билан бошқа давлатлар технологик ривожланганлик даражаси ўртасидаги катта фарқни юзага келиши натижасида улар ўртасида “имкониятлар тақсимоти”нинг бузилиши ахборот-коммуникацион технологиялари ривожланишининг бундай оқибатларидан бирига айланди.

Жаҳон ахборот-коммуникация тизимиning жадал суръатлар билан ривожланиши ва умумий маълумотлар тўпламишининг кенгайиши, халқаро аренада радикал фаолият олиб бораётган акторларнинг замонавий ахборот технологияларидан ўз манфаатлари йўлида кенг фойдаланиш имконини яратди. Улар томонидан “ахборот қуроли”дан мафкуравий ва психологик таъсир этишда самарали фойдаланишга ҳамда шу йўл билан рақиб томонининг иродасини синдиришга ҳаракатлари кузатилади³¹.

Коинот технологиялари, ахборот-коммуникацион технологиялар соҳасида эришилган ютуқлардан унумли фойдаланган ва бу соҳада миллий дастурларни ривожлантиришга эришган давлатлар глобаллашув шароитида юзага келган янги имкониятлардан фойдалана олмоқдалар. Улар халқаро миқёсда юз берәётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлардан ўзларининг миллий манфаатларини ҳимоя қўлган ҳолда фойдаланиш билан бирга, глобаллашув жараёнининг салбий таъсирини нейтраллаштириш борасида самарали механизmlарни яратишга эришмоқдалар. Бир томондан, фан ва технологиялар ютуклари давлатнинг ривожланиши ва инсоният олдидаги турган долзарб муаммоларни ечишга қаратилса, иккин-

³¹ Мунавваров М.З. Императивы внешней политики Республики Узбекистан в условиях глобализации и информатизации международных процессов. Дисс... канд. полит. наук. - Т.: УМЭД, 2007. - С. 70

чи томондан, улар ҳарбий ва сиёсий соҳадаги мақсадлар йўлида ишлатилади. Бунга яққол мисол тарикасида ядро технологиялари ривожланиши мобайнида кузатилаётган қарама-қаршиликларни келтириш мумкин.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти диққатини жалб этиб турган Эрон давлатининг ядрөвий дастури атрофидаги кучли тортишувлар фан ва технологиялар ютуқларидан фойдаланишининг минтақавий ва глобал хавфсизликка кучли таъсири ва халқаро муносабатларда муҳим ўрин тутишини яна бир бор кўрсатмоқда.

Замонавий технологияларнинг ривожланиши жараёни кўплаб олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Уларнинг қарашларида ушбу жараёнда асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида бир-бираидан фарқ қилувчи турли омиллар келтирилади.

Биринчи гурух олимлари фан ва технологиялар ривожланишининг асосий сабабини совуқ уруш давридаги давлатлар ўртасида олиб борилган ҳарбий-техника соҳасидаги устунликни эгаллаш учун кураш деб изоҳлайдилар.

Ахборот технологияларининг ривожланишида юз берган кучли ривожланиш қуролланиш пойгасинининг тўлқини асосида юз берди. Фантастик истиқболга эга бўлган Интернет тизими АҚШнинг собиқ президенти Р.Рейганнинг ракеталарга қарши миллий тизим яратиш дастурининг тўлақонли фаолиятининг асосий шартларидан бири сунъий йўлдошлар ёрдамида маълумот алмашишни йўлга кўйишни талаб этди³².

Бундай қарашларни украиналик олимлар А.Голубецкий ва О.Шевчукларнинг илмий ишларида кўриш мумкин. Уларнинг таъкидлашича, бундай изоҳлаш канчалик “нокулай” бўлмасин, фаол ҳарбий ҳаракатлар ахборот технологиялар ривожланиши учун энг яхши омилдир. Ҳарбий ҳаракатларда қанчалик кўп давлатлар жалб қилинса ахборот технологиялари ривожига шунчалик яхши имконият яратади³³.

³² Михайлов Н.В. Научно-технический потенциал и оборонная безопасность // Независимое военное обозрение. – Москва, 2000.- №2. – С.37.

³³ Голубецкий А. и Шевчук О. Судный век. Информатизация, глобализация, терроризм и ближайшее будущее человечества. – Киев: Атлант, 2001. - С. 187.

Украиналик олимлар бундай қараашларини Интернет тизими-нинг АҚШ Мудофаа вазирлиги лойиҳаси асосида туғилгани ва ҳарбий доираларда ахборот технологияларнинг асосий салоҳият сифатида баҳоланиши туфайли бу соҳадаги янги лойиҳаларнинг бажарилиши самарали ва қисқа муддатларда амалга оширилиши билан изоҳлайдилар.

Марказий Осиёда фан ва технологиялар ривожланишининг тарихий жиҳатлари ҳакида тўхталар экан, россиялик олим В.Ваганов бу соҳадаги ютуқларни собиқ Иттифоқ давлати раҳбариятининг илмий-технологик салоҳиятни географик тақсимланишидаги номутаносибликни тўғрилаш учун қилинган ҳаракатлари натижаси деб изоҳлайди. Ўтиш даврининг иқтисодий муаммолари институти ходимлари О.Шкарата ва А.Гальчина фикрларини кўллаб-куватлаган ҳолда, В.Ваганов куйидаги жумлани келтиради: Минтақалар, хусусан “миллий республикалар” ўргасидаги технологик салоҳият тенгсизлигини бартараф этиш амалга оширилиши қийин бўлган догма эди. Бу стратегия регионлардаги ҳалқларининг тарихий тажрибаси ва маданиятини ҳисобга олмаган ва юқоридан берилган кўрсатмаларга асосланган бўлгани сабабли илмий-техникавий томондан орқада қолган ўлкаларда ўз натижасини бера олмади. “Тенглаштириш” гоясини амалга ошириш мақсадида Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда кўплаб юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари қурилди. Уларнинг фаолиятини амалга ошириш учун Россиядан мутахассислар жалб қилинар эди. Бу бекорга сарф қилинган моддий ва инсон ресурслари бўлиб, Россияга катта зарар келтирди³⁴.

Россиялик олимнинг бундай қараашларида Марказий Осиё минтақасида замонавий технологиялар ривожланиши жарёнига етарли даражада тўла баҳо берилмаганлиги кўриниб турибди.

Марказий Осиёда фан ва технологияларнинг ривожланиши, биринчи навбатда минтақада бир неча асрлар орқали ўтиб келаётган Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб буюк мутафаккир олимлар давридан ўтиб

³⁴ Ваганов А. В поисках научно-технической политики // Отечественные записки. – Москва, 2002. - №7. - С.17-19.

келаётган ҳалқимизнинг илм-фанга бўлган муносабатлари ва катта қизиқиши ётади. Собиқ Совет Иттифоқ тизими эндиғина оёқка туратган даврда Марказий Осиё ҳалқлари ичиде етишиб чиқсан, дунёнинг етакчи олимлари қаторидан жой олган ўзбек олимлари, механика фанлари соҳасида буюк қашфиётлар муаллифи М.Ўразбоев, Москва Давлат Университетида узок йиллар мобайнида фолият олиб борган X.Рахматулин ва бошқа олимларнинг жаҳон фанига қўшган муносабиҳ ҳиссалари бу ҳалқларнинг илмий салоҳиятининг юқори даражасини кўрсатди.

Бундан ташқари Марказий Осиё давлатларида мавжуд бўлган Фанлар Академиялари институтлари, Конструкторлик бюrolари ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида олиб борилган ишлар натижалари ҳам минтақада фан ва технологиялар ривожланганлик даражаси юқорилигини кўрсатади. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, собиқ Иттифоқ раҳбарияти сиёсатида миллий республикаларда фан ва технологиялар ривожлантиришга бўлган интилишга нисбатан улардан “хомашё захиралари” сифатида фойдаланишга бўлган мойиллик кучлироқ эди.

Глобаллашувнинг ва илмий-технологик ривожланишининг нотекис жараёнлари давлатлар ўргасидаги номутаносибликни келтириб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бир томондан, глобаллашув шароити дунё мамлакатларининг ҳалқаро ҳамкорликка қўшилиши учун кенг имкониятлар берди. Аммо, иккинчи томондан, бундай имкониятлардан ҳамма давлатлар ҳам фойдалана олмаяптилар. Мамлакатларнинг илмий-технологик салоҳиятидаги фарқнинг ортиши, уларнинг замонавий технологиялар ютукларидан иқтисодий ривожланиш мақсадида фойдаланиш имкониятларининг турли даражада бўлиши дунё тизими кутбланишининг кучайиб бориши яққол кўринмоқда. Бунинг натижасида баъзи давлатлар глобаллашув жараёнида тенг ҳукукли иштирок эта олмаслиги ва уларнинг ривожланиши бир неча ўн йилларга орқада қолиб кетиши мумкин. Бундай тенденциялар эса ўз навбатида ҳалқаро муносабатларга салбий таъсир этади ва дунёнинг турли жойларида янгидан-янги кескинликлар манбанин келтириб чиқаради³⁵.

³⁵ Выступление зам. министра иностранных дел России Яковенко А.В. // Наука, технологии и международные отношения в эпоху глобализации: роль

Илмий-технологик салоҳиятнинг халқаро муносабатлардаги ўрни кўплаб давлатларнинг бошқа давлатларга нисбатан стратегик устунликни эгаллаш ва мунтазам сақлаши учун бўлган ҳаракатларида ҳам намоён бўлади. Масалан, ҳозирги пайтда АҚШ юқори технологияларнинг ривожланиши ҳисобига ўзининг стратегик устунлигини сақлашга ҳаракат қилмоқда ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг янги “технологик” поғонасига ўтди. Бунинг яққол намунаси – АҚШнинг ракеталарга қарши миллий тизимни яратиш бўйича дастури бўла олади. Бу илмий ва технологик инқилобнинг навбатдаги поғонаси бўлиб, ривожланишининг асосий манбаи сифатида қисқа муддатлар ичida амалга ошириладиган “технологик ечимлар” хизмат қиласиди³⁶.

Илмий-технологик салоҳиятнинг “глобал сиёсий ҳарита”нинг шаклланишдаги роли ҳақида фикр юритиб, кўпчилик олимлар ушбу омилнинг дунёда турли хил сиёсий блоклар келиб чиқишига ҳам замин яратишини таъкидлайдилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дунёда юз бераётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар бу давргача бўлган жараёнлардан тубдан фарқ қилишини инкор этиб бўлмайди. Ядро асрида дунё халқларининг бир-бирига гаровга тушиб қолиши натижасида сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг тинчлик шароитида юз бериши тақозо этилди. Бунинг натижасида “совук уруш” даврида ғарб давлатлари ушбу ҳолатдан ташқаридан амалга оширилиши қийин бўлган кўринишдаги бирлашишга эришдилар. Ҳамкорликнинг устунлигини ҳис килган давлатлар томонидан совук уруш тугагандан кейинги даврда ҳам яратилган бирлашувларнинг кўринишлари сақлаб қолинди³⁷.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очилмоқда. Давлатлар катта миқёсга ва шиддатли характерга эга бўлган, алоҳида давлатнинг техникавий ва молиявий имкониятлари билан ечилиши мураккаб бўлган инновацион лойиҳалар атроб образования и инноваций: Сборник материалов научно-практической конференции. 24 апреля 2006. – Москва: МГИМО, 2006. - С.14.

³⁶ Шаравин А.А. Высокие технологии и безопасность государства // Космос. Информация. Новые технологии. – Санкт-Петербург, 2002. - №4. - С.31-38.

³⁷ Иноземцев В.Л. [Переосмысливая грядущее]. Крупнейшие американские ученые о современном развитии // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 1998. - № 11. - С. 5-26.

фида бирлашмоқдалар. Асосида ҳарбий-техникавий эмас, балки илмий-техникавий тамойиллар ётган янги халқаро альянслар вужудга келмоқда. Халқаро муносабатларнинг шаклланишида технологик салоҳиятнинг ўрни, ривожланган индустрисал мамлакатлар томонидан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик асосида юзага келаётган халқаро технологик альянсларда ҳам ўз аксини топмоқда. Халқаро технологик альянси турли давлатлар илмий – техникавий тадқиқот ташкилотларининг бирлашиши асосида шаклланади.

Технологик альянснинг асосий фаолияти ҳарбий ва тинчлик мақсадларида амалга оширилиши керак бўлган мураккаб масалаларни илмий-технологик ҳамкорлик асосида ечишга қаратилади.

Халқаро технологик альянслар мисолига ҳозирги пайтда фаолият олиб бораётган АҚШ ва Буюк Британия давлатларининг халқаро ташкилотини келтириш мумкин. Ушбу консорциумга АҚШнинг IBM, BBN Technologies, Boeing, Honeywell ва Applied Research Associates ва Буюк британиянинг IBM, LogicaCMG, Roke Manor Research, Systems Engineering and Assessment каби компаниялари киради. Бундан ташқари икки давлат томонидан ташкил этилган альянс АҚШ ва Буюк Британияда жойлашган 20 дан ортиқ етакчи университетларни ҳам ўз таркибига олади.

Инсоният олдида турган қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлиги ва янги-янги масалаларнинг пайдо бўлиши дунё мамлакатларининг фан ва технологиялар соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришини тақозо этади.

Агар XX асрининг иккинчи ярмида халқаро муносабатларнинг таркибини аниқловчи омил сифатида ядро технологиялари ютуқлари қаралган бўлса, ҳозирги вақтда асосий омил ролини ахборот-коммуникацион технологиялар, биотехнологиялар ва нанотехнологиялар доирасидаги илмий-технологик инқилоб эгаллади. Бу, албаттa халқаро сиёсатга кейинги бир неча ўн йиллар мобайнида сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсагади.

Маълумотлар оқими миллий доиралардан ташқарига чиқиб, халқаро маълумотлар тўпламига кўшилади. Бу жараённи юз беришида коммуникация тизимларида юз берган янги ютуқлар ва Кои-

нот орқали маълумотлар узатиш услублари сезиларли даражада имконият берди³⁸.

Ҳозирги куннинг компьютер ва телекоммуникация тизимлари глобал миқёсга эга бўлган ҳодисадир. Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, бундай тизимлар дунёнинг сиёсий харитасига қайта ранг бериб, геосиёсий кучлар марказлари ўртасидаги муносабатларни ўзгартира оладилар³⁹.

Илмий-технологик салоҳият давлатлар ўртасида ўта нотекис тақсимланган. Замонавий технологияларнинг асосий қисми унчалик катта бўлмаган рўйхатга кирувчи давлатлар томонидангина яратилади ва бу давлатлар доираси “саноати ривожланган мамлакатлар” тушунчасини юзага келтирди. Бу ерда замонавий технологияларнинг яратилишини таъминлашга имконият берувчи эмас, балки замонавий технологиялар асосида товарлар ва хизматлар яратиш илмий-техникавий салоҳият тўплаш борасидаги натижалар катта аҳамият касб этади⁴⁰.

Бугунги кунда глобал масштаблардаги оқибатларга олиб келиши мумкин экологик муаммоларни, хусусан Ер атмосферасида ўртача ҳароратнинг кўтарилиши натижасида юзага келаётган муаммолар, ер ва сув захираларининг деградация жараёнлари натижасида сифатининг бузилиши, аzon қатламишнинг сийраклашуви натижасида туғилаётган янги таҳдидларнинг олдини олишни алоҳида битта давлат томонидан амалга ошириб бўлмайди ва бу борада кўп томонлама илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш талаб этилади. Бундай муаммолар қаторига яна бошқа кўплаб мисолларни киритиш мумкин.

Масалан, ҳозирги кўплаб давлатларда энергетикага бўлган талаб жадал суръатларда ошиб бораётган бир шароитда, муқобил энергетика манбаларни яратиш ва улардан кенг фойдаланиш дунё ҳамжамитяти олдидаги устувор вазифалардан бирига айланди.

Атом энергиясидан фойдаланишдан ташқари, жаҳоннинг

³⁸ Лебедева М.М. Современные технологии и политическое развитие мира: новые возможности и новые проблемы. // Международная жизнь. Москва, 2001. - № 2. - С. 45-53.

³⁹ Н.М Сирота, Основы geopolitiki. – Санкт-Петербург: 2001. - С. 88-95.

⁴⁰ Г.Кочетков. Наука и техника как факторы глобализации // Человек и труд.–Москва, 2001. - №10, С. 67.

етакчи олимлари Қуёш ва юлдузларда мавжуд бўлган энергетика жараёнларини ўрганиш ва уларни амалда қўллаш йўли билан инсониятнинг энергияяга бўлган талабларини қондириш устида илмий-техникавий ҳамкорлик асосида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Европа Иттифоқи, Корея Республикаси, Хиндистон, Хитой, Россия ва АҚШ давлатларининг Ҳалқаро экспериментал термоядерий реакторини (ХЭТР) яратиш лойиҳаси доирасидаги ҳалқаро ҳамкорлик бунга яққол мисол бўла олади.

ХЭТР – еттита давлатнинг аъзолиги асосида амалга оширилаётган илмий тадқиқот лойиҳаси бўлиб, ядролардан термоядерий реакциялар йўли билан энергия ажратиб олиш технологиясини яратиш ва шу йўл билан инсониятнинг энергетика соҳасидаги муаммоларини ечишга муносаб хисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Термоядерий реактор Франция шахрининг Кадарше шаҳрида 2016 йилгача ишга туширилиши режалаштирилган⁴¹.

2006 йилнинг 5 февралида Европа Иттифоқи ва Япония томонидан Японияда ҳалқаро термоядерий экспериментал реактор яратиш лойиҳаси доирасидаги маълумотларни қайта ишлаш маркази яратиш тўғрисида”ти шартнома имзоланди. “Термоядерий энергияни ўрганиш ҳалқаро маркази” деб расмий ном олган ташкилот Япониянинг Хонсю оролидаги Роккасио посёлкасида барпо этилади. Илмий марказдан туриб Франциянинг Кадараш шаҳрида барпо этиладиган ХЭТРни суперкомпьютер ёрдамида масофадан бошқариш ва реакторнинг фаолияти параметрларига ўзгартириш киритиш мумкин бўлади. Марказни яратиш учун 770 миллион АҚШ доллари сарф этилиши кўзда тутилган бўлиб, унинг тўла ишга туширилиши учун 10 йил муддат керак бўлади⁴².

Қатор давлатларда фан ва технологиялар ютукларидан нафақат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўлида, балки миллий сиёсатнинг узуликсиз бўлаги сифатида ҳам фойдаланилмоқда. Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг ташқи сиёсати стратегияси

⁴¹ Хольткамп Н. Международный экспериментальный термоядерный реактор ИТЭР: будущее термоядерной энергетики // Глобальные проблемы (Э. Журнал), 2006. Октябрь. - С. 28-32.

⁴² ЕС и Япония подпишут в Токио соглашение о строительстве центра обработки данных по проекту ИТЭР. / Официальный портал федерального агентства промышленности РФ. – <http://www.minatom.ru>

режасида фан ва технологияларнинг ташқи сиёсат билан чамбар-час боғлиқлиги таъкидланади. Расмий ҳужжатларда таъкидланишича, Фан, технологиилар ва соғлиқни сақлаш муаммолари АҚШ Давлат департаменти ва унинг чет элларда жойлашган миссияларининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятида марказий ўрин тутиши керак⁴³. АҚШ Давлат департаменти Котибининг Фан ва техника бўйича маслаҳатчиси Доктор Н.Неуритер, фан ва технологияларнинг давлат ташқи сиёсатидаги устуворлигини ва халқаро муносабатлардаги турли муаммоларни ечиш учун замонавий технологиялар соҳасида катта тажрибага эга бўлган мутахассисларни кенгрок жалб этиш зарурлигини таъкидлайди⁴⁴.

Кўплаб давлатларда, жумладан АҚШда, фан ва технологияларнинг ташқи сиёсатдаги роли етарли даражада баҳоланмай келаётган анъанавий дунёқарашлар ўрнини “глобалчилар”нинг халқаро дипломатияда бу йўналишнинг муҳим ўрин тутишини таъкидловчи қарашлари эгалламоқда⁴⁵.

Фан ва технологиялар ривожининг халқаро ҳамкорлик асосида олиб борилишини тақозо этилиши келажакда ушбу соҳадаги етакчи ролни қатор давлатлар ўртасида тенг тақсимланишига олиб келади⁴⁶.

Илмий-технологик салоҳиятнинг халқаро муносабатларда туттган ўрнини ҳозирги вактда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ахборот технологиялар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Окинава Хартиясида таъкидлангидек, ахборот технологиялар ривожланаётган мамлакатлар учун катта имкониятлар очиб берди. Мавжуд салоҳиятларини керакли мақсадларга йўналтиришга эришган мамлакатлар ўзларининг инфратизимларини ривожлан-

⁴³ US Strategic Plan for International Affairs. Официальный сайт Госдепартамента США: http://www.state.gov/stratplan_index.html

⁴⁴ N. Neureiter. Engineering and American Diplomacy // The Bridge. - Mel Horwitz, 2004. - № 2, P. 22-27.

⁴⁵ N. Neureiter. Science and technology in the Department of State // Technology in Society. -N.Y., 2004. Vol 26. - № 2/3. – P.45-53.

⁴⁶ Дж. Аткинсон. Наука и Технология: Мост между культурами и странами // Э.Журнал. Глобальные проблемы. 2006 г. Октябрь.

тиришлари мобайнида учрайдиган муаммоларни ечишда катта меваффакиятларга эришишлари кузатилади. Ҳозирги кунда қатор ривожланаётган мамлакатларнинг ахборот-коммуникацион технологиялар ютукларидан қашшоқликни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал этиш, электрон савдо ҳажмини кўтариш ва бошқа қатор устувор масалаларни ечишда унумли фойдаланишга эришаётганликларини қайд этиш мумкин⁴⁷. Шу билан бирга, Хартияда таъкидланганидек, ахборот-коммуникацион технологияларининг жадал суръатларда ривожланишига мослаша олмаётган давлатлар ахборот жамият ва иқтисодиётда юз бераётган жараёнларда тўлақонли иштирок этишдан маҳрумдирлар.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда кўплаб давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва илмий-технологик салоҳиятини мустаҳкамлашнинг устувор масалалари қаторидан нанотехнологияларни ривожлантириш мустаҳкам жой эгаллади.

Яқин келажакда нанотехнологиялар ёрдамида янги материаллар яратиш асосида компьютер технологиялари, биотехнологиялар ва бошқа қатор соҳаларда мисли кўрилмаган кенг имкониятларга эришиш мумкинлиги кўплаб давлатларда кенг қамровли миллий дастурлар яратилишига замин яратди. Хусусан, 1999 йилда Японияда қабул қилинган “Огато” деб номланган нанотехнологияларни ривожлантиришнинг миллий дастури мамлакатнинг олий русумга эга бўлган қарорлари қаторидан жой олди.

Япония ҳукумати нанотехнологиялар соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар учун йилига 500 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратмоқда⁴⁸.

Нанотехнологиялар ютукларининг келажагига юқори баҳо берган ҳолда ўзининг узоқ муддатли миллий стратегиясини ишлаб чиқкан давлатлар қаторига Америка Кўшма Штатлари киради. АҚШнинг 2000 йилда қабул қилинган “Миллий нанотехнологиялар бўйича ташаббус” деб номланган комплекс дастури АҚШ Дав-

⁴⁷ Окинавская Хартия глобального информационного общества // Дипломатический вестник. Москва, 2000. - № 8. - С. 52.

⁴⁸ М.А.Омаров. Нанотехнологии – последний шанс России //Российские вести. – Москва, 2004. – №11. – С.16.

лат департаменти томонидан XXI асрнинг биринчи ярмида технологик салоҳиятнинг етакчи даражада сақлаб қолишга қаратилган самарали механизм сифатида тан олинган. АҚШ президенти хузыридаги Фан ва технологиялар бўйича маслаҳат қўмитасининг ҳисоботида таъкидланишича, “АҚШ ўзини нанотехнологиялар соҳасида иккинчи ўринга тушиб қолишга ҳакки йўқ, деб ҳисоблайди. Нанотехнологиялар ютуқларидан самарали фойдалана олган мамлакат иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда ҳам кейинги бир неча ўн йиллар мобайнида кенг имкониятларга эга бўлади”⁴⁹.

Мамлакатнинг илмий-технологик салоҳияти юксалишида нанотехнологияларнинг муҳим ўрин тувиши Европа Иттифоқининг ривожланиш дастурларида ҳам ўз аксини топди. Итифоқ аъзоларининг бу борада олиб бораётган ўзаро ҳамжихатликдаги ҳаракатлари ЕИнинг 6-доиравий дастури асосида олиб борилмоқда. Дастур доирасида 2003-2007 йиллар мобайнида нанотехнологияларни ривожлантириш борасида амалга оширилиши керак бўлган илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш ишлари учун 3,55 миллиард Евро ажратилиши режалаштирилган⁵⁰.

Сўнгги йилларда нанотехнологиялар соҳасида жиддий фаолият олиб бораётган давлатлар қаторига Хитой ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади.

2001-2005 йилларни ўз ичига олган беш йиллик давлат режасида Хитой хукумати нанотехнологияларни ривожлантириш учун 300 миллион АҚШ долларига тенг бўлган маблагни ажратган бўлса, ҳозирги кунда қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши бўйича АҚШ ва ЕИ давлатлари даражасига чиқиб олди⁵¹.

Нанотехнологиялар ривожланиши давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш билан бирга, мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти ортишида ва талантли мутахас-

⁴⁹ Full Committee Markup - H.R. 364. http://science.house.gov/publications/hearings_markups_details.

⁵⁰ А.Н. Бойко. Опыт инновационного сотрудничества стран СНГ с ЕС // Проблемы и перспективы инновационного развития экономики: Материалы международной научно-практической конференции. – Ска-довск, 2007. – С. 67.

⁵¹ М.А. Ананян. У России еще остался шанс сохранить лидерство в сфере высоких технологий. //Вестник Дальневосточного отделения РАН. – Новосибирск, 2006. – С.165.

сисларнинг чет элларга “оқимини” олдини олишда ҳам мустаҳкам замин яратди. Бугунги кунда нанотехнологиялар ривожланишига катта ишонч билан қараётган ва дунё бозорида наномаҳсулотнинг келажаги порлоклигига шубҳасиз кўз тикаётган компаниялар сони кун сайн ошиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу соҳада фаолият олиб бораётган компаниялар сони 16000 га етган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони йилига икки маротаба ортиши кузатилмоқда⁵².

Ўзбекистон Республикасида юқори технологиялар соҳасида интеллектуал ва технологик салоҳиятнинг юқори даражада эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатнинг нанотехнологияларни ривожлантириш бўйича миллий дастурини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари қаторига нанотехнологиялар ютуқлари асосида компьютер технологиялари, хусусан микросхемалар ишлаб чиқиши каби йўналишларни киритиш мумкин.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида замонавий технологиялар, хусусан ахборот технологиялари ва нанотехнологиялар соҳасини ривожлантириш мақсадида хорижий инвесторлар учун кўшимча имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

1.3. Марказий Осиё давлатларининг инновацион сиёсати ва модернизация жараёнлари

Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилиши керак бўлган ислогоҳларнинг замонавий талабларидан келиб чиқсан ҳолда замонавий фан ва технологияларни ривожлантиришга бўлган эътибор сезиларли даражада кучайди.

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 августанда қабул қилган 360-сонли қарорига асосан Фан ва техника Давлат қўмитаси (ФТДК) ташкил этилди.

Кўмитага мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантирилишига йўналтирилган фан ва техника сиёсатини шакллан-

⁵² Бойко А.Н. Опыт инновационного сотрудничества стран СНГ с ЕС // Проблемы и перспективы инновационного развития экономики: Материалы международной научно-практической конференции. – Ска-довск, 2007. – С. 67-69.

тириш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди. Ўз фаолиятида ФТДК илмий-техник ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, унинг моддий-техник базасини яратиш, илмий-тадқиқот институтлари, марказлар ва олий ўкув юрглари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мамлакатнинг бошқа давлатлар билан илмий-техник халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши каби устувор масалалар устида иш олиб борди.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан ФТДК ва Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан олиб борилган сайди-харакатлар ўзбек олимлари ва мутахассисларининг кўплаб йирик халқаро илмий лойиҳаларда фаол қатнашиб, АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Хитой, Россия, Ҳиндистон ва бошқа қатор давлатлар олимлари билан халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар берди.

Бугунги кунда Республиkaning илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари Европа Иттифоқининг ИНТАС халқаро ассоциацияси, ГФРнинг Академик алмашувлар хизмати (ДААД), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ҳиндистондаги Коинот фанлари ва технологиялари ўкув маркази дастурларида фаол иштирок этмоқдалар.

Замонавий технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда унинг асосида илмий-технологик салоҳиятни юксалтириш борасида Ўзбекистон қатор давлатлар билан ҳамкорликни амалга ошириди. Бундай ҳамкорлари қаторига Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари киради. Мустақиллик йилларида ҳамкор давлатларнинг илмий марказлари иштирокида иқтисодиёт ривожланишининг долзарб муаммоларини ечишга қаратилган бир қатор кўшма лойиҳалар ишлаб чиқилишига эришилди, ҳамкорликда муҳим аҳамитяга эга бўлган қатор илмий – амалий семинарлар, конференциялар ўтказилди ҳамда мутахассисларнинг малакасини оширишнинг тажриба аламашиш орқали амалга ошириш йўлга кўйилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ахборот технологияларини ривожлантиришнинг самарали хукуқий ва меъёрий механизmlари яратилишига алоҳида эътибор берилди. Давлатнинг ахборот технологияларни ривожлантириш сиёсатининг асосий

йўналишлари сифатида фуқароларнинг маълумот олиши ва тарқатиш эркинлигини таъминлаш, мамлактада ягона ахборот тизимини яратиш, ахборот технологиялари воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, компьютер дастурлари яратиш борасида фаолликни ошириш, ахборот технологиялари соҳасида етук мутахассислар тайёрлаш ва бошқа қатор вазифалар қаралади⁵³.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ислоҳотларининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида жадал равишда кенг амалга оширилиши ўз навбатида фан ва технологиялар соҳасидаги стратегияни ўзгартиришни талаб эта бошлади. Бу эса, ўз навбатида, бу соҳада ислоҳотлар амалга оширилишини тақозо этди.

Вазирлар Мақкамасининг 2002 йил 4 март куни қабул қилинган 77-сонли қарори билан ФТДК фаолияти тўхтатилиб, унинг вазифалари Вазирлар Маҳкамаси қошида барпо этилган Фан ва техники ривожлантиришни мувофиқлаштириш кенгашига топширилди. Кенгашининг ижроия органлари сифатида Фан ва технологиялар маркази (ФТМ) ҳамда Илмий ва инвестиция лойиҳаларининг таҳлили бўйича кенгашиш юрита бошлади.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида фан ва технологиялар соҳасидаги лойиҳаларнинг давлат дастурлари доирасида грантлар асосида амалга оширилиши йўлга кўйилди. Бу ишлар маълум даражада ўз натижаларини бериши билан бирга, фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасида қатор камчиликлар юзага кела бошлади. Булар қаторига илмий-тадқиқот марказларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамоҳанглиқда ишламаслиги, катта аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда вазирликлар, идоралар ва жойдаги органларнинг фаол қатнашмаслиги ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш тарзида эксперталар қарори билан оширилиши киради.

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун амалга оширилган ислоҳотлар фан ва технологиялар соҳасидаги бу камчиликларни бартараф этишни тақозо этди.

⁵³ Закон Республики Узбекистан от 11.12.2003 г. N 560-II «Об информатизации». Официальный сайт Узбекского Агентства Связи и информатизации: <http://www.aci.uz/ru/letopis/>

Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида қатор амалий ишлар қилинди. 2006 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг ижроия органлари фаолияти тұхтатилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш күмита-си ташкил этилди. Фан ва технологиялар соҳасида олдинга күйилган мақсадлар асосида яратылған янги күмита олдига фан ва технологияларнинг устувор йўналишларини аниклаш, илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳалаштириш ва конструкторлык бюролари, олий ўкув юртлари илмий бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва уларнинг натижаларини ҳаётга татбиқ этиш каби вазифалар кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилда қабул қилинган “Фан ва технологиялар ривожланишининг координацияси ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида сўнгти йиллар мобайнида илмий тадқиқотлар натижаларини ижтимоий-иктисодий ривожланишдаги ролини ва мамлакатнинг демократик янгиланишидаги ҳиссасини ошириш борасида жиддий ишлар амалга оширилганлиги қайд этилган. Қарорда таъкидланишича, 25 та фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион характерга эга бўлган илмий-технологик дастурлар асосида ишлаб чиқариш, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги мавжуд долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда⁵⁴.

Ўзбекистонда фан ва технологияларнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ролини кучайтириш, илмий-технологик жараёнларни бошқаришни эркинлаштириш ҳамда илмий тадқиқот институтлар ва марказлар фаолиятини такомиллаштириш борасида жиддий ишлар амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, фан ва технологиялар ривожланишига бўлган эътибор Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим

⁵⁴ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию координации и управления развитием науки и технологий» от 7 августа 2006г. Официальный портал государственной власти Республики Узбекистан: <http://www.gov.uz/en/content.scm?contentId=21685>

вазирлиги тузилмасига вазирнинг фан бўйича муовини мақомида кўшимча бирлик киритилишида ёрkin намоён бўлиб, мамлакатнинг олий ўкув юртларида илмий тадқиқотлар олиб боришга янада катта имкониятлар яратишга қаратилган тадбир бўлди.

Ўзбекистон Республикаси олимлари ривожланган мамлакатлар олимлари билан замонавий технологиялардан тинчлик йўлида фойдаланиш борасида ҳам қатор лойиҳалар асосида ҳамкорликни амалга оширилар.

Еврокомиссия томонидан қабул қилинган навбатдаги, VI доира-вий дастур (VI ДД) сўнгги даврда Европа иқтисодиётида вужудга келган йирик илмий ва технологик муаммоларни ечишга қаратилган бўлиб, аввалги доира-вий дастурлардан фарқли равишда аник иқтисодий, техниковий ва ижтимоий масалалар кўринишида шаклантирилган⁵⁵.

Украина Илмий-технологик маркази дастурлари доирасида 2002 йилда Ўзбекистон илмий марказларидан тақдим этилган илмий конверсия соҳасидаги 8 та мунтазам ва 2 та шёрикчилик лойиҳаларига 2 миллион АҚШ доллари ва 385 минг Евро микдорида грантлар ажратилди. Ушбу лойиҳалар ядро материаллари ва технологиялари хавфсизлиги, хусусан ФА Ядро Физикаси институтининг реактори хавфсизлиги ва химоясини кучайтириш, радиоизотопларни ишлаб чиқариш ва сертификация қилиш услубларини ривожлантириш, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиши, физика, астрономия, биология ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик ишларини амалга оширишга қаратилди⁵⁶.

Ўзбекистон Республикасида юқори технологиялар, хусусан ах-борот технологияларини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг илмий салоҳияти даражаси мамлакатда мавжуд илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва конструкторлик бюроларининг фаоллиги билан чамбарчас боғланган. Ўзбекистон Фанлар Академияси ил-

⁵⁵ Европа Иттифоқининг янги илмий-техниковий дастури - ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги янги қадам. – <http://www.fpbnp.uzsci.net/usb/>

⁵⁶ Ҳалқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази 2003 йил ҳисоботидан.

мий-тадқиқот институтлари томонидан физика, математика, биология, материалшунослик, астрономия, кимё ва бошқа қатор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар натижалари жаҳон фани ривожланишида алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Россия давлатлари томонидан Жиззах вилоятининг Зомин туманида барпо этилаётган 70 метр диаметрли радиотелескопнинг (РТ-70) яқин келажакда ишга туширилиши мамлакатнинг мавжуд илмий-технологик ва интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланишга замин яратибгина қолмасдан, балки Ўзбекистон Республикасининг астрофизика бўйича дунё марказига айланишига ва мамлакатнинг халқаро илмий-техник ҳамкорлиги ни ривожлантириш учун ҳам мустаҳкам замин яратади.

Жаҳон миқёсида углеводородларга бўлган нархнинг кескин ортиб бориши, уларни экспорт ва импорт қилувчи давлатлар ўргасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, ҳамда импорт қилувчи давлатларнинг энергетика мустакиллигини мустаҳкамлаш борасидаги фаол ҳаракатлари муқобил энергетика манбаларини ривожлантиришга бўлган эътиборни кучайишига олиб келмоқда. Бундай шароитда Ўзбекистонда муқобил энергетика манбаларидан, биринчи навбатда, Куёш энергиясидан фойдаланиш имкониятларидан самарали фойдаланиш нафақат экологик, балки иқтисодий нұктай на зардан ҳам ўзини оқлади.

Мутахассисларнинг кузатиши бўйича, Ўзбекистон Республикасида бир йил мобайнида 260 кун қуёшли кун бўлиши қайд этилади. Куёш энергиясидан фойдаланиш имконияти мамлакатнинг йиллик энергетикага бўлган эҳтиёжига нисбатан 4 марта кўп энергия ишлаб чиқиш учун етарли эканлиги аниқланган⁵⁷.

Хозирги кунда Куёш энергиясидан фойдаланиб, сув иситиши мосламаларини яратиш технологияси Ўзбекистоннинг «Фотон», «Энком», ишлаб чиқариш корхоналарида ўзлаштирилган бўлиб, мосламалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекистон темир йўллари» агентликлари, Олмалиқ ва Навоий төғ-металлургия комбинатлари ташкилотлари таркибидаги бўлимларда синовдан ўtkазилмоқда. Куёш энергиясидан самарали фойдаланишни йўлга кўйишида мамлакатнинг марказдан

⁵⁷ Наши дома согреет солнце. <http://www.gov.uz/ru/content.scm?contentId=12092>

узоқ ҳудудларида мини-электростанцияларидан фойдаланган ҳолда аҳоли пунктларини электр энергияси билан таъминлаш ўзининг катта самарасини беради.

Ўзбекистон Республикасида “Энергиядан рационал фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун амалда бўлиб, 2010 йилгача бўлган давр учун маҳсус дастур ва Куёш энергиясидан фойдаланиш бўйича миллий лойиха доирасида иш олиб борилди.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни йўлга кўйиш мақсадида биомассадан энергия олиш устида ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатда биогаз технологияларини ривожлантириш бўйича маҳсус лойиха доирасида маълум амалий ишлар бажарилган ва маҳсус мосламалар амалда синааб кўрилмоқда.

Республиканинг қатор ҳудудлари иқлим шароитидан келиб чиқкан ҳолда, мамлакатда гидроэнергетика соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Углеводород захираларининг чекланганлиги, уларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳаражатларининг ортиб бориши муқобил энергия манбалари салоҳиятидан унумли фойдаланишни тақозо этади. Бундай шароитда халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида бу соҳадаги миллий дастурларин амалга ошириш буғунги куннинг устувор вазифалари қаторидан жой олиши керак.

Давлатнинг инновацион дастурлари шу мамлакатнинг интеллектуал ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, давлатнинг миллий ҳавфсизлигини таъминлаш, унинг мустақил ривожланишининг устувор йўналишларини хисобга олган ҳолда, ҳамда унинг жаҳон ҳамжамияти ўргасидаги нуфузини мустаҳкамлашига қартилаган ҳолда оширилиши зарур.

Мустақиллик йилларида ЮНЕСКО томонидан Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовга “Абу Али Ибн Сино”, “Баробудур”, “Аристотель”, “Буюқ ипак йўли” олтин медалларнинг тақдим этилиши Ўзбекистон раҳбариятининг фан, маданият ва маърифат соҳасини ривожлантириш борасида олиб бораётган чукур сиёсатини яна бир бор аниқ кўрсатади.

Марказий Осиё минтақасида етарли даражада катта илмий ва

технологик салоҳиятга эга бўлган давлатлар ўргасида Қозогистон Республикаси алоҳида ўрин тутади.

Қозогистон Республикасида коинот технологиялари ривожланиши, ўз навбатида, ахборот-коммуникация соҳасининг ривожланиши учун ҳам катта имкониятлар очиб бермоқда.

Туркманистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилнинг 12 июнида Махтумқули номидаги Туркманистон Давлат Университетида ўtkazilgan кўчма мажлисида мамлакатда фан ва техника соҳаси ривожланишининг устувор масалалари муҳокама этилди. Туркманистон президенти Г.Бердимухаммедов томонидан туркман фани ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, мамлакатда фан ва техника ривожланиши тизимида мавжуд ҳолатни тубдан ўзгартириш вакти келди. Туркманистон Президенти ҳузуридаги Фан ва техника бўйича Олий қенгаш таркибида Фан ва техника Жамғармаси ҳамда Олий Аттестация Комиссиясини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бир қаторда, республикада фан ва техникани ривожлантириш мақсадида олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларида аспирантура ва докторантуралар ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Президент Г.Бердимухаммедов томонидан Фан ва техника бўйича Олий Қенгашга қисқа муддатлар ичida мамлакатнинг илмий ва ўқув марказларини Интернет тизимида улаш бўйича маҳсус лойиха ишлаб чиқишни тайинлади.

Кўйилган вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида давлат раҳбари томонидан “Туркманистонда илмий тизими такомиллаштириш” ва “Туркманистон Фанлар Академиясининг фаолияти ҳакида”ги қарорлар қабул қилинган. Бу ҳужжатларга асосан Фан ва техника бўйича Олий Қенгаш олдига, мамлакатнинг кўзга кўринган олимларини давлатнинг илмий-техникавий сиёсатини шакллантириш ва уни ҳаётга татбиқ этишга жалб этиш вазифаси кўйилган.

Олий Қенгаш билан янги ташкил этилаётган Фанлар Академиясининг ҳамкорлиги асосида Туркманистоннинг илмий-техникавий сиёсатини шакллантириш, фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш, мамлакатнинг илмий-технологик салоҳиятини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши, илмий-техника-

вий ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш, фан ва технологиялар ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш каби катта аҳамиятта эга бўлган вазифаларни бажариш ётади.

Тожикистон Республикаси Фанлар Академияси 20 та илмий-тадқиқот институтлари, Помир филиали, Жўжанд Илмий маркази, Хатлон илмий-тадқиқот маркази ҳамда бошқа қатор илмий тадқиқотлар амалга ошириладиган марказларни ўз ичига олади. Тожикистон ФА физика-математика, кимё ва геология, биология ва тибиёт ҳамда гуманитар фанлар бўйича йўналишларга эга⁵⁸.

Академиянинг “Физика-математика, кимё ва геология” бўлими тузилмасига Математика институти, С.У.Умаров номидаги Физика-техника институти, В.И.Никитин номидаги Кимё институти ҳамда Геология, зилзилабардош қурилишлар ва сейсмология институти киради.

Фанлар Академиясининг Биология ва тибиёт бўлимига Ботаника, Е.Н.Павловский номидаги Зоология ва паразитология, Ўсимликлар физиологияси ва генетикаси, Гастроэнтерология, Х.Ю. Юсуфбеков номидаги биология институтлари киради.

Академиянинг Ижтимоий фанлар бўлими А.Рудакий номидаги Тил ва адабиёт, Шарқшунослик ва ёзма мерослар, А.Дониш номидаги тарих, археология ва этнография, Фалсафа ва ҳуқук, Иқтисодиёт, Гуманитар фанлар институтларини бирлаштиради.

Тожикистон Фанлар Академияси Президиуми қошида Аҳолини ўрганиш маркази, Илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўйича қенгаш, Атамалар бўйича қўмита, Илмий кадрларни тайёрлаш бўлими, “Дониш” нашриёти, Индира Ганди номидаги Марказий илмий кутубхона фаолият юритади.

Тожикистон Фанлар Академияси 2006 йилнинг октябрь ойидан бошлаб мамлакатдаги Еврокомиссия ваколатхонаси билан биргаликда энергия ишлаб чиқишнинг муқобил варианtlарини ривожлантириш бўйича қўшма лойиха доирасида ҳамкорлик олиб бормоқдалар.

Мазкур лойиха ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди:

- аҳоли турмушининг ижтимоий ва кундалик даражаларини яхшилаш учун муқобил энергия захираларини ривожлантириш

⁵⁸ Научная Структура и деятельность Академии Наук РТ. Официальный сайт АН РТ – <http://www.ant.tj/m17.htm>

асосида электр күввати ва иссиқлик күввати ишлаб чиқариш борасида истиқболли технологияларнинг кенг кўлланишига ёрдам бериш;

- ахолининг куёш иссиқлик күвватидан кенг фойдаланиш имкониятларидан хабардорлигини ошириш;
- мамлакатда куёш энергиясидан фойдаланган ҳолда сув иситиш қурилмаларининг тарқалишига кўмаклашиш.

Қирғизистон Республикаси Миллий Академияси тузилмасида – ходимларнинг умумий сони 1883 кишидан иборат бўлиб, улар 26 та илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида фаолият олиб борадилар. Республикада 1037 илмий ходим мавжуд бўлиб, улардан 140 киши фан доктори ва 324 киши фан номзодлари. 2006 йилда Қирғизистон Фанлар Академияси томонидан 51 та лойиха бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Академия олимлари томонидан гуманитар, табиий ва техник фанлар соҳасида 14 илмий лойиханинг доирасида ишлар бажарилган. Илмий тадқиқотлар натижалари бўйича 2006 йилда 1048 иш нашр қилинган, улардан 279 таси чет элда, жумладан 37 монография ва 54 дарслик ва ўкув кўлланмаси нашр қилинган, 29 та патент олинган⁵⁹.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фан-техника тараққиёти аклий фаолиятнинг хуқуқий жиҳатдан муҳофазалашни талаб киладиган сифат жиҳатидан янги маҳсулотлар яратилишига олиб келди. Муаллифлик хуқуқлари ҳозирги вақтда муаллиф фаолият кўрсатадиган муассасанинг хужжатлари билан муҳофаза килинади. Лекин бу маҳсулотлар жамиятимиз иқтисодий фаровонлигининг асосини ташкил этиши ва унинг имкониятларини белгилаши муносабати билан муаллифлик хуқуқларини янада кучлироқ хуқуқий муҳофазалаш талаб этилади⁶⁰.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг фаол илмий-техник сиёсати умумдавлат стратегиясининг ажралмас қисми. Ўтиш даврида давлат томонидан фан ва технологиялар ривожланишига берилган эътибор давлатнинг келажагида муҳим аҳамият касб этади ва акс ҳолда ўн йилларнинг келажагида муҳим аҳамият

⁵⁹ Национальная академия наук Кыргызской Республики. <http://www.nas.kg/structure.htm>

⁶⁰ Муминов Н.А. Фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиёти. Ташкент оқшоми газетаси. 1992 й. 10 ноябрь.

мобайнида вужудга келган илмий-технологик салоҳият қисқа вақт ичидаги йўқотилиши мумкин.

Биринчи боб бўйича умумий хуросалар

Замонавий фан ва технологияларнинг шиддат билан ривожланиши жаҳон ҳамжамияти учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда катта имкониятлар бериш билан бирга, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим ўрин эгаллаши қатор омилларда яққол кўринади.

Глобаллашув шароитида замонавий технологиялар ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий характерга эга бўлган оқибатлари ривожланган давлатлар билан инсониятнинг қолган қисми ўргасида “технологик” фарқни юзага келтирди. Бу эса, ўз навбатида, маълум бир давлатлар томонидан кенг миёсда ўзларининг сиёсатларини тарғиб этишга, натижада глобал сиёсий турғунликни бузилиши ва дунё сиёсий тартибининг ўзгаришига олиб келишга замин яратди. Илмий-технологик ривожланишнинг “нотекис” жараёнлари давлатлар ўргасидаги номутаносибликни келтириб чиқишига замин яратди.

Бундан ташқари, глобаллашув шароити дунё мамлакатларининг халқаро ҳамкорликка қўшилиши учун кенг имкониятлар берса-да, давлатлар илмий-технологик салоҳиятидаги фарқ сабабли бу имкониятлардан ҳамма давлатлар ҳам фойдалана олмаяптилар. Бунинг натижасида баъзи давлатлар глобаллашув жараённида тенг ҳуқуқли иштирок эта олмаслиги ва уларнинг ривожланиши бир неча ўн йилларга орқада қолиб кетиши мумкин. Бундай тенденциялар эса, ўз навбатида, халқаро муносабатларга салбий таъсир этади ва дунёнинг турли жойларида янгидан-янги кескинликлар манбани келтириб чиқаради.

Марказий Осиё давлатларида замонавий фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлашда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммоларини ҳисобга олиш лозим. Бу борада яна таъкидлаш жоизки, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик ҳолати учун мавжуд таҳдидлар ва чақириқларни олдини олишнинг илмий-техникавий ҳамкорлик

асосидаги самарали тизимини яратиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Хавфсизликни таъминлаш жараёни мураккаблиги бу соҳада айни бир пайтнинг ўзида қатор йўналишларда иш олиб боришни тақозо этади. Бундай таҳдидлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барчасига тегишли бўлиб, уларинг бартараф этилиши мінтақа давлатларининг мустақил ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутади. Замонавий технологиялар ривожланган бугунги шароитда, мінтақавий хавфсизликни таъминлаш фанлараро ва парадигмалараро ёндашувларнинг умумий концепцияси асосида амалга оширилиши лозим. Мінтақавий хавфсизликни таъминлашда “ташқи” таҳдидларни бартараф этиш билан бир қаторда ички муаммоларни баратараф этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Мінтақа давлатларининг ички муаммолари умумий ҳолда умуммінтақавий муаммоларни ташкил этади ва уларнинг ечими умуммінтақавий хавфсизлик ва барқарорлик ҳолатини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Шиддат билан кечётган глобаллашув шароитида, Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон Республикасининг илмий-технологик салоҳиятини ривожланган мамлакатлар даражаси қаторига кўтариш бугунги куннинг долзарб вазифалари қаторидан жой олди. Ушбу салоҳиятнинг юксалиши мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши билан бир қаторда, унинг жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги обрўсини мустаҳкамлашга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

П-БОБ. ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖЛАНИШИ ШАРОИТИДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Мінтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммолари:

Марказий Осиё мінтақаси Евроосиё материғи марказида жойлашган ҳолда Гарб билан Шарқни боғловчи ҳудуд сифатида стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудуд хисобланади. Унинг геосиёсий нуқтаи назардан қулай ўрни билан бирга катта миқдордаги табиий бойликларга, хусусан, углеводород захираларига эга бўлиши ташқи кучларни ўзига жалб этади. Бундай шароитда мінтақа мамлакатларининг ташқи кучлар таъсири орбитасига тушиб қолмаслигини таъминлаш уларнинг бугунги кундаги устувор вазифалари қаторидан жой олди.

Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгандан кейинги даврда мінтақага нисбатан Россия, Хитой, АҚШ, ЕИ давлатлари, Япония, Эрон, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа қатор давлатларнинг қизиқиши кескин кучайди. Бу давлатларнинг манфаатларини таҳлил этган ҳолда, уларнинг мінтақага бўлган қизиқишиларида турли кўринишдаги мақсадлар ётишини қайд этиш мумкин.

Хусусан, Марказий Осиё мінтақаси Россия Федерацияси учун биринчи навбатда, ўзининг миллий хавфсизлигини таъминлашдаги стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудуд сифатида қаралади.

2001 йил 11 сентябрь АҚШдаги воқеалардан кейинги Вашингтоннинг ҳалқаро терроризмга қарши кураш учун Афғонистонда олиб борган ҳарбий ҳаракатларининг Москва томонидан қўллаб-кувватланиши ҳам, ўз навбатида, Россиянинг миллий хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиқади.

Шу билан бирга, Кремлнинг мінтақадаги манфаатларида сиёсий ва иқтисодий омиллар, хусусан энергетика соҳасидаги кўзланган мақсадлар асосий ўрин эгаллайди. У мінтақада ўзининг манфаатларини МДХ, ШХТ ва ЕИХ ташкилотлари доирасида фаол иштирок этиш йўли билан ҳимоя қилишга ҳаракат қиласи. Москва мінтақа

давлатлари билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама муносабатлар олиб борар экан, минтақада Вашингтон ва Пекиннинг таъсири кучайишининг олдини олишга алоҳида эътибор беради.

Россия, Марказий Осиё минтақасида сиёсий ва ижтимоий-иктисодий жараёнларда асосий “ўйинчи” сифатида қолгани ҳолда, янги геосиёсий шароитдан келиб чиқиб ўзининг минтақага қаратилган стратегиясини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Сўнгги йилларда Марказий Осиёда «Газпром», «Лукойл» ва бошқа қатор компанияларниң фаоллашуви Москва учун минтақанинг энергетика сектори ва транспорт-коммуникация тизимларига нисбатан қизиқиши катталигини кўрсатади.

Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларида минтақавий ривожланиши асосида барқарорликни таъминлаш Россиянинг минтақага нисбатан олиб бораётган ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири хисобланади. Минтақавий хавфсизликни таъминлашда мухим ўрин эгаллаган давлат сифатида Ўзбекистон билан узоқ муддатли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш Россия учун алоҳида аҳамиятга эга. Россия ва Ўзбекистон муносабатларида илмий-техникивий, маданий ва иқтисодий ҳамкорлик ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Икки томонлама ҳамкорликнинг яна бир асосий йўналишларидан бири энергетика соҳаси хисобланади.

Москванинг Марказий Осиё минтақасига қаратилган ташқи сиёсатида Қозогистон Республикаси алоҳида ўрин тутгани ҳолда, минтақадаги етакчи ҳамкорлардан бири сифатида қаралади.

Россиянинг Тожикистон билан муносабатларида ҳарбий-сиёсий йўналишлар мухим ўрин тутади. Шу билан бирга, Кремль Тожикистоннинг стратегик аҳамиятга эга бўлган энергетика тизимида катта сармоялар билан иштирок этиб, бу соҳада ўзининг таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Марказий Осиёда Хитойнинг стратегик ва дипломатик манфаатларини шартли равишда учта йўналишга бўлиш мумкин.

Пекиннинг биринчи навбатдаги стратегик мақсади XXР атрофида жойлашган кўшни давлатлар билан тинчлик ва тотувликни таъминлашdir. Бу борада Хитой ШХТ доирасида фаол иш олиб бориб, бу ташкилотни ўзининг бош мақсадига эришишнинг са-

марали механизми сифатида қарайди. Пекиннинг Марказий Осиё йўналиши бўйича ўз олдига кўйган мақсадлари категорига унинг минтақада давлатлари билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳам киради.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида Хитой ташки сиёсатининг устувор йўналишлари ўзининг миллий хавфсизлиги учун долзарб бўлган СУАРдаги таҳдидларни бартараф этиш бўлган бўлса, ҳозирги пайтада Пекиннинг Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан олиб бораётган ташқи сиёсатида энергетика, савдо-иктисодий соҳалардаги ҳамкорликни кучайтириш асосий вазифа сифатида қаралмоқда.

Хитой ШХТда фаол иштирокчи сифатида фаолият олиб бориши билан бирга минтақада давлатлари билан икки томонлама муносабатларга ҳам алоҳида эътибор бермокда.

Хитойнинг Марказий Осиёдаги манфаатларига баҳо берар экан, Хитой-Евроосиё форумининг директори М.Орсмен келажакда минтақада Пекиннинг таъсири ортиб боришини башорат қиласди.

Унинг фикрича, Пекин ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун минтақада АҚШ томонидан Хитой учун таҳдид туғдириши мумкин бўлган фаолликни олдини олиш ва Россиянинг минтақада ягона кучли таъсирга эга бўлишини сусайтиришга ҳаракат қиласди. М.Орсменнинг фикрича, Марказий Осиёда Москва, Пекин ва Вашингтон бир-бирларининг қарашларини ҳисобга олган ҳолда сиёсат олиб боришиларига тўғри келгани ҳолда, уларнинг минтақадаги манфаатларida ўхшаш мақсадлар кўпроқ ётишини таъкидлайди⁶¹.

Ғарб олимларининг илмий қарашларida, Америка Кўшма Штатларининг Марказий Осиё минтақаси бўйича ташқи сиёсати стратегиясининг бир нечта йўналишлари аниқ келтирилади.

Улар қаторига Вашингтоннинг Марказий Осиё давлатларига ёрдам дастурларининг амалга оширилиши, минтақада давлатлари раҳбарлари билан алоқани кучайтириш учун ҳаракатлари, демократия ва инсон ҳукуклари бўйича интилишлари, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этиши, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда иштирок этиш, минтақада давлатлари-

⁶¹ Oresman M. Beyond the Battle of Talas: Chinas Re-emergence in Central Asia// In the Tracks of Tamerlane. Central Asia's Patsh to the 21 st Century. Eds. By D.L. Burghart, Th. Sabonis-Helf.-Washington, DC: NDU, 2004, pp.401-424.

нинг глобал бозорга бирлаштириш ва уларнинг энергетика сиёсатида АҚШнинг манфаатларини ҳимоя қилиши каби йўналишлар киради⁶².

АҚШ Туркманистонни газ экспорт қилиш йўналишларини диверсификациялашга чақиради. АҚШ давлат департаменти котибининг иқтисод, энергетика ва бизнес бўйича ёрдамчиси Д. Салливаннинг баёнига кўра, Туркманистондан Европага газ экспорти йўналишининг Россия худудини четлаб ўтилиши, Европа Иттифоқининг ҳамкор сифатида гумон уйғотаётган Россияга бўлган “энергетик боғлиқ” лигини кучсизлантиради. Оқ Уй туркман газининг Эрон ва Россия давлатларини четлаб ўтган ҳолда, Афғонистон ва Покистон орқали Ҳиндистонга, Каспий денгизи туби ва Кавказ орқали Туркияга ва Европага юборилишини таклиф этади⁶³.

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ҳисобга олиниши керак бўлган таҳдидларни ўрганар эканмиз, уларнинг вақт билан боғлиқ бўлган ўзгариш динамикасини кузатишимиз мумкин. Таҳдидлар кучайши ёки сусайиши билан бирга, мавжудларидан фарқли бўлган янги кўринишдаги таҳдидлар юзага келиши минтақа давлатлари олдига янада жиҳдийроқ вазифаларни қўяди.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилмаганлиги, расмий ҳукуматнинг мамлакат ҳудудларини назорат қилиш имкониятлари чекланганлиги Марказий Осиё худудидан, хусусан Туркманистондан Ҳиндистонга ушбу давлат орқали ўтказилиши таклиф этилаётган лойиҳанинг амалга оширилиши эҳтимолини кескин камайтириб юборади.

Марказий Осиё мамлакатларнинг глобал интеграциялашув жарёнида иштирок этиши, яъни уларнинг глобал иқтисодиётга қўшилишида Вашингтоннинг асосий манфаати бошқа кучли давлатларнинг бу йўналишдаги таъсирини камайтиришга қаратилганлиги гарб сиёсатчилари томонидан тан олинади.

2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда террорчи гурӯхлар томони-

⁶² Garnet Sh., Rahr A., Watanabe K. The New Central Asia. A Report to the Trilateral Commission: 54(October).- New York, Paris, Tokyo: The Trilateral Commission, 200.-79 р.

⁶³ Сигов Ю. Туркменский разворот. <http://www.analitika.org/article.php?story=20070804074109718>

дан амалга оширилган мудхиш воқеалардан сўнг Марказий Осиёда катта кучлар – АҚШ, Россия ва Хитой давлатларининг таъсиirlари нисбати сезиларли даражада ўзгарди.

Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришгач Россия, Хитой, АҚШ давлатларидан ташқари Европа ҳамжамияти давлатлари, Япония, Эрон, Ҳиндистон каби давлатларининг ҳам минтақа давлатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликка бўлган эътибори кучайди.

Марказий Осиё минтақасининг стратегик нуқтаи назардан муҳим ўринга эгалиги ва қатор бошқа давлатлар каби, Ҳиндистоннинг энергетика ресурсларига бўлган талабининг йилдан-йилга ортиб бориши, Дехли билан Минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайиши учун мустаҳкам замин яратади⁶⁴.

Япония ўзининг Марказий Осиё минтақасидаги фаоллигини ўзининг икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар, хусусан “Марказий Осиё плюс Япония” диалоги орқали намоён этмоқда. Токионинг мақсади ўзининг энергетика соҳасидаги устувор вазифалардан келиб чиқади.

Мутахассислар томонидан Марказий Осиёдаги геосиёсий аҳвол маълум даражада минтақада юз бераётган институционал жараёнлар ва Афғонистондаги ҳолат билан боғланганлиги таъкидланади.

Гарб мамлакатлари ҳарбий контингентларининг Марказий Осиёда пайдо бўлиши, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартноманинг институтлаштирилиши ва унинг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартнома ташкилотига айлантирилиши, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ҳарбий-сиёсий омилнинг кучайтирилиши минтақада ижтимоий-иктисодий, ҳарбий-сиёсий барқарорликни кафолатлашга қаратилган, мураккаб тизимнинг шакллана бошлаганидан далолат беради⁶⁵.

Бугунги кунда Афғонистондаги ҳолат минтақавий таҳдидлардан

⁶⁴ Mani P. Central Asia: Pole of India // Asia Annual. 2003. Ed. By M. Singh. - New Delhi: Institute of Asian Studies, 2003. – Р. 84-96

⁶⁵ Эсенов М. Антитеррористическая кампания Запада в Афганистане и ее влияние на систему региональной безопасности в Центральной Азии // Российская Западная Сибирь и Центральная Азия: новая региональная идентичность, экономика, безопасность: Материалы международной научно-практической конференции. – Белокуриха, 2002. С.24-27.

бири сифатда сақланиб қолмокда. АҚШ ва уларнинг иттифоқдошлари томонидан Афғонистонда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар бу мамлакатда сиёсий тизимни ўзгартирган бўлса-да, унинг иктисадий ва ижтимоий ривожланишида бурилиш ясай олмагани ҳолда, наркобизнес соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этишда ҳам керакли натижаларга олиб келмади.

Ҳозирги пайтда жаҳон бўйича етиштирилаётган гиёхвандлик моддаларининг 90 фоиздан зиёд кисми Афғонистонга тўғри келади. Афғонистон худудида юзлаб маҳсус жиҳозланган лабораторияларда опиумнинг катта миқдори қайта ишланиб, героинга айлантирилмоқда. Қайта ишланган моддалар Россия, МДХ, давлатлари, Европа, Жануби-шаркий Осиё худудларига етказилиб берилмоқда. Афғонистон ҳукуматининг расмий маълумотларига қараганда, мамлакат наркобизнесдан тушаётган даромад мамлакат ялпи ички даромадининг 60-80 фоизига тўғри келади.⁶⁶

Ачинарлиси шундаки, бу “даромад”, бир томондан актив фаолият олиб бораётган Афғонистон ҳукуматига қарши гуруҳларга мадад бўлса, иккинчи томондан, “Ал-Қоида” раҳбарлиги остидаги глобал миқёсда қўпорувчилик ишларини амалга ошираётган ҳалқаро террорчи гуруҳларга янги имкониятлар бермоқда.

Мутахассислар томонидан Афғонистонда амалдаги ҳукумат ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳалқаро кучларга қарши ҳаракат олиб бораётган гуруҳлар фақатгина толиблар ва “Ал-Қоида” аъзоларидан ташкил топмаганлиги таъкидланади. Уларнинг қайд этишича, ҳарбий ҳаракатлар борган сайн диний ва миллий жиҳатлар касб этиб бормоқда. Фарбнинг ва Афғонистон ҳукуматининг иктисадий ночор ҳолатни ўзгартира олмаганлиги маҳаллий халқ ўртасида НАТО кучларига нисбатан салбий муносабат билан қарашига олиб келмоқда⁶⁷.

Умуман олганда, бугунги кунда Афғонистондаги вазият Марказий Осиё минтақаси хавфсизлик ва барқарорлиги ҳолатига жiddий равишда салбий таъсир этади. Афғонистондаги ҳолатни яхшилаш

⁶⁶ М.Панин. Афганским опиумным полям ничего не грозит? Почему США и их союзники не хотят бороться с наркобизнесом в Афганистане. – <http://www.pressuz.info/ru/content>

⁶⁷ Р.Махмудов. Центральная Азия как форпост макрорегиональной стабильности. Газета “Uzbekistan Today”. 22 декабр, 2006.

нафакат минтақавий хавфсизликни таъминлаш, балки Марказий Осиё мамлакатлари учун ушбу давлат орқали ўтиши мумкин бўлган ҳалқаро транспорт-коммуникация тизими лойиҳасини амалга ошириш имконини беради.

Бугунги кунда ҳалқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган геосиёсий, геоиктисодий жиҳатга эга бўлган таҳдидларидан ташқари, кўшни худудларда фаолият олиб бораётган террорчи гуруҳларнинг замонавий технологиялардан фойдаланишга ҳаракат қилаётганликлари ҳам жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.

Террорчи гуруҳларнинг ривожланган давлатларда ўрнашиб олган ҳолда фаолият олиб бориши ҳамда юқори технологияларни ўзлаштириб олишга бўлган интилишлари уларнинг ядрорий материаллардан ўз режаларини амалга ошириш учун фойдалана олишлари мумкинлигини кўрсатади.

Россия Федерацияси ва Америка Кўшма Штатлари ташаббуси доирасида ядрорий терроризмга қарши кураш “Глобал ташаббус”-га Ўзбекистон Республикасининг аъзо бўлиши, Республиканинг минтақавий ва ҳалқаро хавфсизликни таъминлашдаги салмоғини янада оширади ва Марказий Осиёда ядро куролидан ҳоли ҳудуд яратиш сиёсатини мантиқий давоми бўлиб хизмат киласди.

Геосиёсий ва геоиктисодий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг янги геосиёсий майдонга айланиши минтақа давлатларидан уларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қила оладиган ва илмий-технологик ҳамкорлик асосида шаклланган янги механизмларини яратишни талаб этади.

2.2. Маракзий Осиёда ядро куролидан ҳоли ҳудуд яратиш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш истиқболлари

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илм-фан ва технологияларнинг, хусусан, ядрорий технологияларнинг ривожланиши давлатларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши учун кенг имкониятларни вужудга келтириши билан бир қаторда, глобал ва минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликка ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсата бошлади. Илмий-технологик салоҳиятдан тинчлик йўлида фойдаланишнинг ижобий натижаларни билан бир-

га, унинг ҳарбий ва стратегик мақсадлар учун ишлатилиш оқибатлари инсоният учун ўта жиддий муаммоларни юзага келтирди. Ядрорий хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизмлари ни яратиш бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланди.

Ядрорий хавфсизликни таъминлашнинг меъёрий ва ҳуқуқий асосларини яратиш зарурияти сўнгги йилларда ядрорий куролга эга бўлган давлатлар сонининг ортиб бориши баробарида янада кучайди.

1998 йилнинг май ойида, Хиндистоннинг ядро куролига эга бўлганлиги ҳақидаги расмий баёнотидан кейин икки ҳафта ўтгач, Покистон томонидан ҳам ядрорий курол яратиш борасидаги си новларнинг бошлаб юборилиши БМТнинг ушбу муаммога бўлган кучли эътиборини жалб этди.

1998 йилнинг 9 майида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг баёнотида ҳар икки давлатнинг ядрорий технологиялардан ҳарбий мақсадларда фойдаланиши билан боғлиқ равишда олиб бораётган характеристларини қоралаб чиқди. Орадан бир ой ўтгач, шу йилнинг июнь ойида БМТ ХК Хиндистон ва Покистон томонидан ўзларнинг ядрорий дастурлари доирасидаги фаолиятини тўхтатиш ва синов ишларини давом эттираслик ҳамда бошқа давлатлардан бу мамлакатлар учун ўзларнинг “ядровий режалари”ни амалга оширишга ёрдам бериши мумкин бўлган технологиялар ва материалларни экспорт килмаслик талаби қўйилган маҳсус резолюцияни қабул қилинган эди⁶⁸.

Аммо, БМТ томонидан қабул қилинган резолюцияда кўрсатилган натижаларга эришилмади. Мутахассислар томонидан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясининг Хиндистон ва Покистон давлатлари томонидан тўла амалга оширилмаганлиги қайд этилиб, ҳужжат қабул қилингандан кейинги даврда унинг бажарилиши учун давомий назоратнинг етишмаганлиги таъкидланади⁶⁹.

БМТ ХКнинг Эрон давлати билан олиб борган музокаралари

⁶⁸ Документ ООН. S/RES/1172(1998)06/06/1998

⁶⁹ А.Калядин. ООН и принуждение к нераспространению ОМУ: опыт, возможности, перспективы. // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2007. – №4. – С. 4

натижалари ҳам ядрорий хавфсизликни таъминлаш борасидаги мавжуд механизмларнинг бугунги кунга хос бўлган ўта мураккаб муаммоларнинг бартараф этилиши учун етарли даражада мукаммал эмаслигини кўрсатмоқда.

БМТ ХКнинг глобал хавфсизликни таъминлаш борасида олиб борган тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда асосий эътибор Кенгаш томонидан қабул қилинган резолюцияларнинг самарали бажарилишини таъминловчи механизмларни яратишга қаратилиши зарур. Глобал хавфсизликни таъминлашнинг мукаммал механизмларини яратиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлиқнинг кучайтирилиши эса кўзда тутилган натижаларга эришиш учун етарли замин яратади.

Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, глобал хавфсизликни таъминлашда кўп томонлама амалий дипломатик муносабатлар алоҳида ўрин тутади.

БМТ ХК бугунги куннинг энг долзарб муаммоларини ечишда асосий масъулиятни ўз бўйнига олгани ҳолда, оммавий қирғин курроллари (ОҚҚ) тарқалишининг олдини олиш борасида БМТга аъзо давлатлар томонидан олиб борилаётган амалий ишларда ҳам мувофиқлаштириш (координацион) марказ вазифасини бажармоқда.

БМТ ХКнинг бундай роли ҳозирги вактда ОМҚ тарқалмаслиги талабларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган кўп томонлама дипломатиянинг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади⁷⁰. Ядрорий технологиялар тобора ривожланиб бораётган бир шароитда, глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда меъёрий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, шубҳасиз, алоҳида ўрин тутади.

Икки томонлама ва кўп томонлама қабул қилинган шартномаларни таҳлил этган ҳолда, ядрорий хавфсизликни таъминлаш механизмининг таянч нуқталарини кўришимиз мумкин.

1963 йили собиқ Совет Иттифоқи, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари томонидан “Ядро куролини атмосферада, коинотда ва сувостида синашини тақиқлаш тўғрисида”ги шартнома имзоланди.

⁷⁰ А.Калядин. ООН и принуждение к нераспространению ОМУ: опыт, возможности, перспективы. // Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2007. – №4. – С. 4

1968 йилда имзоланган ва икки йилдан кейин кучга кирган “Ядро қуролини тарқатмаслик түғрисида”ги шартнома (ЯҚТХШ) халқаро хавфсизликни таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Ядро қуролига эга бўлган қатор давлатлар бу шартномани имзолагач, улар ядро қуролини ва портловчи жиҳозларни бошқа давлатларга бермаслик, ядро қуролига эга бўлмаган давлатларда ядро қуроли ишлаб чиқишига ёки улар томонидан ядро қуролига эга бўлишига ёрдам бермаслик ва бошқа қатор масъулиятларни ўз зиммаларига олдилар.

1972 йилда “Ракетага қарши тизимларни чеклаш түғрисида”ги шартнома ва “Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш ҳақида вақтингчалик битим” каби ҳужжатлар имзоланди. Биринчи ҳужжатга асосан, АҚШ ва сабиқ Совет Иттифоқи давлатлари ўзларининг ҳудудларида шартномада кўрсатилмаган жойларда ракетага қарши тизимларни яратмаслик мажбуриятини олган эдилар.

Ядрорий қуролларнинг сабиқ Совет Иттифоқи ва АҚШда катта микдорда йиғилиб қолиши, нафақат бошқа давлатлар, балки ҳар иккала давлат раҳбарларини ҳам мавжуд муаммога жиддий эътибор қаратишга мажбур этди.

1987 йилда Москва ва Вашингтон ўргача ва кисқа масофага учадиган ракеталарни маълум даражада қисқартириш бўйича ўзаро келишувга эришдилар. Ушбу шартномага асосан, 1991 йилгача бўлган даврда сабиқ Иттифоқ томонидан 1846 та ракета ва 825 та теззатгич мосламалар, АҚШ томонидан эса 846 та ракета ва 318 та теззатгич мосламалар йўқ қилинди⁷¹.

Маълум танаффусдан сўнг, 1991 йилда АҚШ ва сабиқ Совет Иттифоқи томонидан оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган “Стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш түғрисида”ги биринчи шартнома (СҲҚҚ1) имзоланди. Шартномага мувофиқ Америка ва сабиқ Иттифоқ давлатларида жойлашган ядро каллакларининг учдан бир қисмидан ортиғи қисқартирилди⁷².

⁷¹ Г.К. Хромов, Ядерное оружие, ядерные пороговые страны, структурный и количественный состав их ядерных сил. /Материалы лекции в МФТИ. – www.armscontrol.ru/course/lectures04b/gkh040916.htm

⁷² Меморандум о Договоренности об установлении исходных данных в связи с Договором между США и СССР о сокращении стратегических насту-

Собиқ Иттифоқ мустақил давлатларга бўлиниб кетгач, унинг ядрорий арсенали Россия, Беларусь, Украина ва Қозоғистон давлатларида қолди. 1992 йилда Лиссабонда сабиқ Иттифоқнинг “ядрорий мероси”га эга бўлган ушбу давлатлар томонидан янги шартнома имзоланди. Шу билан бирга, шартномада кўрсатилган юридик талабларга кўра, асосий масъул давлат Россия Федерацияси бўлиши керак эди. Шу асосда 1993-94 йиллар мобайнида Беларусь, Украина ва Қозоғистон давлатларининг ядро қуроллари Россия давлатига ўтказилди.

Мутахассисларнинг баҳолашича, СҲҚҚ1 шартномаси ядро қуролини қисқартириш борасида олиб борилган энг самарали ҳаракатлардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Шартномага асосан, АҚШ ва РФ давлатларида жойлашган ядро каллаклари сони чегараланг бўлиб, ҳар бирида 6000 донадан ошмаслигига эришилди.

Кейинги йиллар мобайнида ҳам оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик ва уларни қисқартириш бўйича жиддий ҳаракатлар амалга оширилди. 1993 йили Вашингтон ва Москва томонидан “Стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш түғрисида”ги (СҲҚҚ2) иккинчи шартнома имзоланди. Ушбу шартномага кўра, АҚШ ва РФ ўзларининг ядро каллаклари сонини 3500 тагача камайтириш мажбуриятини олишлари керак эди⁷³. Шартнома 1996 йилда АҚШ Сенати томонидан ратификация қилинди. Аммо Россия Думаси томонидан ратификация қилиниш жараёнида қатор қўшимча шартлар кўйилди. Қўшимча шартлар томонларда мавжуд бўлган ядро қуроллари ва теззатгич блоклари мувозанатида катта фарқ мавжудлиги натижасида келиб чиқиши билан изоҳланди. Узок муддат давом этган музокараларга қарамай, Шартномага шартларининг бажарилишига эришилмади.

1996 йилнинг 24 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 50 сессиясида қабул қилинган “Ядрорий синовларни бутунлай тақиқлаш түғрисида”ги шартномани XX асрнинг сўнгти ўн йиллигига оммавий қирғин қуролларини кўпайишининг олдини олиш соҳаси-

пательных вооружений. – www.armscontrol.ru/start/rus/docs/start1

⁷³ Договор между РФ и США о дальнейшем сокращении и ограничении стратегических наступательных вооружений (СНВ-2). – www.armscontrol.ru/start/rus/docs/dogovor.htm

да эришилган мұхим ютуқлардан яна биттаси сифатыда баҳолаш мүмкін. Шартнома дүнёning 109 мамлакаты томонидан ратификация қилинди. Ядро қуролига эга бўлган Буюк Британия, Хитой, Россия ва Франция ҳам ана шу давлатлар жумласига киради. Шу билан бирга, Шартнома АҚШ, Эрон, Покистон ва Шимолий Корея давлатлари томонидан имзоланмаган.

Москва ва Вашингтон ўртасида оммавий қирғин қуролларини қисқартириш борасидаги ҳаракатлар кейинги йиллар мобайнида яна давом этди.

2003 йилда АҚШ ва РФ томонидан “Стратегик ҳужум тўғрисидаги шартнома” (СХТШ) имзоланди. Шартнома асосида бу давлатларда яровий калтаклар сонининг 3500 тадан 2000 тагача қисқартирилишига муваффак бўлинди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ядро қуролига эга бўлган давлатларда яровий қуролларнинг катта микдорда мавжудлиги, ўз навбатида, бошқа давлатларда ҳам ядро қуролига эга бўлиш хоҳишлигини ортиради. Массачусетс технология институти (MIT) нинг профессори Дж.Дейтч АҚШнинг ҳарбий технологиялар борасидаги сиёсатига баҳо берар экан, Вашингтон эга бўлган яровий арсеналнинг бошқа давлатлар сиёсатига таъсирини куйидаги ча изоҳлайди: яни, Дж.Дейтчнинг фикрича, Пентагоннинг оддий қуроллар бўйича юқори салоҳияти ҳисобга олинса, АҚШда мавжуд бўлган катта микдордаги яровий қуроллар ҳарбий мақсадлар учун ҳам, сиёсий мақсадлар учун ҳам зарур эмас⁷⁴.

Халқаро миқёсда ядро технологияларидан фойдаланишининг тинчлик йўлида ва ҳарбий мақсадларда ишлатилиши ўртасидаги чегарани кучайтириш ҳозирги вақтда халқаро муносабатларнинг энг мураккаб муаммоларидан бирига айланди. Бу муаммонинг ечими сифатида қатор мамлакатлар ўзларининг турли ҳаракат ва таклифлари билан чиқмоқдалар.

Жумладан, АҚШ ва Россия давлатларининг уранни қайта ишлаш бўйича халқаро марказларни ташкил этиш хусусидаги таклифларида ҳам ядро технологияларни ҳарбий мақсадларда ишлатишнинг олдини олиш асосий мезон сифатида таъкидланади.

⁷⁴ J. Deutch. A Nuclear Posture for Today. // Foreign Affairs – N.Y., 2005. – Januay/ February. – P.50

1950-йилларнинг ўрталарида дунёning турли минтақаларидан ядро қуролидан ҳоли худудлар (ЯҚҲҲ)ни яратиш бўйича илк қадамлар кўйила бошлади. Ҳозирги кунда Жанубий ва Лотин Америкалари, Тинч океанинг жанубий қисми, Африка ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаларида шундай худудлар мавжуд бўлиб, улар дунёning юздан ортиқ мамлакатларини ўз ичига олади.

ЯҚҲҲ яратиш тўғрисидаги хужжатни имзоловчи аъзо давлатлар ядро қуроли ва унинг таркибий қисмларини ишлаб чиқармаслик, бошқалардан олмаслик ва ўзларининг худудларида бундай қуролларни жойлаштираслик каби мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Шартноманинг баённома қисми эса, ўз навбатида, ядро қуролига эга бўлган «ядровий бешлик» – АҚШ, Англия, Франция, Россия ва Хитой давлатлари томонидан ҳам имзоланиб, улар учун аъзо давлатларга нисбатан ядро қуролидан фойдаланмаслик масъулиятини юклайди. Шартномани имзолаган аъзо давлатлар учун ядродан тинчлик йўлида фойдаланиш ҳуқуки сакланаб қолади.

Таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда шартномани баённома қисмининг тўла имзоланиши нисбатан узок муддатга чўзилиши кузатилади. Масалан, Лотин Америкасида ЯҚҲҲ яратиш шартномаси 1967 йилда имзоланган бўлса-да, Франция ва Хитой давлатлари ушбу шартномани 1973 йилда, собиқ Совет Иттифоқи эса 1978 йилда имзолашган. Худди шундай ҳолатни Тинч океанинг жанубий қисмida ЯҚҲҲни тузиш шартномасининг имзоланиши тарихида ҳам кузатиш мүмкин. Шартнома 1985 йилда аъзо давлатлар томонидан имзоланган бўлишига қарамай, унинг баённома қисмини собиқ Совет Иттифоқи 1986 йилда, Хитой 1987 йилда, гарбий «ядровий учлик» эса 1996 йилда имзолашиди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов 1993 йил 28 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг йиғилишида қилган маърузасида Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли худуд яратиш ташабуси билан чиқди. Ўзбекистон раҳбари томонидан Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг халқаро хавфсизликни ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги мұхим ўрни таъкидланди. Бу ташабус ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизликни таъмин-

лашнинг истиқболларини олдиндан баҳолаб, ўз вактида қилған мақсадли қадами эди.

Ўзбекистон раҳбарининг ташабуси қўллаб-кувватланиб, қатор йиллар мобайнида БМТ иштирокида кўп томонлама музокаралар олиб борилди. Женева, Ашхобод, Бишкек ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган эксперtlар учрашувларида Марказий Осиёда ЯКХХни яратиш тўғрисидаги шартнома ҳар томонлама таҳлил қилинди. 2005 йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган учрашувда Марказий Осиё давлатларининг мазкур шартнома бўйича умумий келишувига эришилди.

2006 йилнинг сентябрь ойида Семипалатинск шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари томонидан Марказий Осиёда ядро куролидан ҳоли худуд яратиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Марказий Осиёда ЯКХХни яратиш шартномаси жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-кувватланмоқда. «Ядрорий бешлик»дан Россия ва Хитой давлатлари шартноманинг баённома қисмига имзо қўйишга тайёр эканликларини билдиришди. Ядро куролига эга бўлган АҚШ, Франция ва Англия давлатлари билан шартнома борасида музокаралар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон раҳбариyтининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги сайд-харакатлари мустақилликнинг илк йилларида қабул қилинган «Ҳарбий доктрина»да ҳам ўз аксини топган. Доктринада Марказий Осиё худудида ядрорий ва оддий куролларнинг катта микдори йиғилиб қолганлиги, мазкур худудда ЯКХХни яратиш зарурлигини белгилаб берувчи муҳим сабаблардан бири эканлиги қайд этилади.

Шартноманинг имзоланиши Семипалатинск полигонида ядрорий синовларнинг тўхтатилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинганига 15 йил тўлиши билан бир мuddатга тўғри келиши эксперtlарнинг алоҳида эътиборини жалб этди. Собиқ Совет Иттифоқи даврида Семипалатинск полигонида қирқ йилдан ортиқ ваqt мобайнида ядро куролларининг синови ўтказилар эди.

Катта уран захираларига, шунингдек етарли илмий ва технологик салоҳиятга эга бўлган Марказий Осиё давлатлари томонидан ЯКХХни яратиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши алоҳи-

да аҳамият касб этади. Бу қўйилган қадам Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бу худудда жойлашган ҳар бир давлат учун устувор вазифалар қаторига киришини кўрсатади.

2006 йилнинг декабрь ойида БМТнинг Бош Ассамблеяси Марказий Осиё давлатлари номидан Ўзбекистон Республикаси делегацияси тақдим этган 66/88-сонли “Марказий Осиёда ядро куролидан ҳоли худуд яратиш” тўғрисидаги резолюцияни овоз бериш йўли билан тасдиқлади. Бу ҳужжатни 141 та давлат қўллаб-кувватлади. Улар қаторида Россия, Хитой, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Молдова, Украина, Австрия, Ирландия, Лихтенштейн, Мальта, Кипр, Швеция, Швейцария ҳамда Лотин Америкаси, Караб ҳавзасининг қатор давлатлари, Осиё ва Африка қитъаларининг кўплаб давлатлари бор эди.

БМТ Бош Ассамблеяси Марказий Осиёда ЯКХХни яратиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланишини минтақавий ва ҳалқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги катта аҳамиятга молик қадам деб баҳолади.

БМТда қабул қилинган резолюцияда қайд этилганидек, Марказий Осиё давлатлари томонидан ихтиёрий равишда минтақада ядро куролидан ҳоли худуд яратилиши ядрорий курол тарқатилмаслик режимини мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади. Бу шартнома ядро энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш ва радиоактив чиқиндилар натижасида зарап кўрган худудларнинг экологик ҳолатини тиклаш ҳамда минтақавий ва ҳалқаро хавфсизликни мустаҳкамлашни қўллаб-кувватлади.

2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда террорчиларнинг амалга оширган қўпорувчилик ҳаракатларидан сўнг жаҳон жамоатчилиги ҳалқаро террорчи гурухларга карши курашга алоҳида эътибор бердилар. Мутахассисларнинг фикрича, бу йўналишда кенг миқёсдаги таҳдидларнинг олдини олиш борасидаги асосий шартларидан бири оммавий қирғин қуролларининг, хусусан, ядро куролларининг террорчилар кўлига тушиб қолишининг олдини олишdir. Шу нуқтai назардан, Марказий Осиёда ЯКХХни яратилиши ушбу шартнинг бажарилишини таъминлашга, шаксиз, муносиб ҳисса кўшади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 61/88-сонли резолюциясида Мар-

казий Осиёда ЯҚХХнинг яратилиши халқаро терроризмга қарши ҳамкорлик ва ядровий материалларнинг нодавлат субъектлари, биринчи навбатда террорчилар қўлига тушишининг олдини олиш мақсадига хизмат қилишга қаратилган самарали ҳиссадир.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мінтақавий ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги қатъият билан олиб борган сиёсалари, ўз навбатида, халқаро ҳавфсизликни таъминлаш учун катта замин яратади. Қатор давлатларнинг ядро дастурлари агрофида турли тортишувлар давом этаётган бир пайтда, Марказий Осиёда ЯҚХХни яратиш бўйича шартноманинг имзоланиши алоҳида эътиборга лойиқдир.

Мустақиллик йилларида Марказий Осиё давлатлари орттирган тажрибалар ҳудуд мамлакатларининг ривожланиши борасида уларнинг ўз йўлларига эга бўлиши билан бирга, кўплаб муаммоларни биргаликда ечишлиари зарур эканлигини ҳам кўрсатди.

Бошқача қилиб айтганда, дунёда илм-фаннинг ривожланиши, юқори технологияларнинг юзага келиши ва глобаллашув жараёнининг сезиларли даражада инсоният ҳаётига таъсири натижасида туғилган янги муаммолар битта ҳудудда жойлашган давлатларнинг яқиндан ҳамкорлик қилишлари кераклигини исботлади. Шуни қайд этиш лозимки, кўшни давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон Республикаси ташки сиёsatининг устувор йўналишлари қаторига киради.

2006 йилнинг сентябрь ойида Марказий Осиё давлатлари томонидан имзоланган мазкур ҳудудда ЯҚХХни яратиш тўғрисидаги шартномани ушбу ҳудуд мамлакатлари раҳбарларининг мінтақавий ва халқаро ҳавфсизликни таъминлаш йўлида яқдиллик билан қилган ҳаракатларининг маҳсулни деб баҳолаш мумкин.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг ўз манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ядровий технологиялар соҳасида ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик қилиш борасида улардан халқаро ҳавфсизликни таъминлашнинг устувор талабларини ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатиш талаб этилади.

Атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш – дунёнинг кўплаб мамлакатларида энергетика ресурсларига бўлган талабнинг ортиб бориши, газ ва нефть захираларининг чекланганлиги

ҳамда экологик тоза энергия ишлаб чиқариш технологияларининг етарли даражада ривожланмаганлиги шароитида деярли кўплаб мамлакатлар учун устувор йўналишлардан бирига айланди. Марказий Осиё мінтақаси ҳудудининг бой уран захираларига эгалиги ва мінтақа мамлакатларида ядро технологиялари соҳасида мавжуд илмий-техникавий салоҳиятнинг етарли даражада эканлиги ядровий технологиялардан тинчлик йўлида фойдаланишга бўлган эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ядровий технологияларнинг Марказий Осиё мамлакатларида тинчлик мақсадларида ривожланиши, ўз навбатида, мінтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига замин яратибина қолмай, балки унинг энергетик ҳавфсизлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса кўшади. Халқаро ҳамкорлик асосида замонавий технологиялардан ҳарбий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олишни етарли даражада таъминлай оладиган самарали механизmlарнинг ишлаб чиқилиши эса глобал ва мінтақавий ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида мавжуд бўлган долзарб муаммоларни бартараф этиш учун мустаҳкам замин яратади.

Марказий Осиё мінтақасида ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш бўйича шартнома 2014 йил 6 май куни ядро қуролига эга бўлган Farb давлатлари томонидан Шартномага ҳавфсизлик Протоколи имзоланди ва бу давлатларнинг Сенатларида ушбу хужжат ратификация қилингандан кейин ўз кучига эга бўлади.

2.3. Экологик муаммоларни мінтақавий илмий-техник ҳамкорлик асосида бартараф этиш

Марказий Осиё мінтақавий ҳавфсизлиги ва барқарорлиги учун мавжуд салоҳиятли таҳдидлар ва чақирикларни баратараф этишда табиий ва техноген характерга эга бўлган таҳдидларни олдини олишга алоҳида эътибор берилиши тақозо этилади.

Шу билан бирга, мінтақа ҳудуди доирасида экологик характерга эга бўлган таҳдидлар ва чақириклар сонининг катталиги, уларнинг мураккаблик даражасининг юқорилиги ва уларнинг бошқа омиллар билан боғлиқлиги бу соҳадаги муаммоларни баратараф этишда бугунги куннинг ривожланган фан ва технологоло-

гияларидан самарали фойдаланган ҳолда фаолият олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доиралардан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади⁷⁵.

Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналардан бири вужудга келганини қайд этади.

Экологик вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидаги на эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир⁷⁶.

Гарчи, Ўзбекистонда экологик муаммолар 60-йиллардан бошлаб кўзга ташланган бўлса-да, аммо унинг салбий оқибатлари 80-йилларга келиб иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида яққол кўрина бошлади. Мустамлака сиёsat амалга ошиб, табиий имкониятлардан норационал фойдаланиш натижасида мамлакат, миллат тақдири ва истиқболи учун заарли бўлган оқибатлар юзага келди. Янги ерларни ўзлаштириш, пахта якка ҳокимлиги, саноатни пахтчиликка мослаштирилиши катта иқтисодий, ижтимоий қийинчиликларга олиб келди. Орол денгизининг қуриши олдини олиш мумкин бўлмаган жараёнга айланди. Бутун мамлакат миқёсида Ўзбекистон саноатига билдирилган фикрлар асосан пахтчилик саноатига хизмат килувчи соҳаларни ривожлантириш билан ҳамоҳанг эди. Буларнинг ичida энг устувор ахамият касб этгани кимё саноати ҳисобланиб, индустряниң қудратли соҳаси бўлиб ривожланди⁷⁷.

⁷⁵ I.A.Karimov, O'zbekiston XXI Asr bo'sag'asida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. Toshkent: O'zbekiston, 2003. - 101 b.

⁷⁶ Karimov I.A. O'zbekiston XXI Asr bo'sag'asida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. Toshkent: O'zbekiston, 2003. - 104 b.

⁷⁷ Ахмедова А.Т. Ўзбекистон саноати ривожланиши тарихидан // Общественные науки в Узбекистана. – Ташкент, 2002. - №1. - 19 с.

Шу билан бирга мутахассислар Марказий Осиё минтақасининг табиий ва техноген характерга эга бўлган жараёнлар фаол юз берадиган худудда жойлашганлигига эътибор қаратишади.

Марказий Осиё худуди хавфли табиий жараёнлар ва ҳодисалар кенг доирасининг таъсири остида қолиб, уларнинг орасида энг катта хавф туғдирувчилари – зилзилалар, сел оқимлари ва ер кўчиши ҳисобланади. Чорвок, Андижон (Ўзбекистон), Тўхтагул (Кирғизистон), Қайроқум (Тожикистон), Каттақўрғон, Жанубий Сурхон сув омборлари тўғонларининг шикастланиш эҳтимоли айниса хавтирили вазиятларни вужудга келтириши ва бунинг оқибатида минтақада сув босиши худудлари пайдо бўлиши мумкин. Тожикистон тоғларида Усой ўюми натижасида юзага келган Сарез кўли айниса хавфли ҳисобланади. Агар бу ўюм тўсиги ёриб ўтилса Бартоғ, Панж ва Амударё дарёлари водийларида ҳалокатли тошқинлар юзага келиши мумкин⁷⁸.

Табиий жараёнлар билан бирга, инсон томонидан амалга оширилган фаолиятнинг салбий натижалари ҳамоҳангликда вазиятни янада кескинлаштириши мумкинлигини Марказий Осиё худудида собиқ Итифок вақтида тўпланиб қолган радиоактив чиқиндиларнинг атроф-муҳитга солаётган салбий таъсирида яққол кўриши мумкин.

Радиоактив чиқиндиларнинг катта ҳажмидан иборат “омборлар” Фагона водийсида, хусусан Кирғизистоннинг Жалолобод ва Тожикистоннинг Сўғд вилоятларида ҳамда Ўзбекистоннинг Тошкент ва Навоий вилоятларида жойлашган. Мойлисув (Кирғизистон) дарёсининг кирғоклари ёқасида 1944 йилдан 1964 йилгача уран рудасини қайта ишлаш чиқиндилари кўмилган. Ҳозирги вақтда қолдиқлар сақланадиган 23 та жой мавжуд. Бу ерларда селни тўсадиган тўғонлар ҳамда кўчки хавфи бўлган жойлардаги қияликларни мустаҳкамлигини таъминлаш лозим. Навоий вилоятидаги қолдиқлар сақланадиган жой ҳам экологик жиҳатдан хавфли ифлосланиш ўчиги ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив қумни шамол учирини хавфи бор⁷⁹.

⁷⁸ Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишининг ҳолати тўғрисида. Миллий маъруза. – <http://www.uznature.uz/documents/01.pdf>

⁷⁹ Karimov I.A. O'zbekiston XXI Asr bo'sag'asida: Xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. T.: O'zbekiston, 2003. - 109 b.

Марказий Осиё минтақасида катта микдордаги радиоактив чиқиндиларнинг тектоник ва сейсмик фаол бўлган тоғли туманларда жойлашганилиги ҳамда уларнинг бошқа табиий жараёнлар таъсири доирасида (хусусан сел оқими, ер кўчиши ва ҳ.к.) туриши уларнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган талофатлар даражасини кескин оширади.

Бу борада эксперталар томонидан кўплаб тадқиқотлар ўтказилиб, яқин ва узоқ муддатли башоратлар қилинган. Фарғона водийсида жойлашган радиоактив чиқиндилар кўмилган “қабрларининг” асосий қисми сел келиш эҳтимоли катта бўлган хавфли жойларда жойлашган бўлиб, радиоактив чиқиндиларининг Сирдарёга келиб тушиши ва сув орқали бутун минтақага тарқалиб кетиши хавфини келтириб чиқарди. Мойлисув радиоактив чиқиндилари сел келиши натижасида катта талофат етказиши мумкин бўлган худудларда 4 миллион атрофида одам истиқомат қиласди. Жумладан, Қирғизистонга тегишли хавфли ҳудудда 26 минг, Ўзбекистонга тегишли ҳудудида 2,5 миллион, Тожикистон қисмida 700 минг ва Қозғистонга тегишли майдонларда 900 мингдан ортиқ одам истиқомат қиласди⁸⁰.

Тожикистон Республикаси ҳудудида 3000 метрга яқин баландликда жойлашган Сарез кўлини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги вақтда табиий тўғон бузилиши эҳтимоли хавф туғдирмоқда, чунки сувнинг бутун массаси 3000 метрдан пастда жойлашган аҳоли пунктларини босади. Бу тошқиннинг оқибатлари ҳам аҳоли учун, ҳам ўзлаштирилган ерлар учун аянчли бўлади⁸¹.

Агар Усой тўғони ҳудудида ўпирилиш содир бўлса, у Бартог, Амударё, Панж дарёлари бўйлаб кенг кўламли тошқинга олиб келади ва Орол денгизи қирғокларигача етиб боради. Бунда Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг 69 минг km^2 га яқин майдони сув остида қолади. Шуни эслатиб ўтиш керакки, бу қудулла 5 млн га яқин киши истиқомат қиласди⁸².

⁸⁰ Ферганской долине угрожает радиация. — www.vesti.ru/news.html?id=16829

⁸¹ Ученые предупреждают: Центральная Азия на пороге природной катастрофы. http://www.varorud.org/index.php?option=com_content&task=view&id=5487&Itemid=10

⁸² Асроров А. Сарез: дамоклов меч во спасение. — <http://www.gazeta.kz/art.asp?aid=93365>

Бугунги кунда радиоактив чиқиндилар йигилиб қолиши натижасида вужудга келган табиий ва техноген характерга эга бўлган таҳдидларни олдини олиш борасида қатор ҳалқаро фондлар ва комиссиялар фаолият юритаётган бўлишига қарамасдан ажратилаётган моддий ресурслар микдори олдинга қўйилган вазифаларни тұла-тўқис бажариш имкониятини бермаяпди.

Марказий Осиё минтақасининг экологик ҳавфсизлик ҳолати учун мавжуд бўлган табиий ва техноген характердаги таҳдидларнинг олдини олиш ва чақириқларни бартараф этишда юқори технологиялар, хусусан аҳборот-коммуникацион ҳамда коинот технологияларидан фойдаланишга алоҳида ётибор қаратилиши лозим. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг аксарият қисмida ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида экологик ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида мониторинг ўтказиш, маълумотлар тўпламиши шакллантириш ҳамда йиғилган маълумотларни қайта ишлаш асосида олдиндан башорат қилиш ва огоҳлантириш тизимларини яратиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларидағи мавжуд илмий-техник ва технологик салоҳият техноген ва табиий характерга эга бўлган таҳдидларни олдиндан аниқлаш ва огоҳлантиришни йўлга қўйиш имконини беради.

Экологик характерга эга бўлган таҳдидлар ва чақириқларни олдини олишда, минтақада сув ресурсларидан рационал фойдаланишни йўлга қўйиш ва гидроэнергетикани ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни минтақа давлатлари учун салбий оқибатларни кетириб чиқариши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Эксперталар томонидан Марказий Осиёда XXI асрда сув манбаларининг чекланганилиги сабабли вазиятнинг кескинлашиши мумкинлиги таъкидланади. Марказий Осиё гидрографик тармоғи сув манбалари нотекис тақсимланишга эга. Сирдарё дарёси ўзани бўйича кўп йиллик ўртacha дарё оқими йилига 37,9 км. куб ҳажмни ташкил этади. Шу билан бирга кўп йиллар давомида ўртacha Қирғизистонда йилига 28,0 км.куб (73,8 фоиз), Ўзбекистонда 5,59 км.куб (14,8 фоиз) ва Қозғистонда 4,08 км.куб (10,8 фоиз) дарё ресурслари шаклланади. Амударё бассейни бўйича кўп йил-

лик ресурслар 78 км.кубдан ортиқни ташкил этади, улардан 62,9 км.куб (80 фоиз) Тожикистон ҳудудида шаклланади, Ўзбекистонда эса 4,7 км.куб (6 фоиз) қисми таркиб топади⁸³.

Бу борада таъкидлаш жоизки, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларининг гидроэнергетикани ривожлантириш бўйича амалга ошираётган лойиҳалари натижасида бошқа давлатлар учун салбий оқибатларнинг юзага келмаслигини таъминлаш зарурияти миңтақа давлатларидан бу масала бўйича тизимли ёндошув ва ўзаро ҳамкорлик асосида иш олиб боришни тақозо этади.

2007 йилнинг 19 июнида Қирғизистон Республикаси Парламенти Тўхтагул ГЭС каскади мақоми тўғрисидаги қонунга ўзгартириш кириши тўғрисидаги қонунни қўллаб-қувватлади. Бу қонун қабул қилингач, Қамбарата-1 ва Қамбарата-2 гидроэлектростанцияларни хусусийлаштирилиши ман этилган обьектлар қаторидан чиқарилади.

Бишкек Қамбарата гидроэлектростанцияларини куриб тугаллаш ва ишга туширишни мамлакатнинг кўшни давлатларга электр энергияси экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан Қирғизистонга қаттиқ валюта кириб келиши ҳажмини оширишга эришишнинг асосий имконияти сифатида қаралмоқда.

Тожикистон ҳукумати гидроэнергетика секторини ривожлантиришни мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволини яхшилашнинг самарали имконияти сифатида қарашади. Тожикистонда гидроэнергетикани ривожлантириш стратегияси мамлакатнинг янги гидроэлектростанциялар қуриш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган узок ва қисқа муддатли дастурлари доирасида амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё минтақасида сув ва энергетика ресурсларининг давлатлар ўртасидаги тақсимланиши муаммоларини бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифалари қаторидан жой олди. Бундай шароитда замонавий технологиялар ютуқлари асосида минтақа мамлакатларининг энергетикага бўлган эҳтиёжини қондиришнинг муқобил асосларини ишлаб чиқиши лозим.

⁸³ Ўзбекистон Республикасида экологик сиёсат. Миллий маъруза. Ўзбекистон Республикасида атроф табиии муҳит муҳофазаси ва табиии ресурслардан фойдаланишининг ҳолати тўғрисида. Миллий маъруза – <http://www.uznature.uz/documents/01.pdf>

2012 йилнинг 10 сенябррида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Таъкидлаш жоизки Концепциясида трансчегаравий дарёлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу масалада ҳалқаро экспертлар сейсмик, экологик ва иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзларининг холисона баҳо беришлири асосидагина лойиҳалар амалга оширилиши бўйича қарор қабул қилиниши лозимлиги таъкидланади.

Иккинчи бўлим бўйича хуносалар

Марказий Осиёнинг геосиёсий нуқтаи назардан катта аҳамиятга эгалиги ва ўрни билан бирга минтақадаги катта миқдордаги табиии бойликларга, хусусан, углеводород захираларига эга бўлиши ташки кучларни ўзига жалб этишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Минтақа мамлакатларининг ташки кучлар таъсири орбитасига тушиб қолмаслигини таъминлаш уларнинг бутунги кундаги устувор вазифалари қаторидан жой олди. Бундай шароитда Марказий Осиё давлатларида замонавий фан ва технологияларнинг ривожланиши, уларнинг хом ашё манбаи сифатида қаралётган мамлакатлар қаторидан ривожланган мамлакатлар доирасига ўтиш имконини беради.

Шу билан бирга:

- Минтақа доирасида илмий-технологик салоҳиятнинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларни бартараф этиш учун мустаҳкам замин яратади. Бу борада алоҳида таъкидлаш жоизки, табиии энергия захиралари миқдори чегараланган бир шароитда, жаҳонда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва энергетика ресурсларига бўлган талабнинг узулуксиз равишда ўсиб бориши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатларнинг энергетик хавфсизлигини таъминлашни энергия ишлаб чиқишининг янги усусларини яратиш асосида амалга ошириши тақозо этади. Марказий Осиё минтақаси ҳудудининг бой уран захираларига эгалиги ва минтақа мамлакатларида ядро технологиялари соҳасида мавжуд илмий-техникавий салоҳиятнинг етарли даражада эканлиги ядеровий технологиялардан тинчлик йўлида

фойдаланишга бўлган эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқлигини яна бир бор тасдиқлади.

• Марказий Осиё ҳудуди доирасида экологик характерга эга бўлган таҳдидларнинг етарли даражада мураккаб характерга эга эканлиги, минтақада экологик хавфсизликни таъминлашда ҳудуд мамлакатларининг илмий-технologик салоҳиятидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

• Бугунги кунда инсоният олдида турган ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда мавжуд бўлган муаммолардан ташқари, глобал характерга эга бўлган таҳдидларни бартараф этилиши зарурияти ҳам давлатлардан илмий-технologик соҳалардаги кўптомонлама ҳамкорликни кучайтиришни тақозо этади. Глобал масштабдаги экологик муаммолар, хусусан Ер атмосферасида ўртacha ҳароратнинг кўтарилиши натижасида юзага келаётган муаммолар, ер ва сув захираларининг деградация жараёнлари натижасида сифатининг бузилиши, озон қатламининг сийраклашуви натижасида туғилаётган янги таҳдидлар ҳам кўп томонлама илмий-техникавий ҳамкорликни олиб боришини талаб этади.

Ш-БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ

3.1. Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигининг меъёрий ва ҳуқуқий асослари

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) билан жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўзларининг бугунги куни ва келажагини чамбарчас боғлайдилар. Давлатларнинг БМТга бўлган умидининг кучлилиги жойларда қуролли тўқнашувларнинг авж олиши, гиёҳвандлик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний тарқалишининг кучайиши, ҳалқаро терроризм ва диний экстремизм кенг тарқалиши каби замонавий ноанъянавий таҳдидларнинг кучайиши билан изоҳланади⁸⁴.

Мустақиллик йилларида, Ўзбекистоннинг БМТ билан глобал ва минтақавий хавфсизлик муаммоларини бартараф этиш, иқтисодий ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлиги сезиларли даражада кенгайиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши ушбу ташкилот билан муносабатларини барқарор ривожланишига мустаҳкам замин яратди. Мамлакат 1992 йил 2 марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқи аъзоси бўлган бўлса, орадан бир йил ўтгач, 1993 йил 24 августда Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўргасида ташкилотнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилот (ЮНЕСКО), Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Тараккиёт дастури ва бошқа қатор органлари фаолияти доираларида самарали ҳамкорлик олиб борилди. Бу борада таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг БМТ билан муносабатларида замонавий технологияларидан, хусу-

⁸⁴ Исаева А. Новый Генсек ООН приведен к присяге. Газета Uzbekistan Today. 22 декабря 2006г.

сан ядро технологияларидан тинчлик йўлда фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистоннинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган 1540 сонли оммавий қирғин қуроллари ва уларни яратишга хизмат қилиувчи замонавай технологияларнинг террорчи гурухлар кўлига тушишини олдини олиш тўғрисидаги резолюциянинг бажарилишини таъминлашдаги сайд-харакатлари бунга якъол мисол бўла олади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорини амалга ошириш доирасида 2004 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядро Физикаси Институти реакторидан ишлатилмаган ядро элементлари Россия давлатига чиқазиб юборилди.

Оммавий қирғин қуролларини (ОҚҚ) яратишни тақиқлаш ва уларни тарқатмаслик бўйича ҳалқаро шартномаларнинг давлатлар томонидан ўз вақтида ва тўла бажарилишини таъминлаш глобал ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири хисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташкилотнинг кўп томонлама механизмлари самарадорлигини мустаҳкамлаш учун муносабат билан тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномага, кимёвий ва бактериологик қурол бўйича конвенцияларга қўшилишга, шунингдек МАГАТЭнинг кенгқамровли кафолатлари тўғрисидаги тегишли битимларни имзолашга чақиради.

Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро ташкилотлар билан ядроий ва радиоактив материалларни хисобга олиш, сақлаш, экспорт ҳамда импорт қилишни назорат қилиш борасида ҳамкорликни йўлга қўйишига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

1994 йилнинг 8 октябрида Ўзбекистон томони “Ядроий қуроллар ва материалларни тарқатмаслик тўғрисида Шартнома”га асосан МАГАТЭ билан қўшма Келишувни имзолади.

1997 йилнинг 17 декабрида эса Ўзбекистон ҳукумати Келишувга Қўшимча протоколни имзолаб, мамлакатда ядроий технологиялар борасида фаолият олиб бориш бўйича назоратни кучайтиришга замин яратди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан муносабатларида Марказий Осиё минтақавий хавсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг усту-

вор вазифаларидан бири бўлган “афғон муаммоси”га катта эътибор қаратилади. Афғонистондаги вазиятнинг тезроқ барқарорлашиши учун ҳаракат қўлган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг тегишли тузилмалари ва бошқа ҳалқаро ташкилотларга бу мамлакатни тиклашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

“Афғон мавзуси” Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг чет эл давлат раҳбарлари ва ҳалқаро ташкилот етакчилари билан учрашув ва музокараларининг кун тартибидаги асосий мавзулардан бири бўлиб келмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 48 – сессиясида Ўзбекистон раҳбари Тошкентда минтақавий хавфсизлик бўйича биринчи семинар-кенгаши ўтказишни таклиф қилган бўлса, унинг 50 – юбилей сессиясида эса Афғонистонга курол етказиб беришга эмбарго киритиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур муаммо бўйича Ўзбекистоннинг қатъий ва принципиал позицияси туфайли, ҳалқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонга бўлган эътибори сезиларли даражада ортди.

Ўзбекистон БМТ хомийлиги остида Афғонистон бўйича ”6+2” гурухини тузиш ташаббускори бўлди. Бу гуруҳ таркиби Афғонистонга чегарадош бўлган мамлакатлар, айнан, Ўзбекистон, Туркманистон, Тоҷикистон, Эрон, Покистон ва Хитой, шунингдек Россия ва АҚШ кирди. Республика ташаббуси билан 1999 йилнинг июнида Тошкентда ”6+2” гурухнинг конференцияси бўлиб ўтди, унда гурухнинг аъзо-мамлакатларининг бу мамлакатда тинчликни ўрнатиши муаммоларига ёндашишларини белгилаган, “Афғонистонда низони тинч йўл билан ҳал этишининг асосий тамойиллари бўйича Тошкент Декларацияси” қабул қилинди. Бу борада таъкидлаш жоизки, Декларациянинг БМТ томонидан Афғонистонда тартиб ўрнатиши борасидаги расмий ҳужжат сифатида қабул қилиниши, унинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинганлигини кўрсатади.

Тошкентда бўлиб ўтган ”6+2” форматдаги учрашув натижаларини ривожлантирган ҳолда, Ўзбекистон раҳбарияти куйидаги ташаббусларни илгари сурди:

- 1) Афғонистонда кенг ваколатли ҳукуматни шакллантириш ва низоларни ҳал қилиш мақсадида, Европа Иттифоки ва Афғонистондан ташқаридаги, урушда қатнашмаётган турли афғон тарафдорлари (Рим гурухи, Кипр гурухи, франкофон давлатлар гурухи)

вакиллари билан бирга “6+2” гурух қошида Мувофиқлаштирувчи орган ташкил қилиш;

2) Афғонистонда тинчликни тиклаш бўйича Тошкент декларацияси ҳолатларини амалга оширишга қаратилган, “6+2” гурухининг бундан кейинги ҳаракатлари режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида, Афғонистон бўйича сиёсий департаментлар раҳбарларининг консультацияларини ўтказиш.

Афғонистонда тинч йўл билан тартиб ўрнатиш масалалари бўйича Ўзбекистоннинг принципиал ва изчил позицияси қўйидаги шартлар асосида таърифланди:

- ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш;
- муаммони фақат сиёсий воситалар билан, балки барча мавжуд сиёсий, диний, мінтақавий ва этник гурухлар иштирокида тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш;
- ОИК иштирокида БМТ ҳомийлиги остида музокара жараёнини ўтказиш;
- Афғонистон худудининг бутлигини таъминлаш;
- Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик;
- Низолар зонасига қурол етказиб беришга эмбарго киритиш.

Ўзбекистон Афғонистоннинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари қаторида, афғон иқтисодиётидаги таркибий қайта ўзгартиришларга йўналтирилган лойиҳаларга, мамлакат аҳолисининг барча қатламларини тинчлик жараёнига кенг жалб этишга кўпроқ эътибор қартиши лозимлигини таъкидлайди ва бу жараёнларда фаол иштирок этган ҳолда ўзининг чақириқларига амал қилиб келмоқда. Ўзбекистон “эмлаш дипломатияси” ресурсларидан максимал фойдаланиш тарафдори бўлиб, уни ўз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб, фаол иш олиб бормоқда.

БМТнинг биринчи даражали вазифаларидан бири ҳалқаро тероризмга қарши кураш ҳисобланади. Ўзбекистон, “терроризм”-нинг равшан ва келишилган тушунчасига асосланган, кенг қамровли аксилтеррор конвенцияни тузишни қўллаб чиқкан эди.

Ҳалқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон ҳалқаро ҳамжамияти олдида турган асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фарқ фақат шундаки, эндиликда “совуқ уруш” асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик ва барқарор-

ликка таҳдид солувчи куч сифатида ҳалқаро террорчилик жаҳон саҳнасига чиқмоқда⁸⁵.

БМТ ҳалқаро тероризмга қарши кураш бўйича мавжуд 11 та конвенция қаторига 2006 йилнинг сентябрь ойида бу соҳадаги замонавий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган янги конвенцияни қабул қилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон БМТнинг тероризмга қарши курашга қаратилган конвенция ва баённомаларини амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Бугунги кунда глобал тероризмга қарши кураш борасида инсоният дуч келаётган муаммоларни бартараф этишда энг йирик ҳалқаро тузилма – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. БМТ низомида ушбу ташкилотнинг миллатлар ва давлатлар ҳаракатларини мувофиқлаштириш маркази сифатида қаралиши унинг бошчилигига ҳалқаро тероризмга қарши курашни самарали механизmlарини яратишдаги муҳим ўрнини белгилайди⁸⁶.

БМТ XКнинг 2001 йилдаги 1373-резолюциясига биноан, Контртеррор қўмитасини тузишни ҳам фаол қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон, барча мамлакатлар, БМТ томонидан ўтказилаётган, олий даражадаги учрашувлар ва конференциялар қарорларига мувофиқ ўз зиммаларига юкланган мажбуриятларга, жумладан Мингйиллик Декларациясида эълон қилинган мақсадларнинг бажарилишига, изчил равишда риоя қилишлари зарур, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон БМТнинг 1961, 1971 ва 1998 йилларда қабул қилинган, гиёҳванлик воситалари ва психотроп моддаларнинг норасмий айланишини олдини олишга қаратилган конвенцияларида ҳам аъзо давлат сифатида фаол иштирок этиб келмоқда. Бугунги куннинг долзарб муаммосига айланган наркографик ва наркобизнесни олдини олиш мақсадида Республика ички ишлари ва маҳсус тизимлари иштирокида узлуксиз тарзда амалий тадбирлар олиб борилмоқда.

⁸⁵ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001.-Б.105.

⁸⁶ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми ва Ҳалқаро суд Статути.-Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002- Б.15.

Халқаро мажбуриятларни самарали бажариш мақсадида Республикада маҳсус давлат комиссиясининг қарори асосида 2002-2005 йилларга мўлжалланган “Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларни истеъмолига қарши ҳаракатлар” дастури қабул қилинди ва амалга оширилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги доирасида халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг бошқа долзарб муаммоларни барагараф этиш борасида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон глобал тараққиёт муаммоларини бартараф этишда БМТнинг роли кучайишини, унинг қашшоқликни барагараф этиш, юқумли касалликларни тарқалишини олдини олиш ва долзарб экологик муаммоларни ҳал этишдаги аҳамиятини кучайтириши ёқлашиб чиқади.

Ўзбекистон БМТнинг глобал экологик муаммоларни ечишга қаратилган, ер майдонларининг чўлланишига қарши кураш Конвенцияси, биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция, давлатларининг Йоханнесбургда имзолаган, биолик хилма-хилликни йўқолишини 2010 йилгача бўлган даврда сезиларли даражада камайтиришга эришиш Шартномаси, Киото протоколида ўз аксими топган “иссиқхона газларини” чиқаришни олдини олиш, ривожланётган мамлакатлрга индустрисал тараққиётга эришган давлатлар томонидан замонавий технологияларни берилишини амалга ошириш каби меъёрий хужжатларни бажаришда фаол иштирок этмоқда.

1993 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясида Марказий Осиё минтақасининг ядрорий қуролдан ҳоли худуд деб эълон қилиш таклифи билан чиқди. Ўзбекистон ўзининг ташаббусига амал қилгани ҳолда, кейинги йиллар мобайнида БМТ ва МАГАТЭ билан яқиндан ҳамкорлик олиб борди. У ўзининг ташаббусини минтақавий хавфсизлигини халқаро хавфсизлик билан узвий боғлиқлиги асосида асослаган ҳолда амалий татбиқ этилишини таклиф қилди⁸⁷.

Ўзбекистон Республикиси биринчи Президенти И.А.Каримов БМТ минбаридан дунёда хавфсизлик ва барқарорликни, терро-

ризм, диний экстремизм, наркотиклар ва қурол-яроғлар контрабандасига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистон раҳбари дунё ҳамжамияти дикқатини Афғонистон ва Оролбўйи муаммоларига қаратди.

Марказий Осиё ҳудудида транзит худуд сифатида муҳим геосиёсий ўринга эга бўлган Ўзбекистон Республикасида ядрорий материаллар экспорти назоратини олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Техника ва технологиялар ривожи, давлат сиёсати ва халқаро муносабатларнинг ўзгариши билан назорат рўйхатининг доимий янгиланиб туриши талаб этилади. Ўзгаришлар экспорт назоратининг турли режимларидаги аъзо мамлакатлар томонидан киритилди. Доимий равища ўзгариб турувчи сиёсий жараёнларга мос келиш учун зудлик билан кўп томонлама битим тузиш, баъзи бир турдаги номланишларни бир томонлама назорат қилиш, назорат рўйхатларини ўзгартириш имконини берувчи эгилувчан экспорт назорати тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида экспорт назорат тушунчаси “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни асосида киритилди. Ушбу Қонуннинг 22-моддасида Ўзбекистон Республикасида қуролланиш, ҳарбий техника, икки маънога эга товар ва технологияларга эга бўлиш ва халқаро мажбуриятларни бажаришга қаратилган ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишдаги миллий манфаатларини ҳимоя қилишни кўзловчи экспорт назорат тизими фаолият кўрсатади. Экспорт назоратга тушувчи ташқи иқтисодий фаолият объектларининг рўйхати тузилган бўлиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан уларни олиб чиқиш ва транзит қилиш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябр кунидаги “Товарлар (иш, хизмат) экспортини қўшимча равишида рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги УП-1871 Фармонига биноан маҳсус товарларнинг рўйхати тузилган бўлиб, уларнинг экспорт-импорти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензия-

⁸⁷ Мансуров А. Седьмая безядерная. Газета Uzbekistan Today. 15 сентября 2006 г.

лар орқали амалга оширилади. Уларга қуйидаги түртта товарлар гурухи киради:

1. Қурол-яроғ ва ҳарбий техника, уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус комплект буюмлар;

2. Қимматбаҳо металлар, котишмалар, улардан ясалган буюмлар, руда, концентрат, лом ва чиқиндилар, қимматбаҳо табиий тошлар ва улардан ясалган буюмлар, чиқиндилари, кукуни ва қимматбаҳо табиий тошларнинг рекуператори, марварид ва ундан ясалган буюмлар, қаҳрабо ва ундан ясалган буюмлар;

3. Уран ва бошка радиоактив моддалар, улардан ясалган буюмлар, радиоактив моддаларнинг чиқиндилари;

4. Радиоактив моддалар ишлатиладиган асбоб ва ускуналар.

Ҳалқаро нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ядервий ва радиоактив материалларни рўйхатга олиш ва назорат қилиш, уларнинг импорти ва экспорти самарали тарзда амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси хукумати ва МАГАТЭ ўргасида Шартномага асосан 1994 йили ядервий қуроллар ва ядервий материалларни тарқатмаслик хусусидаги кафолатлар тўғрисидаги Битим имзоланган.

1997 йилнинг 17 декабря эса Ўзбекистон томонидан “Кафолатлар тўғрисида”ги Битимга “Қўшимча Баённома” имзоланди ва бу билан мамлакатда ядервий фаолиятни назорат қилиш тизими янада мустахкамланди.

Бу борада таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда барча қонун ва меъёрий хужжатлар ҳалқаро Конвенция ва Битимларга мос келишини таъминлаш мақсадида, атом қувватидан тинчлик йўлида фойдаланишни назарда тутган қатор қонун ва меъёрий хужжатлар қабул қилинган. Улар жумласига “Ядервий материалларни жисмоний ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Учинчи мамлакат олдида масъулиятни ҳис этиш тўғрисида”ги, “Ядервий можаро хусусида олдиндан хабар бериш тўғрисида”ги, “Ядервий зарап бўйича фуқаролик масъулияти тўғрисида”ги конвенциялар киради.

Норбаев У.И. Значение экспортного контроля над ядерными передачами в Республике Узбекистан // Экспортный контроль ядерных передач в странах ЦА: материалы регионального семинара 3-5 сентября 2001. – Алматы, 2001. С. 20.

Мустақиллик йилларида радиацион хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат ва фуқаролар муносабатларини бошқарувчи қатор қонунлар қабул қилинди. Уларнинг қаторида “Радиацион хавфсизлик тўғрисида”ги Қонун ҳам бўлиб, унда давлатни бошқариш масалалари, назорат, мазкур соҳада лицензиялаш фаолияти, фуқароларнинг хуқуклари, ижтимоий масалалар каби хавфсизликнинг барча қирралари кўриб чиқилган. Шунингдек, улар қаторидан “Ўзига хос юкларнинг транзити тўғрисида”ги Қонун ҳам жой олган бўлиб, Қонун юкларни қабул қилувчи ва юк юборувчилар, айрим юкларнинг республика ҳудуди орқали ўтишини тақиқлашнинг мажбурият ва масъулиятларини белгилаб берди. Мазкур Қонуннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига (автотранспорт билан), Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона назорати, “Саноатконтехназорат” агентлигига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва бу борадаги масъул вазирлик ва ташкилотлар зиммасига юклатилган.

БМТ ва Ўзбекистон Республикаси муносабатларида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доимий асосда эътибор бериб келинади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилда бўлиб ўтган “Минг йиллик саммити”да Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ҳалқаро терроризм ва наркотикларнинг ноқонуний савдоси билан курашга, минтақавий хавфсизликни, БМТ тузилиши ва фаолиятини ислоҳ қилишга оид муҳим таклифлар билан чиқди. Ушбу саммитда И.Каримов ҳалқаро жамоатчилик эътиборини яна бир бор Орол денгизи куриши билан боғлиқ дунё миқёсидаги муаммога қаратди. Қайд этиш керакки, Оролбўйидаги вазият нафақат Марказий Осиё учун, балки дунё миқёсидаги экологик муаммодир. Бундан келиб чиқкан ҳолда, Ўзбекистон биричи Президенти экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорликни кўллаб-куvvatлаш таклифи билан чиқди. Бу муҳим ишга ҳалқаро ташкилотлар ва донор мамлакатлар молиягий маблагларини жалб қилиш мақсадида БМТнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш Даству-

ри қошида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича Кенгаш тузиш тақлиф қилинди⁸⁹.

Мутахассисларнинг фикрича, БМТ глобал хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳозирги кунда мавжуд минтақавий ва глобал характерга эга бўлган низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш каби мураккаб масалаларни ҳал этишда ўзининг имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда керакли натижаларга эриша олмаяпди. Шу боис, улар БМТни ислоҳ қилиш, унинг ХК ҳузурида фаолият олиб бораётган терроризмга қарши кураш қўмитасининг ваколатларини кучайтириш ҳамда Кўмита томонидан жиноятчиликка қарши курашда аъзо-давлатлар ҳамкорлигига суюнган ҳолда ва бу ҳамкорликни мувофиқлаштириш асосида иш олиб борадиган тузулмага айлантириш мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқдалар⁹⁰.

Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг 12 та аксилтеррористик конвенцияларга ва ташкилотнинг Наркотиклар савдоси билан кураш бўйича Конвенциясига қўшилган. Бу ҳамкорлик доирасида 2000 йилнинг 19-20 октябрида Тошкентда “Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш” наркотиклар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга бир бутун ёндашув” мавзусида ҳалқаро конференция ўтказилди. Ўзбекистон бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги кўпгина хайрли ишларнинг ташаббускори бўлиб чиқди.

БМТ ва Ўзбекистон Республикаси ҳамкорлигига мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда замонавий фан ва технологиялар ютуқларидан кенг фойдаланиш ва инновацион дастурларни амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор каратилади.

Хусусан, БМТнинг “Рақамли ривожланиш ташаббуси” (Digital Development Initiative) дастури Ўзбекистонда ахборот ва коммуникацион технологиялар ривожланишини кўллаб-куvvatлашга қара-

тилган бўлиб, ахборот технологияларининг таълим тизимларида кенг татбиқ этилишини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро терроризмга қарши кураш, информацион хавфсизликни таъминлаш, ядрорий технологиялардан тинчлик йўлида фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларни бартараф этиш ва бошқа қатор йўналишларда БМТ ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик олиб бориши глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги муносиб ҳиссасини янада ортиради.

Ўзбекистон ўзининг 30 миллионлик аҳолиси билан Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашда муҳим рол ўйнаб келмоқда. БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш ташкилотининг минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистонда 1993-йилдан буён фаолият юритиб келмоқда ҳамда ноконуний наркотик моддалар айланиши, жиноятчилик, наркотик моддалар савдоси, терроризм ва экстремизмга қарши курашга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан аҳоли, айниқса ёшлар саломатлигини саклаш ва хавфсизликни таъминлаш масалаларини ҳал этиш бўйича кўмаклашмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу ташкилот билан ҳамкорликда қўйидаги кўшма лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда:

1. “Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг қонунга хилоф равишида муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази (САРИСС)ни ташкил этиш” Минтақавий лойиҳаси (войиҳанинг умумий қиймати – 15,4 млн. АҚШдолл.). Лойиҳа доирасида САРИССни ташкил этиш бўйича шартноманинг иштирокчи-давлатлари миллий координаторлари Кенгашининг бир қанча йигилишлари ўтказилиб, унда яқин келажакдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари белгилаб олинмоқда ва долзарб масалалар кўриб чиқилмоқда.

2. “Треатмент ИИ – наркотик моддаларга қарамликни ва унинг соғлиқ учун салбий оқибатларини даволаш” Минтақавий лойиҳаси (войиҳанинг умумий қиймати – 1 млн. 490 мингАҚШдолл.). Лойиҳа доирасида Республиканинг вазирлик ва идоралари мутаҳассислари психотроп моддаларни истеъмол қилиш натижасида жабр-

⁸⁹ С.А.Жўраев. Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигини ривожлантириш. //Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни мөдернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. Тошкент. 2005. - Б. 130.

⁹⁰ Қаранг: Исполнительный директорат Контртеррористического комитета: Борьба с терроризмом- прогресс и вызовы.// Департамент общественной информации ООН .DPI/2375B-январь 2005.

ланган инсонларни ҳимоя қилишнинг самарали стратегияларини кўллаб-куватлаш ва тарғибот қилиш соҳасида халқ аро стандартларга ва конвенсияларга мос келадиган маҳсус ўқув курсларида ўз малакаларини ошириб келмоқдалар.

3. “Оилада ҳаёт кўникмаларини шакллантириш дастури воситасида ёшлар ўртасида психоактив моддаларнинг ноқонуний искеъмол қилиниши, ОИВ/ОИТС ва жиноятчиликни олдини олиш” Минтақавий лойиҳаси. Ҳозирги кунда ушбу лойиҳа доирасида Тошкент шахри ва республиканинг уч вилоятида мактаб ёшигача бўлган болалар учун “Оила ва мактаб биргаликда” дастури амалга оширилмоқда.

4. “Чегара пунктларини мустаҳкамлаш ва чегара алоқа бўлинмасини ташкил қилиш орқали Афғонистоннинг шимолий маршрутлари орқали ўтувчи ноқонунний опиатларнинг айланишига қарши курашиш” Минтақавий лойиҳаси (войиҳанинг умумий қиймати – 1,3 млн. АҚШдолл.).

Ўзбекистон Республикасига кирувчи ва транзит орқали МДХ мамлакатларига ўтувчи шахслар ва транспорт воситаларининг асосий оқими Ўзбекистон-Тожикистон чегарасидаги «Ойбек-авто йўл» ўтказув пункти орқали амалга оширилиши ҳисобга олинган ҳолда, асосий техник ҳамкорлик оқими ушбу назорат-ўтказув пунктига йўналтирилган.

Бундан ташқари, 2011-йилда ноқонуний наркотик моддаларга қарши кураш соҳасида юқори натижаларга эришиш бўйичамина тақа давлатлари учун комплекс тавсиявий ҳужжат ҳисобланган 2011-2016-йиллар учун мўлжалланган Афғонистон ва унга кўшини давлатларда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашдаги хатти-харакатларни кўллаб-куватлаш минтақавий дастури йўлга кўйилди.

Ушбу дастурнинг асосий мақсадларидан бири минтақа мамлакатларининг наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишдаги салоҳиятини кучайтириш, шунингдек ҳалқаро оператцияларни кўллаб-куватлаш учун маҳсус манбалар ажратишдан иборат.

Мазкур дастур лойиҳасининг умумий қиймати 60 млн. АҚШ-долларини ташкил қилади. Асосий донор-мамлакатлар Япония,

Россия, Швейцария ва Италия ҳисобланади. Даструр иштирокчилари: Афғонистон, Қозогистон, Қирғизистон, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон.

5. “БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш ташкилоти (УНОДС) ва Бутун жаҳон божхона ташкилотининг контейнер ташилмаларини назорат қилиш бўйича глобал дастур” Контейнер ташилмаларини назорат қилиш бўйича глобал дастур (ГПСТ) 2004-йилда БМТнинг Наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш ташкилоти (УНОДС) ва Бутун жаҳон божхона ташкилоти томонидан божхона ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини бирлаштириш орқали бу каби жиноятчилик фаолиятига чек қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган.

ГПСТнинг ўн йиллик фаолияти мобайнида сезиларли ютуқларга эришилди. Ўзининг амалиётга тадбиқ этилишидан сўнг ГПСТ порт назорати бўйича 30 дан ортиқ тезкор бўлинмаларни ташкил қилди, бу эса, ўз навбатида, наркотик ва бошқа тақиқланган маҳсулотларнинг, хусусан, 100 тонна кокаин, 3 млн тонна героин, 60 тонна каннабис ва тақиқланган наркотик моддалари ишлаб чиқиша кўлланилувчи 1273 тонна миқдоридаги кимёвий модда-прекурсорлар, шунингдек, сигареталар, автомобиллар, дори воситалари, электрон чиқиндилар, хавфли материаллар ва ёввойи ҳайвонлар каби тақиқланган товарлар ва наркотик моддаларни аниқлаш ва мусодара қилишнинг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди.

6. “Марказий Осиё минтақаси ва Озарбайжондаги прекурсорлар устидан назорат қилиш” Минтақавий лойиҳаси (войиҳанинг умумий қиймати – 6 млн. АҚШ долл.). Ушбу лойиҳа доирасида тренинглар, семинарлар, турли учрашувлар ўтказилган бўлиб, уларда мамлакатимизнинг турли ташкилотларидан 200 дан ортиқ вакиллар иштирок этдilar.

Вазирлик ва идоралар компьютер ва лаборатор ускуналар, транспорт ва техник воситалар, материаллар, ўқув кўлланмалари билан таъминланди.

Шунингдек, лойиҳа ҳукуқ-тартибот органларининг Афғонистонга кимёвий прекурсорлар ноқонуний олиб ўтилишини олдин олиш бўйича минтақавий ва миллий оператцияларини молиялаштиради.

7. “Марказий Осиё ва Афғонистон Ислом Республикаси давлатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шахсий таркибини наркотик моддаларга қарши кураш соҳасида малакасини ошириш”, Минтақавий лойиҳаси (бойинчалик умумий қиймати – 2.14 млн. АҚШ долл.). Лойиҳа доирасида наркотик моддалар ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича бўлинмалар ходимларини тайёрлашда Домодедово ҳалқаро идоралараро марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтида, Бишкекда, Ашхобода, Анқарадаги ТАДОК Академиясида ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳамда масъул давлат идораларида тренинглар ўтказилмоқда.

Шунингдек, 2016-йили Тошкент шаҳрида БМТнинг наркотик ва жиноятчиликка қарши кураш ташкилоти (УНОДС) билан ҳамкорликда Марказий Осиё давлатлари учун УНОДСнинг 2015-2019-йилларга мўлжалланган Дастури Бошқарув қўмитасининг биринчи йиғилиши, “Жиноий ишларни тергов қилишда ва судда кўриб чиқиша электрон далилларни олиш ва улардан фойдаланиш” мавзуусида прекурсорлар бўйича Минтақавий ишчи гурӯхининг (PWTT) навбатдаги Минтақалараро ўкув семинари ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

3.2. Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ШХТ ва МДҲ ўрни

Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарали ва кўп томонлами механизмлари қаторига ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни саклаш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини таъминлаш борасида фаолият олиб бораётган ташкилотлар ичida Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти алоҳида ўрин тутади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) фаолиятида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммоларини бартараф этиш ташкилотнинг долзарб вазифалари қаторига киради.

ШХТнинг расмий ҳужжатларига асосан ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари қаторига ташкилотга аъзо давлатлар

худудларида ҳалқаро терроризм, диний экстремизм, уюштирилган жиноят, гиёҳвандлик моддалар ва куролларнинг ноқонуний айланниши, норасмий миграция каби салбий тенденцияларни олишга қаратилган бўлиб ҳалқаро ва минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммоларини ечишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиша алоҳида аҳамият касб этади.

Ташкилот органларини Давлатлар раҳбарлари Кенгаши ва Ҳукуматлар раҳбарлари Кенгаши ташкил этади. Бу кенгашлардан ташқари аъзо давлатлар Ташқи ишлар, Иқтисодиёт, Мудофаа, Транспорт, Маданият ва бошқа вазирликлар раҳбарлари иштирокидаги йиғилишлар ташкилотнинг турли йўналишлардаги устувор муаммоларни бартараф этишга қаратилган стратегияни ишлаб чиқаришда асосий механизмлари ҳисобланади.

ШХТнинг тарихига назар ташланса, шуни қайд этиш мумкинки, нисбатан қисқа вақт мобайнида ушбу ташкилот ўз мавқенини ва салоҳиятини етарли даражада мустақамлаб олишга эришди.

Ўзбекистон 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан қабул қилинган Минтақавий аксилтеррор тизимни яратишда фаол иштирок этди.

2004 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган учрашувда ШХТ давлатлари ўртасида гиёҳвандлик воситаclar ва психотроп моддалар ҳамда уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланини олдини олиш бўйича Келишув имзоланди.

Ташкилотнинг худди мана шу учрашувда Минтақавий аксилтеррор тизимини бажарувчи қўмитасининг Тошкент шаҳрида асосланган ҳолда ўз фаолиятини бошлишига бағишлиланган очилиш маросими ўтказилди.

2006 йилда ШХТнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган Саммитида эса минтақада терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш бўйича ташкилотнинг беш йиллик Декларациялари қабул қилинди. Бундан ташқари, Саммит натижалари асосида Минтақавий антитеррористик тизим доирасида маълумотларни техник муҳофазасига оид Келишув ҳамда ШХТ доирасида терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш бўйича ҳамкорликнинг 2007-2009 йилларга бағишлиланган Дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг ШХТ доирасидаги фаол ишти-

роки мамлакатда қабул қилинган расмий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмоқда.

2006 йилнинг 26 августида Олий Мажлис Сенати томонидан 2002 йилнинг 7 июнида Санкт-Петербург шаҳрида ШХТ Хартияси баённомасига киритилган Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига қўшилиши тўғрисидаги ўзгаришларни ратификация қилиш бўйича қарори қабул қилинди.

ШХТнинг Тошкентда фаолият олиб бораётган Минтақавий аксилтеррор органи терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг самарали механизмларидан бирига айланиб бормоқда. Ушбу йўналишда Ўзбекистон томонидан ШХТ доирасида фаолияти таъқиқланган террорчи, экстремист ва сепаратист гурухларнинг ва бу йўналишларда жиноятчиликда айбланиб, кидирувга берилган шахсларнинг рўйхатини тузиш ташаббусининг амалга оширилишини бу соҳадаги салмоқли натижага сифтида баҳолаш мумкин.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий Аксилтеррор Органи (МАО) ШХТнинг Шанхайдаги (2001 й.), Санкт-Петербургда (2002 й.) ва Москвада (2003 й.)да бўлиб ўтган саммитларида аъзо мамлакат раҳбарлари қарорларига мувофиқ ташкил этилган.

ШХТ аъзо давлатлар раҳбарларининг Санкт-Петербургдаги саммитида МАО тўғрисида Битим имзоланган эди, Москвадаги саммит жараёнида эса МАО Ижроия қўмитасининг Регламенти тасдиқланди. Бу ҳужжатлар мазкур тузилманинг ҳукуқий негизини ташкил этади.

Минтақавий аксилтеррор тузулмаси (МАТ) Хартияга мувофиқ, ШХТнинг доимий амал қилувчи органи бўлиб, Ташкилотга аъзо давлатларининг ҳукуқ-тартибот органдарни ва маҳсус хизматларининг терроризмга қарши курашдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва терроризмда гумон қилинаётган шахсларнинг ҳалқаро қидирувига ёрдамлашишга мўлжалланган.

МАТ органларига унинг Кенгаши ва Ижроия қўмитаси ҳисобланади. Қирғизистон ШХТ МАТни ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлганига қарамай, унинг Ижроқўмини дастрлаб Бишкекда жойлаштириш мўлжалланган эди, кейин эса, 2003 йил 29 майда Москвада бўлиб ўтган ШХТ аъзо-давлатлари раҳбарларининг

мажлисида ШХТ МАТ Ижроқўмини Бишкекдан Тошкентга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШХТ аъзо-давлатлари ташкиларни вазирлари Кенгашининг 2003 йил 5 сентябрь куни ўтказилган мажлисида МАТ Ижроқўми Тошкентга кўчириш тўғрисидаги давлат раҳбарлари қарорини юридик жиҳатдан расмийлаштириш якунланди. 2003 йил 1 ноябрда МАТ Ижроқўми минимал таркибда ишга тушди, 2004 йил 1 январдан бошлаб эса – ШХТнинг мазкур доимий фаолият юритувчи органи тўлақонли ишини бошлади.

ШХТ МАОнинг Ижроқўмини Тошкентга кўчиришдан асосий мақсад шундан иборат эдики, Бишкекда ҳозирги вақтда МДҲнинг Аксилтеррор маркази, КХТШнинг маҳсус Коллектив кучлари штаб-квартираси мавжуд бўлиб, бу тузилмалар ўргасидаги фаолияти мувофиқлаштириш мураккаб ва катта аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади.

Тошкентда ШХТ МАТнинг таъсис этилиши ҳам ШХТ доирасида, ҳам кенгроқ форматда ҳалқаро терроризмга қарши курашда ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур шароитлар яратади, ташкилот аъзо-мамлакатларига минтақавий ва глобал ҳавфиззликни мустаҳкамлаш мақсадида қўшма салоҳиятни мақбулроқ қўллаш имконини беради. ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор органи минтақавий ҳавфиззлик ва барқарорликни таъминлашдаги ҳамкорликнинг самарали механизми бўлиб қолмоқда⁹¹.

ШХТ Марказий Осиёнинг қўшни ҳудуларларида жойлашган Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Покистон давлатларига таъсир этгани ҳолда, минтақада улкан сиёсий бирлашмага айланиб бормоқда. Россия ва Хитой учун бу фақаттина миллиатчилик, диний экстремизм ва сепаратизм учун кураш бўйича минтақавий ташкилот эмас, балки жаҳон миқёсида ўзларининг стратегик манбаатларини ҳимоя қилишга имкон берадиган геосиёсий инструментdir. Кенг маънода эса ШХТ кўп қутбли глобал сиёсий тизимни юзага келиши натижаси деб баҳолаш мумкин⁹².

⁹¹ РАТС – время практических действий. <http://www.asiainform.ru/rusdoc/151.htm>. 29.03.06.

⁹² Лузянин С.Г. Россия и Китай в Центральной Азии. Проблемы развития ШОС. (сентябрь 2001 - сентябрь 2004 гг.). <http://www.analitika.org/article.php?story=20050329052500844>

XXI асрда давлатларнинг иқтисодий ўсиши илмий-техник таракқиётнинг етакчи роли иқтисодиётнинг барча соҳаларида, биринчи галда, саноатда ишлаб чиқаришнинг асосий таркибини интеллектуаллаштириш орқали таъминланади. Янги билимлар ёки қарорлардан иборат бўлган янги ёки таомиллашган технологиялар, маҳсулотлар, ускуналар ҳиссасига ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 70 дан 85 фойзгача тўғри келади. Таълим энг муҳим соҳалардан бирига айланниб, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ривожининг истиқболини белгилаб беради.

Инновацион фаолиятнинг фаоллиги бугунги кунда кўпроқ иқтисодий ривожланиш даражасида ўз аксини топмоқда: инновацион фаолият учун яхши шароитлар яратган мамлакатлар глобал иқтисодий рақобатда ютиб чиқмоқдалар.

2016 йил 23-24 июнь кунлари Кўксаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси раислигида ўтди.

ШХТ саммити ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган учрашувда Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлиса Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўтасида савдо-иктисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш, ШХТ фаолиятини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозогистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган ШХТни ташкил этиши тўғрисидаги Декларация асосида тузилган. Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги

ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташкилотнинг асосий мақсад ва қазифалари этиб белгиланган.

ШХТ Хартиясида аъзо давлатлар мустақиллик, худудий яхлитлик ва чегаралар дахлсизлигини хурмат қилиш, тенг ҳукуқлилик, ўзаро англашув ва фикрларни инобатга олиш, ички ишларига аралашмаслик, ҳалқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш тамоилларига амал қилиши қайд этилган.

Ўтган 15 йилда ташкилотнинг мустаҳкам ҳукуқий асоси яратилди, котибияти ва таркибий тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. ШХТ нуфузли давлатларо ташкилот сифатида ҳалқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллади, кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Ўзбекистон ташкилотнинг асосчиларидан бири, улкан иқтисодий ва геосиёсий салоҳиятга эга давлат сифатида унинг фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимиз ШХТга савдо-иктисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, гиёҳванд моддалар ва курол-яроғларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда муҳим восита сифатида қарайди.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига учинчи маротаба раислик қилди. Республика ШХТга 2003-2004 ҳамда 2009-2010 йилларда раислик қилган.

Ўзбекистоннинг ташкилотга биринчи раислиги ҳам ШХТ фаолиятини янги мазмун билан бойитган. 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган саммит доирасида пойтахтимизда ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи органи – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси очилган. Хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашуви йўлга қўйилган. Бу ишлар ШХТнинг асосий мақсадларидан бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, турли таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

2004 йилдаги саммитда ШХТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорлик

тұғрисидаги битим, ШХТ хузуридаги кузатувчи мақоми тұғрисидеги низом ва бошқа қатор хужжатлар имзоланған. Покистон, Хиндистон, Эрон ва Мұғалистанға ШХТ хузуридаги кузатувчи давлат мақоми берилған. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўша йилги саммитта Афғонистон раҳбары илк бор мәхмон сиғатида таклиф қилинған. Кейинчалик Афғонистон ШХТ хузуридағи кузатувчи давлат мақомига ега бўлди.

Ўзбекистоннинг иккинчи раислиги даврида амалга оширилган ишлар ҳам ШХТ фаолиятини янги босқичга кўтарди. 2010 йил апрель ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тұғрисидаги Қўшма декларация имзоланди. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мазкур глобал тузилма билан ўзаро алоқаларига асос бўлиб келмоқда.

2010 йил 11 июнь куни Тошкентда ўтган саммитда, шунингдек, ташкилот доирадасидаги масалаларни ҳал этишда мухим хужжатлар – ШХТнинг иш юритиш қоидалари ва ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тұғрисидаги Низом имзоланған.

Ўзбекистон Республикаси 2015 йил 11 июлдан бүён ташкилотга раислик қилиб келмоқда. У аъзо давлатлар билан биргаликда ШХТ доирадасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро алоқалар мувофиқлашувины яхшилаш, ташкилотнинг халқаро майдондаги ролини кучайтириш юзасидан салмоқли ишларни амалга ошириди. ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташабbusларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш орқали ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари ШХТнинг 15 йиллик фаолияти асосий натижаларини кўриб чиқдилар. Ташкилот нуфузли ва аҳамиятли тузилма сиғатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллагани алоҳида таъкидланди.

Мажлисда халқаро терроризм, экстремизм ва унинг бошқа кўринишлари бугунги кунда дунёning барча мамлакатлари учун бирдек хавф солаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу таҳдидларга факат ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаштириш орқали қарши курашиш мумкинлиги қайд этилди.

ШХТ Хартияси қоидалари ва бошқа хужжатларига мувофиқ терроризм, сепаратизм ва экстремизмга, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, курол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддалар билан ноқонуний савдо, оммавий қирғин куроллари ва уларни етказиб бериш воситалари тарқалишига қарши биргаликда курашиш ШХТ доирадасидаги ўзаро ҳамкорликнинг устувор вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Ўзаро ҳамкорлик, давлат суверенитетини ҳурмат қилиш ва бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланған ҳолда, хавфсиз, холис ва очиқ ахборот маконини яратишига доир саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш мұхимлиги қайд этилди.

Мажлисда кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, минтақа ва дунёдаги вазиятга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Иқтисодиётнинг пасайишига қарши самарали курашиш борасида тажриба алмашиш, инновацион технологияларни жорий қилиш, курай инвестициявий ва ишбилармонлик мұхитини шакллантириш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида узок муддатли ўзаро манбаатли лойиҳаларни амалга ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда транспорт коммуникациялари, энергетика, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари – Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Гани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мұғалистан Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Мухаммад Зариф, саммит мәхмони – Туркманистан Президенти Гурбангули Бердимұхамедов ҳам иштирок этди. Шунингдек, мажлисда ШХТ Бош котиби Рашид Алимов, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди.

Саммитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

ўринбосари Жефри Фелтман, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти. Бош котиби Николай Бордюжа, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижрочи директори Гун Цзянъвэй ҳам иштирок этди.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзолангани Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди.

Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТнинг тенг хукукли аъзоси мақомига эга бўлиши ташкилот имкониятларини кенгайтириб, ҳалқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақа ва умуман дунёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлайдиган кўп томонлама механизм сифатида ташкилот ролини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Камбоджа Қироллиги ва Непалга ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари мақомини бериш тўғрисидаги меморандум имзоланишини маъқулладилар.

Музокаралар якунида ШХТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси, ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида янги технологик тузумнинг шаклланишини таъминлаш учун, бир пайтнинг ўзида, фундаментал ва амалий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-куватланишини, инновацион инфротизимни тақомиллаштириш, инновацион фаолият учун таълим тизимида мутахассислар, илмий ва педагогик кадрларни тайёрлаш, таълим тизимида инновацион фаолиятнинг фаоллаштириш, миллий инновацион тизимни шакллантириш, шунингдек, хўжалик айланишида интеллектуал мулк объектларини қўриқлаш, ҳимоя қилиш ва тортиш тизимини ўз ичига олувчи шароитларни яратишни таъзозо этади.

Ҳамдўстлик мамлакатларида олиб борилаётган давлатлараро инновацион сиёсат МДҲга аъзо-давлатларнинг жорий инновацион фаолияти ҳолатини таҳлил этиш асосида шаклланиб, инновацион сиёсатнинг умумий вазифаларини амалга оширишда комплекс ёндошувни таъзозо этади⁹³.

Ҳамдўстлик мамлакатларидағи мавжуд илмий, ишлаб чиқариш ва технологик задел кесиши масида амалга оширилишини таъзозо этади. Мазкур устиворликларни бозор тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда қуйидагилар орқали қўлланилиши лозим:

Биринчидан, илмий-технологик соҳада давлатлараро инновацион дастур ва лойиҳаларни комплекс шакллантириш ва амалга ошириш;

Иккинчидан, инновацион инфротизимни яратиш ва ривожлантириш;

Учинчидан, рақобатбардош технологияларни ўрганишни ўзаро боғланган ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан биргаликда рағбатлантириш.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши жаҳон бозорида ўз ўрнини топа оладиган рақобатбардош корхоналарни яратиш, МДҲ мамлакатларида замонавий технологияларнинг тарқатилиши ва маҳаллий инновацион маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга замин яратади.

МДҲга аъзо давлатларнинг илмий-техник мажмуаси инновацион ривожининг давлатлараро устиворлиги рўйхати лойиҳасини шакллантириш учун, биринчи галда, сўнгги миллий инновацион устиворликлар жамланмаси ва давлатлараро инновацион лойиҳаларни аниқлаш лозим⁹⁴.

Улардан давлатлараро инновацион устиворликлар сараланади ва бундай саралашни ўтказиш учун мезонлар тизими қабул қилинади.

МДҲ мамлакатлари илмий-технологик мажмуаси инновацион ривожининг устиворларини амалга ошириш учун ажратилган чекланган ресурсларни оптималь равишда тақсимлаш ва мувофиқ келувчи ташкилий механизмлардан самарали равишда фойдаланиш зарур. Давлатлараро инновацион устиворликларни амалга ошириш

⁹³ <https://tiim.uz/?p=7680>

⁹⁴ Государственные приоритеты в науке и образовании. РАН, ИНИОН - М., 2001.

учун эса саноатнинг илмийнамо соҳалари ривожи устиворликларини амалга оширишда қабул қилинган умумий механизмлардан фойдаланиш, хусусан давлатлараро инновацион дастурларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир⁹⁵.

Давлатлараро стратегик инновацион устиворликларни амалга оширишда дастурий-мақсадли усулларни қўллаш куйидаги омиллар билан таъминланади:

- ҳал қилинадиган масалалар аҳамияти;
- оддий ҳолатда, мақбул вактда муаммони комплекс равища ечиш имконияти йўқлиги;
- лойихаларнинг янгилиги ва юқори самарадорлиги;
- муаммони ҳал қилиш учун ишлаб чиқариш ва технологик соҳалар фаолиятини мувофиқлаштириш заруратининг мавжудлиги⁹⁶.

Жаҳон иқтисодиётининг замонавий глобаллашиши шароитида жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик – ишлаб чиқаришга энг янги илмий-техник масалаларни тадбиқ этиш ва илмийнамо ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, инновацион жараёнларнинг самарадорлиги даражаси каби омиллар билан белгиланади.

МДҲнинг Иқтисодий кенгаши томонидан Инновацион соҳада 2001-2005 йиллар учун аъзо-мамлакатларнинг давлатлараро инновацион сиёсати Концепцияси қабул қилинган эди. 2002 йилнинг 28 июнида Концепцияни амалга оширишнинг Комплекс режаси қабул қилинди.

Шу билан бирга қайд этилган хужжатларни амалга ошириш доирасида иш охиригача етказилмаган. Биринчи галда, бу Комплекс режа чора-тадбирлари зарур миқдорда молиялаштирилмаганлиги, шунингдек, давлатлараро органлари томонидан давлатлараро инновацион ҳамкорлик муаммоларига етарли эътибор берилмаганлиги билан боғлиқ. Инновацион ривожланиш соҳасидаги аксарият тадқиқотларда МДҲга аъзо мамлакатларнинг умумжаҳон тенденциялардан орта қолаётганилиги ҳақли равища эътироф этилади.

⁹⁵ Соколов А. Выбор научно-технологических приоритетов // Человек и труд. 2000. № 8. С. 56.

⁹⁶ Райзберг Б. А., Лобко А. Г. Программно-целевое планирование и управление. М., ИНФРА-М. 2002.

Агарда давлатларнинг инновацион фаолликдаги ҳолатини илм ва тижорат, иқтисодиётга илмий ишланмаларни тадбиқ этиш тезлигининг ўзаро боғлиқлиги даражасини белгиловчи “инновация индекси” кўрсаткичи орқали аниқлаш лозим бўлса, унда жаҳон етакчилари сифатида АҚШ, Тайван, Финляндия, Швеция, Япония намоён бўлишади. Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар мазкур кўрсаткич бўйича учинчи ўнликда туришибди.

Илмий тадқиқотларга йўналтириладиган ишлаб чиқариш кўрсаткичи давлатнинг ички ялпи маҳсулоти ҳиссаси билан белгиланади. АҚШда у 2,1% ни, Швецияда - 3,6% ни, Финляндияда - 3,4% ни ташкил этади. Япония ушбу кўрсаткич бўйича жаҳонда 4 ўринда, Германия – 9 ўринда, Франция – 10, Буюк Британия 18 ўринда туради. Сўнгти 15 йил ичida иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)дан илмга ажратиладиган маблағни кўрсатувчи умумий қабул қилинган сон 2,5-3% атрофидадир. Бунинг тескарисини собиқ Иттифоқ давлатларида кўриш мумкин. Бозор иқтисодиёти даврида мазкур кўрсаткич ўртacha ЯИМ дан 0,3-0,4% га пасайди. Уни фақатгина дунёнинг баъзи – бир учинчи мамлакатлари билан солиштириб кўрамиз. МДҲга аъзо давлатлардаги ЯИМдаги фанга бўлган харажатлар ҳиссасининг ўзгариш динамикаси МДҲ мамлакатларида мазкур кўрсаткичининг 1990-2003 йиллар давомида пасайғанлигини кўрсатади⁹⁷.

МДҲга аъзо мамлакатларнинг давлатлараро инновацион ҳамкорлик қилиш учун интеграцион бирлашуви тарихий заруратdir.

Биринчидан, инновацион ривожланиш миллий технологик тизимларни шакллантиришни ва янги товарларни яратиш, уларни аниқ бозорларда сотишга йўналтирилган қобилиятларни ривожлантириш натижасида ҳар бир мамлакат масъулиятининг ортиши кузатилади. Демак, миллий инновацион масъулиятнинг ортиши Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида бир-бирини тўлдирувчи ўзаро фаолият заруратини кучайтиради.

Иккинчидан, замонавий шароитда мутлақо янги товарларни фақатгина илмий фанлар қўшилмасида фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш асосида яратиш мумкин. Кагта харажат-

⁹⁷ Наука России в цифрах // Статистические бюллетени СНГ – М.: ЦИСН, 2004. – С.194.

лар ва аниқ бўлмаган тижорат натижаларининг мавжудлигининг эътирофи, кўпгина фундаментал тадқиқотлар йўналишлари учун характерли бўлган фаолиятни, интеллектуал ва молиявий капитални бирлаштириш, қиммат тадқиқотларни тақрорлашга чек қўйиш, шунингдек, бозорда юқори тижорат самарадорлигига эга бўлган технологиялар диффузиясини тезлаштириш МДХга аъзо давлатлар фаолиятида муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Учинчидан, технологик жиҳатдан янги бўлган маҳсулот турини кўпайтириш ҳажмни кенгайтириш ва ушбу маҳсулотни сотиш бозорини чуқур диверсификация қилишни тақозо этади. Бу ҳолда инновацион маҳсулот савдосининг умумий қоидаларини аниқлаш ва у учун умумий савдо маконини шакллантириш МДХга аъзо ҳар бир давлатнинг инновацион фаолиятидаги ютуқларнинг муҳим шарти бўлиб қолади.

МДХ доирасида инновацион ривожланиш борасидаги муаммоларни ҳарбий соҳада ҳам кузатиш мумкин. Сўнгги ўн йилликлар давомида ишлаб чиқаришнинг деярли барча тармоқларидағи кооперация алоқаларининг юзага келган узилиши алоҳида давлатлар учун ҳарбий мақсадлардаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мукаммал циклини амалга оширишни қийинлаштиради ва бунга имкон бермайди.

3.3. Минтақавий иқтисодий барқарорликни таъминлашда ЕИХ доирасидаги инновацион ҳамкорликнинг аҳамияти

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ)ни таъсис этиш ҳақидаги шартнома 2000 йил 10 октябрда Қозогистон пойтахти Остана шаҳрида Беларусь, Қозогистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон президентлари томонидан имзоланган.

2002 йил май ойида Молдавия ва Украина давлатларига, уларнинг илтимосига кўра ЕИХ қошидаги кузатувчи мақоми берилган. 2003 йилда Арманистоннинг шундай илтимоси қондирилган. Ўзбекистон Республикаси 2006 йил январида ЕИХ аъзоси бўлди.

Ҳамжамият раҳбар органлари қаторига Давлатлараро кенгаш, Интеграция кўмитаси, Парламентлараро Ассамблея, Ҳамжамият Суди киради. Бу Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг олий орга-

нидир. Унинг таркибига ҳамжамият мамлакатларининг давлат ва ҳукумат бошликлари киради.

Давлатлараро кенгаш иштирокчи-давлатлар умумий манфаатлари билан боғлиқ муҳим масалаларни кўриб чиқади, интеграция ривожланишининг стратегиясини, йўналишларини ва истиқболларини белгилайди ҳамда ЕИХ мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган қарорлар қабул қиласди.

Бугунги кунда ҳамжамиятнинг олиб бораётган фаолияти таҳлили натижалари асосида таъкидлаш жоизки, яқин келажакка ЕИХ фаолиятидаги етакчи йўналишлар қаторига куйидагилар киради:

Транспорт – ягона тарифлар, юк оқимини кўпайтириш, божхона тартибларини соддалаштириш, имзоланган битимлар бўйича ички давлат тартибларини якунлаш, трансмиллий транспорт-экспедиция юшмаларини барпо қилиш.

Энергетика – Марказий Осиё гидроэнергетика комплексларини биргаликда ўзлаштириш ва электр куввати ва сувдан фойдаланиш таъминоти муаммоларини ҳал қилиш, ягона энергетика балансига чиқиши.

Мехнат миграцияси – мигрантларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат бойликлари кўчишини тартибга солиш ва назорат қилишнинг амалий тизимини вужудга келтириш, миграция билан боғлиқ жиноятчилик билан кураш, мигрантлар ва улар иш берувчиларининг солиқлар тўлаши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш.

Аграр-саноат комплекси – ЕИХ давлатлари қишлоқ хўжалиги сиёсатини мувофиқлаштириш, Ҳамжамият мамлакатларининг ягона озиқ-овқат бозорини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиб, сақлаш ва сотиш харажатларини қисқартириш, бу соҳада янги бозор институтларини (суғурта, банк, лизинг, биржа ва бошка) ташкил қилиш.

ЕИХ Иқтисодий форуми доирасида ташкилотнинг Давлатлараро кенгашининг 2003 йилнинг октябр ойида қабул қилинган 148-сонли қарорига асосан Россия, Беларусь, Қирғизистон, Қозогистон ва Тожикистон давлатлари бош вазирлари томонидан “ЕИХ – ишбилармон дунё” мавзууда йиллик конгресс ўтказилиши режаси тасдиқланган. Конгресс Ҳамжамият доирасида инновацион дастурларни амалга оширишни фаоллаштириш, аъзо-давлатларнинг иқтисодий хавфизлигини ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш ва хорижий

сармояларни фан ва технологияларни ривожлантиришдаги ҳиссанни кенгайтиришиň ўз олдига мақсад қилиб кўйди.

2004 йилда ўтказилган Конгресс ишида, ЕИХ давлатларининг инновацион тараққиёт уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашида муҳим аҳамият касб этгани ҳолда, Ҳамжамиятга аъзо давлатларда хомашё экспорти йўналишлари уларнинг илмий-технологик салоҳиятига мос келмаслиги таъкидланди. Анжуман аъзоларининг фикрича, инновацион тараққиётга эришмай туриб, глобал характерга эга бўлган иқтисодий жарабёнларда тўла хуқуқли иштирокчи сифатида қатнашишга эришиб бўлмайди⁹⁸.

ЕИХ давлатлари раҳбарларининг 2006 йил 25 январда Санкт-Пертербург шаҳрида ўтказилган учрашуви аъзо-давлатлар инновацион тараққиётини амалга ошириш ва бу борада улар ўртасида қатор масалалар бўйича умумий келишувларга эришиш зарурлигини ёрқин намоён этди.

Ҳамжамият доирасида эрkin савдо тартиби амал қиласи, йилдан-йилга ўзаро савдо айланмаси ҳажми ўсиб боряпти. Божхона иттифоқи учун асос яратилмоқда, тобора кенгайиб бормоқда, ҳамжамият мамлакатлари божхона тарифларидағи тафовутлар йўқолиб бормоқда.

Ҳозирги кунда ҳамжамият доирасида қатор ижтимоий масалалар ҳал қилинмоқда: жумладан, ЕИХ мамлакатлари ўрта ва олий ўкув юртлари дипломларининг эквивалентлиги тан олинган, визасиз тартиб сақланган ҳолда чегаралардан иккি тарафлама ўтишни тартибга солиш ҳақидаги битим имзоланган. Ҳамжамият давлатлари умумий энергетик салоҳияти жаҳондаги исботланган нефт захираларининг 10 фоизи, газ захираларининг 29 фоизи ва кўмир захираларининг 20,7 фоизини ташкил этади⁹⁹.

Шуни қайд этиш лозимки, бугунги кунга қадар ЕИХ аъзо-давлатлари энергетика секторидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари аниқланган бўлса-да, ҳали кўзланган мақсадлар амалга оширилгани йўқ.

⁹⁸ Москва приняла первый международный конгресс «ЕврАЗЭС - Деловой мир». / Газета «Евразия Вести» от 10 ноября 2004г.

⁹⁹ Геополитика диктует приоритеты экономического развития / “Независимая газета”, от 4.08. 2007.

Ҳатто алоҳида ЕИХ аъзо-давлатларида (Қозогистон, Россия) етарлича молиявий маблағлар мавжудлигига ҳам, Ҳамжамият давлатларининг ўзаро инвестициялари 2005 йилда тушган чет эл инвестицияларининг умумий ҳажмида Белоруссияда – 29,3 фоизни, Қозогистонда – 14,2 фоизни, Кирғизистонда 29 фоизни, Россияда – 2,5 фоизни ва Тожикистанда – 1,6 фоизни ташкил қилган. ЕИХ доирасида амалга оширилган энергетика лойиҳаларидан факат россиялик компаниялар иштироқида амалга оширилган Тожикистандаги Сангтуда- ва Рогун гидроэлектрстанцияларини қуриб битказиш лойиҳаларинигина кўрсатиш мумкин¹⁰⁰.

Инвестиция манбаларининг йўқлиги яқин келажакда минтақанинг трансчегара бассейнларида сувдан биргаликда фойдаланишини таъминлашга имкон бермай, кенг кўламдаги гидроэнергетика лойиҳаларини амалга ошириш учун жиддий тўсиқлардан бири бўлади. Ҳамжамият давлатлари ва миллий бизнес-тузилмалари ҳали инвестицияларни, уларнинг берилиш шартларини буюрувчи обрўли ҳалқаро молиявий институтлардан олишни маъқул кўрадилар. Яқинда ташкил этилган Евроосиё Тараққиёт Банки эса “ёшлиги” сабабли ҳали бундай молиявий институт бўлганича йўқ. Ўзаро инвестициялашга маълум даражада қайтариш кафолатлари ва инвестицияларни ҳимоялаш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги тўсқинлик қиласи.

Электр куввати истеъмолининг кутилаётган ўсишини, амалдаги ишлаб чиқарувчи кувватларнинг ривожланиб борадиган жисмоний эскириши ва алоҳида давлатларда ишлаб чиқаришнинг янги объектларини яратиш учун хусусий молиявий маблағларнинг етарли эмаслигини эътиборга олиб, шубҳасиз, Ҳамжамият давлатлари яқин вақтларда электр энергетикасига йирик инвестицияларни жалб қилишнинг эҳтиёжи билан тўқнаш келадилар.

Ҳамжамият давлатлари энергетика секторининг мавжуд аҳволи шу ҳакда хулоса қилишга имкон берадики, ЕИХ аъзо давлатлари энергияга ўсиб бораётган ички талабларни, энергия захираларини биргаликда етказиб бериш ва умумий энергетика бозорини ташкил қилиш ҳисобига қондириш учун умумий катта кучларга эгадир.

¹⁰⁰ ЕврАЗЭС создает собственный инвестиционный банк. / Газета “Финансовые известия” от 24.06.2005.

Бунинг учун энергетика захиралари билан етарлича таъминланганлик, ривожланган энергетика инфратузилмаси, фойдали геосиёсий ўрин ва технологик мувофиқлик кўринишидаги қулай шарт-шароитлар мавжуд.

Шу билан бирга, Ҳамжамият доирасида энергетика ресурслари тақсимланишининг худудий нотекислиги, асосий фондларнинг жиддий эскирганлиги ва ишлаб чиқарувчи қувватлар танқислиги билан боғлик қатор муаммолар сакланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика бошқаруви муаммосининг ҳал қилинмаганлигини, минтақа шароитида сув ва энергетика захираларидан фойдаланишининг ўзаро боғлиқлигини, энергетика захиралари, электр қуввати ҳалқаро савдосининг ривожланмаганлиги ва энергия захиралари ва электр қуввати транзити муаммоларининг ҳал қилинмаганлигини, шунингдек Ҳамжамиятнинг алоҳида мамлакатларида кенг кўламдаги инвестициялар учун молиявий захиралар танқислигини кўрсатиш зарур.

Ҳамжамиятнинг асосий вазифалари қаторига қўйидагилар киради:

